

Шохрух АБДУРАҲИМ

**ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ЎҚИБ
ТУШУНИШ МАЛАКАСИНИ
БАҲОЛАШ**



ISBN 978-9943-7805-2-1



9 789943 780521

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

Шохрух АБДУРАҲИМ

**ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ЎҚИБ
ТУШУНИШ МАЛАКАСИНИ
БАҲОЛАШ**

**“Nodirabegim” нашриёти
Тошкент – 2021**

КБК: 81.2Ўзб

A 15

УЎК: 811.512.133(072)

ISBN 978-9943-7805-2-1

Абдираимов, Шохрух Самад ўғли (Шохрух АБДУРАҲИМ)

Она тили таълимида ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш [Матн]:
монография / Ш.С. Абдираимов. – Тошкент: Nodirabegim, 2021. – 128
б.

Ушбу монографияда ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш педагогик-методик муаммо эканлиги илмий жиҳатдан асосланган. Шунингдек, умумий ўрта таълим битирувчиларининг матнни ўқиб тушуниш малакасини баҳолашнинг мазмуни, механизмлари, баҳолашда фойдаланиладиган топшириқлар тизими, методикаси, баҳолаш мезонларининг назарий асослари ишлаб чиқилган ҳамда баҳолашда фойдаланиладиган топшириқларни экспертиза қилиш тартиблари такомиллаштирилган.

Монография ўзбек тили ўқитиш методикаси ҳамда она тили ва адабиёт таълимида баҳолаш назарияси билан шуғуланувчи мутахассисларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Б.Р.Менглиев – филология фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

Ғ.Ҳ.Ҳамроев – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

К.М.Мавлонова – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Илмий-техник кенгашиининг 2021 йил 11 ноябрдаги 8-сонли қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

© **Абдираимов Ш.С.**

© **“Nodirabegim” нашриёти, 2021.**

КИРИШ

Жаҳонда тил ўқитиш методикасида XX асрнинг ўрталаридан бошлаб кишилар ўртасидаги мулоқот қуроли бўлган тилни ўқитиш ва уни баҳолашга алоҳида эътибор берилди бошланган. 70-йилларга келиб тилни ўрганиш ва эгаллаш даражасини баҳолаш билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилган. Буюк Британияда IELTS, Америка Қўшма Штатларида TOEFL ва Европада CEFR каби тест тизимлари инглиз тили ва бошқа роман-герман тилларини иккинчи тил сифатида эгаллаш даражасини баҳолашга хизмат қилаётган бўлса, Америка Қўшма Штатларида SAT, Буюк Британияда GCSE, A-level, Россия Федерациясида ЕГЭ каби баҳолаш тизимлари она тилидан нутқий малакаларни эгаллаш даражасини баҳолаб келмоқда. Мазкур баҳолаш тизимларида амалий кўникмаларни, нутқий малакаларни текширишга урғу берилди.

Дунё тил ўқитиш методикасида нутқий компетенцияни ривожлантириш, эгалланган малакаларни баҳолаш, баҳолаш методлари ва воситаларини белгилаш ҳамда тестология юзасидан бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, она тили таълимида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган муҳим компетенциялар: нутқий компетенция, лингвистик компетенциянинг назарий асослари ишлаб чиқилган, нутқий малакаларни баҳолаш домен, суб-домен, конструктларини аниқлаш юзасидан илмий тадқиқотлар қилинган, тадқиқот натижаларидан баҳолаш тизимларида ва она тили таълимида фойдаланиб келинмоқда. Шу билан бирга, сўнгги йилларда амалий кўникмаларни самарали баҳолаш методлари борасида ҳам илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида жамият ривожланиши янада жадаллашганининг гувоҳи бўламиз.

Мамлакатимизда ҳам кейинги йилларда она тилини ўқитишда нутқий компетенцияни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бошланғич ва юқори синф ўқувчиларида нутқий компетенцияни ривожлантиришнинг назарий ва методик асосларини ишлаб чиқиш борасида бир қанча илмий ишлар амалга оширилмоқда, лойиҳалар бажарилмоқда. Эришилаётган натижалар давлат таълим стандартлари ва янги ишлаб чиқилаётган миллий ўқув дастури мазмунига сингдирилмоқда. Шу билан бирга, она тили таълимида эгалланган малакаларни текшириш, баҳолаш ҳамда тажрибалар ҳулосаси асосида истиқболдаги таълим мазмунини, усулларини, мезонларини белгилаш лозим бўлади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларини

текширишнинг назарий ва методик асосларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Бироқ юртимизда она тили таълимида баҳолаш назарияси асосларини ишлаб чиқиш, баҳолаш методларини такомиллаштириш илмий жамоатчилик назаридан четда қолмоқда. Шунинг учун ҳам она тили таълимида иккиламчи кўникмалар – матнни лингвистик таҳлил қила олишни текширишга урғу берилаётир. Бу эса она тили таълимида баҳолаш мазмуни, формати ва мезонлари юзасидан ечимини кутаётган бир қанча масалалар мавжудлигини кўрсатади. Шу маънода нутқий малакалардан бири ўқиб тушуниш малакасини баҳолашнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш ниҳоятда долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда умумий ўрта таълимда ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини ривожлантириш, Давлат таълим стандартларида белгиланган минимал малака талабларини бажарганлик даражасини баҳолаш мазмуни, баҳолашда фойдаланиладиган топшириқлар методикаси юзасидан тадқиқотлар қилинган. Мазкур тадқиқотларни йўналиши, моҳияти ва аҳамиятига кўра қуйидагича гуруҳлашимиз мумкин:

умумтаълим фанларидан давлат таълим стандартларида белгиланган малака талабларини бажариш даражасини баҳолаш мазмуни, баҳолашда фойдаланиладиган топшириқлар методикаси ва баҳолаш технологияларига бағишланган тадқиқотлар. Хусусан, Ш.Ж.Юсупова¹, Р.Ғ.Сафарова², Р.Қ.Каримов³, З.Н.Матякубова⁴, Г.Қ.Ҳасанова⁵, М.Ж.Асқарова⁶, Г.А.Асилова⁷, А.Т.Гулбоев⁸, Г.Қ.Ҳасанова⁹, О.Мадаев, Қ.Назаров, К.Жалилов¹⁰, Ж.Толипова, З.З.Мирвалиев, М.Ш.Закирова, О.Мавлонов каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларини шулар жумласига киритишимиз мумкин;

¹ Юсупова Ш.Ж. Она тили таълими самарадорлигини оширишда илғор педагогик технологияларни жорий этиш (ноанъанавий усуллар ва компьютердан фойдаланиш): пед. фан. номз. дисс. – Тошкент, 1998. – 110 б.

² Сафарова Р.Ғ. Миллий тикланиш шароитида Ўзбекистон мактабларида Она тили таълими назарияси ва амалиёти: пед. фан. док. ... дис. – Тошкент, 1998. – 236 б.

³ Каримов Р.Қ. Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари мониторингини таъминлашнинг педагогик асослари: пед.фан.номз. ... дис. – Тошкент, 2006. – 181 б.

⁴ Матякубова З.Н. Ўқувчилар билимини баҳолашда кўп танлов жавобли тест тошириқларидан фойдаланиш методи (умумий биология мисолида): пед.фан.номз. ... дис. – Тошкент, 2000. – 132 б.

⁵ Ҳасанова Г.Қ. Бошланғич синф ўқувчиларида ўз фаолиятини баҳолаш ва ташхислаш кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик асослари: пед.фан.номз. ... дис. – Тошкент, 2009. – 136 б.

⁶ Асқарова М. Ж. 7-9-синф алгебра курси бўйича тест топшириқлари тузиш принципларини такомиллаштириш: пед.фан. номз. ... дис. – Фарғона, 1998. – 141 б.

⁷ Асилова Г.А. Умумий ўрта таълимда танлаш усулидаги тестлардан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари: пед.фан. номз. ... дис. – Тошкент, 1998. – 137 б.

⁸ Гулбоев А.Т. Педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш: пед. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2010. – 130 б.

⁹ Ҳасанова Г.Қ. Бошланғич синф ўқувчиларида ўз фаолиятини баҳолаш ва ташхислаш кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик асослари: пед.фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2009. – 119 б.

¹⁰ Jalilov K. Baholash nazariyasi asoslari. – Toshkent, Akademnashr 2020. – 252 b.

она тили ўқитиш методикасида нутқий малакаларни ривожлантириш масалаларига бағишланган тадқиқотлар. Бундай тадқиқотлар сирасига Х.Неъматов, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Б.Менглиев, Б.Тўхлиев, О.Розиқов, Ш.Ж.Юсупова¹¹, А.Я.Бобомуродова¹², Н.А.Қосимова¹³, Ш.Ш.Юлдашева¹⁴, И.А.Азимова¹⁵, М.Саидов¹⁶, Т.У.Зиёдова¹⁷, Н.Х.Саттарова¹⁸, М.З.Ҳамдамова¹⁹, А.Қ.Нисанбаева²⁰, Н.Г.Алавутдинова²¹, М.Р.Ҳазратқулов²², К.М.Мавлонова²³, Н.З.Умарова²⁴ ва Ғ.Ҳ.Ҳамроев²⁵ларнинг тадқиқотларини киритишимиз мумкин;

она тили таълимида матнни ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш методикаси ва мезонларига бағишланган тадқиқотлар. Бу йўналишда педагогик ўлчовларга оид махсус илмий тадқиқотлар эълон қилинмаган бўлса-да, диссертацияларда, кўлланма ва рисолаларда муайян қарашлар келтирилган. Хусусан, олима Р.Ғ.Сафарованинг²⁶ докторлик диссертациясида нутқий кўникма ва малакаларни баҳолаш мезонлари ва технологиялари юзасидан ўринли тавсиялар берилган.

¹¹ Юсупова Ш.Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида ўқувчилар тафаккурини ўстиришнинг илмий-методик асослари (академик лицейлар мисолида): пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2005. – 250 б.

¹² Бобомуродова А.Я. Она тили таълими жараёнида ўйин-топшириқлардан фойдаланиш: пед.фан. номз. ... дис. – Бухоро, 1995. – 135 б.

¹³ Қосимова Н.А. Она тили таълими жараёнида ўқувчилар нутқини сўз маънодошлари билан бойитиш: пед.фан. номз. ... дис. – Тошкент, 1998. – 145 б.

¹⁴ Юлдашева Ш.Ш. Давлат тили таълимида ўқувчилар нутқий малакаларини ўстиришнинг илмий-методик асослари. (Таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган академик лицейлар мисолида): пед.фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2008. – 133 б.

¹⁵ Azimova I. O'zbek tilidagi gazeta matnlarining mazmuniy persepsiyasining psixolingvistik tadqiqi: monografiya. – Toshkent, 2019. – 158 b.

¹⁶ Саидов М. Ўзбек мактабларининг 5-синфларида она тили таълими жараёнида тафаккурни ривожлантирувчи ўқув топшириқлари ва улардан фойдаланиш методикаси: пед.фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2000. – 119 б.

¹⁷ Зиёдова Т.У. Она тили таълими жараёнида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш жараёни: пед. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 1995. – 140 б.

¹⁸ Саттарова Н.Х. Ўқувчиларнинг иншо ёзиш малакаларини такомиллаштириш (5-синф она тили ўқитиш жараёнида): пед.фан. номз. ... дис. – Тошкент, 1998. – 141 б.

¹⁹ Ҳамдамова М.З. 1-, 2-синф ўқувчиларининг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш тизими: пед.фан. номз. ... дис. – Тошкент, 1998. – 160 б.

²⁰ Нисанбаева А.Қ. Ўзбек тили дарсларида матн воситасида ўқувчилар нутқини ўстиришнинг методик асослари (Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида): пед. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 1995. – 160 б.

²¹ Алавутдинова Н. Г. Она тили дарсларида ижодий фикрлаш кўникмасини шакллантириш методикаси (5-синф мисолида) : пед. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2008. – 156 б.

²² Ҳазратқулов М.Р. Адабий таълимда иншонинг ўрни ва уни ташкил этишнинг илмий методик асослари: пед.фан.б. фал. док. ... дис. – Тошкент, 2018. – 154 б.

²³ Мавлонова К.М. Она тили фанини адабиёт фани билан бадиий матн орқали интеграциялаб ўқитиш методикасини такомиллаштириш: пед.фан.б. фал. док. ... дис. – Тошкент, 2019. – 142 б.

²⁴ Умарова Н.З. Талабаларнинг ўзбекча ёзма нутқини ўстиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш методикаси (техника олий ўқув юр்தларининг русийзабон гуруҳларида): пед.фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2007. – 135 б.

²⁵ Ҳамроев Ғ.Ҳ. Умумий ўрта таълим тизимида фонетикага доир ўқув материалларининг методик таъминотини такомиллаштириш: пед.фан.б. фал. док. ... дис. – Самарқанд, 2019. – 124 б.

²⁶ Сафарова Р.Ғ. Миллий тикланиш шароитида Ўзбекистон мактабларида Она тили таълими назарияси ва амалиёти. пед. фан. док. ... дис. – Тошкент, 1998. – 236 б.

Шунингдек, Ш.Ш.Юлдашевнинг²⁷ тадқиқотида ҳам давлат тилини билиш даражасини аниқлаш, нутқий малакаларни эгаллаш даражасини баҳолаш мезонлари юзасидан назарий қарашлари келтирилган. Шулар қаторида, А.Исмоилов ва бошқалар томонидан нашр этилган қўлланмада ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш мазмуни, баҳолашда фойдаланиладиган топшириқлар методикаси ҳақида маълумотлар келтирилган ҳамда турли матнлар асосида топшириқ намуналари берилган. Аммо умумий ўрта таълим битирувчиларининг она тилидаги матнни ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш мезонлари, топшириқлар методикаси, баҳолашнинг таълимга таъсири ҳақида тўхталинмаган, муносабат билдирилмаган. Ишлаб чиқилган топшириқлар тажрибасиновдан ўтказилмаган. Мазкур монографияда эса она тили таълимида умумий ўрта таълим битирувчиларининг матнни ўқиб тушуниш малакасини баҳолашнинг назарий ва методик асослари ҳамда баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди.

Тадқиқот доирасида қуйидаги қатор вазифалар амалга оширилди: мавзуга доир илмий-дидактик манбаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, шунингдек, она тили таълимида умумий ўрта таълим битирувчиларининг она тилидаги матнни ўқиб тушуниш малакасини баҳолашни назарий ва методик жиҳатдан тавсифлаш;

битирувчиларнинг она тилидаги матнни ўқиб тушуниш малакасини баҳолашнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш ва илмий-педагогик хулосалар бериш;

она тили таълимида матнни ўқиб тушуниш малакасини баҳолашнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш ва тест топшириқлари спецификациясини тузиш;

она тили таълимида нутқий малакаларни баҳолашда фойдаланиладиган топшириқларни шакллантириш ва экспертиза қилиш юзасидан методик тавсиялар бериш.

²⁷ Юлдашева Ш.Ш. Давлат тили таълимида ўқувчилар нутқий малакаларини ўстиришнинг илмий-методик асослари. (Таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган академик лицейлар мисолида): пед.фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2008.– 133 б.


I БОБ. ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎҚИБ ТУШУНИШ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш – педагогик-методик муаммо сифатида

Замонавий таълимнинг мақсади фақат билим бериш эмас, қобилият ва фазилатларни ривожлантириш. Дарҳақиқат, кам вақт сарфлаб, сифатли натижага эришишни талаб этаётган ҳозирги тезкор замон таълимдан фақатгина билимли эмас, балки билимни ҳаётда қўллай оладиган ижодкор, ташаббускор, мослашувчан авлодни тарбиялашни тақозо этмоқда. Бу эса таълим жараёнида бир қанча муҳим вазифаларни кун тартибига чиқармоқда. Шунинг учун ҳам таълим турлари: мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, профессионал таълим ҳамда олий таълим стандартлари, ўқув дастурлари ўртасидаги узвий боғлиқлик қайтадан таҳлилий ўрганиб чиқилиб, таълим турларининг она тили таълимидан мақсади конкретлаштирилиб, аниқлаштирилиб олинмоқда. Ўқув дастурларидаги бир-бирини такрорлайдиган, мураккаблиги нуқтаи назаридан ёш хусусиятига мос бўлмаган мавзулар ўзаро мослаштирилмоқда, ортиқча юкламалар оптималлаштирилмоқда. Бир сўз билан айтганда, фаннинг ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқиб ва тил ўзлаштириш қонуниятлари асосида «Она тили» фанидан миллий ўқув дастури ишлаб чиқилмоқда. Шунинг ҳам таъкидлашимиз керакки, Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқиш, дарсликларни янгилаш, ўқитиш сифатини ошириш билангина кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди, чунки ҳар қандай таълимнинг сифатини белгилайдиган, кўрсатадиган баҳолаш механизми бўлиши керак.

Маълумки, жаҳон педагогикасида “таълим учбурчаги” деган тушунча мавжуд, бу таълим жараёнининг учта асосий компоненти ҳисобланади. Бу ҳақида бир қанча олим ўз фикрини билдирган. Жумладан, инглиз олими Жон Орландо²⁸ “ўқув режаси (ДТС, ўқув дастури – Ш.А.), ўқитиш ва баҳолаш таълимнинг учта асосий таркибий қисми”, – деган.

²⁸Shihab Jimaa. The impact of assessment on students learning. //Procedia - Social and Behavioral Sciences 28 (2011) 718 – 721



(Таълим учбурчаги)

Милтон Чен²⁹ эса образли тарзда “булар (ўқув режаси, ўқитиш ва баҳолаш (изоҳ бизники – Ш.А.) синфхона стулининг уч оёғи” дея таъкидлайди. Яъни таълим жараёни уч оёқли курсига ўхшатиб, бирортасида хатолик юз берса, бутун бир таълим қулайди, деган фикрни илгари суради. Инглиз олими Дйлан Вилиам³⁰ таъкидича, “баҳолаш – ўқитиш ва таълим мақсади ўртасидаги кўприк”. Яъни баҳолаш ўқитишнинг таълим мақсадига мослигини ўлчовчи, текширувчи мезон эканлигини уқтиради.

Ўзбек тилидаги манбаларда эса “баҳолаш билим, кўникма, малака ва компетенцияларнинг таълим олувчиларда шаклланганлик даражасини текшириш, ўлчаш жараёни”³¹ сифатида изоҳланади. Шу билан бирга, баҳолаш илмий адабиётларимизда умумий қилиб *педагогик назорат* деб номланади. “Педагогик назорат – ўқувчиларга таълим бериш, ўқитиш ва тарбиялаш натижаларини илмий асосланган назорат қилиш тизими”³².

Умуман, баҳолаш умумий ўрта таълимда таълим олувчиларнинг ўқитиш жараёнида Давлат таълим стандартлари ва Ўқув дастурларида белгиланган малака талабларини эгаллаш даражасини аниқловчи, текширувчи механизм ҳамда мезон ва тартиблардир.

Педагогик назорат таълим жараёнида бир қанча вазифа ва функцияни бажаради. Илмий адабиётларда келтирилишича, педагогик

²⁹ Shihab Jimaa. The impact of assessment on students learning. //Procedia - Social and Behavioral Sciences 28 (2011) 718 – 721

³⁰ Dylan Viliam. Assessment: The Bridge between Teaching and Learning. // National Council of Teachers of English. Volume 21 Number 2, December 2013. Page 15-20.

³¹ Jalilov K.. Baholash nazariyasi asoslari. -Toshkent, Akademnashr 2020, 11-bet

³² Матякубова З.Н. Ўқувчилар билимини баҳолашда кўп танлов жавобли тест тошириқларидан фойдаланиш методи (умумий биология мисолида): пед.фан.номз. ... дис. –Т.: 2000. – 132 б.[14-bet]

назорат куйидаги вазифаларга эга³³:

- 1) таълимий вазифа;
- 2) тарбиявий вазифа;
- 3) баҳолаш вазифаси;
- 4) диагностик вазифа;
- 5) билим олиш иштиёқини ўстириш вазифаси;
- 6) шахсиятини ривожлантириш вазифаси;

Булардан келиб чиқиб, баҳолаш тизимининг таълим жараёнидаги асосий вазифаларини куйидагича муайянлаштириш мумкин:

- ўзлаштириш даражасини аниқлаш;
- билим олишга қизиқишни рағбатлантириш;
- ўқувчининг жавобидаги хатони кўрсатиш;
- билим, кўникма ва малаканинг мустақамлаб борилишини таъминлаш;
- ўқувчининг доимий равишда дарсга тайёр ҳолда келишига эришиш;
- ўқувчининг билим, кўникма ва малакаларини ўзаро таққослаш;
- ўқувчида академик кўникма – ахборот билан ишлаш, ахлоқий етуклик, математик саводхонлик каби сифатларни шакллантириш;
- таълим жараёнида ўқувчилар орасида ўзаро дўстона рақобат муҳитини яратиш;
- билим, кўникма ва малака шаклланишидаги эҳтимолий бўшлиқларни аниқлаш ва уларни босқичма-босқич бартараф этиш;
- билим, кўникма ва малака ривожланиб боришини доимий равишда таҳлил қилиб бориш;
- ўқувчининг тўлақонли билим олиши учун қулай педагогик-психологик муҳитни яратишга эришиш;
- ўқувчининг билим, кўникма ва малакасини баҳолашда холисликка эришиш;
- ўқувчининг аҳамиятли, амалий билим, кўникма ва малакасини баҳолашни таъминлашга эришиш;
- ўқувчини баҳолашда қулай методдан фойдаланишга эришиш;
- ўқувчини билим, кўникма ва малака савиясига кўра саралаш;
- ўқувчини таълимнинг кейинги босқичига тайёрлаш;
- давлат таълим стандартида белгиланган малака талабларнинг бажарилишини назорат қилиб бориш.

Баҳолаш жараёни аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилади. Ана

³³J.Hasanov va boshqalar. Pedagogika. –Toshkent. “Noshir”, 2011. 488 b. (398)

шу белгиланган мақсадга мувофиқ баҳолаш жараёнида текшириладиган домен, суб-домен, конструкт ва топшириқлар сони ва методикаси ҳамда баҳолаш мезонлари белгилаб олинади. Шунинг учун, аввало, баҳолашдан қандай мақсад кўзланганини аниқлаб олиш ва шунга кўра баҳолашни лойиҳалаштириш лозим. Одатда, баҳолаш жараёнини ўтказишда икки мақсад назарда тутилади:

- 1) ўқувчиларнинг БКМ ва компетенцияларини ривожлантириш;
- 2) ўқувчиларнинг БКМ ва компетенцияларини текшириш, уларни саралаш.

Шунинг учун ҳам баҳолаш мақсадига мувофиқ фойдаланиладиган топшириқлар мазмуни, тузилиши ва методикаси ҳамда мавзулар қамровига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Ўқувчиларнинг БКМ ва компетенцияларини ривожлантириш мақсадида амалга ошириладиган баҳолаш жараёнида муайян кичик мавзулар юзасидан ўқувчиларнинг билим, кўникма, ва малака (БКМ) ларини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган топшириқлардан фойдаланилади.

Ўқувчиларнинг БКМ ва компетенцияларини текшириш, уларни саралаш мақсадида амалга ошириладиган баҳолашда йирик бўлимлар ёки ўқув йили давомида эгалланган БКМ ва компетенцияларини текширишга, уларни саралашга қаратилган топшириқлардан фойдаланилади.

Маълумки, педагогик назорат олиниши, мақсад ва вазифаси ҳамда мавзулар қамровига кўра ўзаро фарқланади.

Илмий адабиётларда баҳолаш (педагогик назорат) ким томонидан ўтказилишига кўра, якуний давлат аттестацияси, ички назорат, жамоа назорати ва ташқи назорат³⁴ каби турларга ажратилади.

Шу билан бирга, ҳар бир фан бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштиришини баҳолаш мавзулар қамровига кўра жорий, оралик ва якуний назорат турларига ажратилади³⁵.

Жаҳон тажрибасида баҳолаш назарияси мустақил фан сифатида ажралиб чиққан, таълим жараёнида баҳолашнинг бир қанча туридан фойдаланилади. Хусусан, педагогик ўлчовга оид тадқиқотларда баҳолашнинг форматив, диагностик, динамик, синоптик, ипсатив, комплекс, нормага асосланган, мезонларга асосланган, сумматив турлари ажратилган³⁶.

³⁴Каримов Р.Қ. Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари мониторингини таъминлашнинг педагогик асослари: пед.фан.номз. ... дис. –Т.: 2006.40 б.

³⁵ X. Ibragimov, Sh. Abdullayeva. Pedagogika nazariyasi (darslik). T., «Fan va texnologiya», 2008, 288 bet. 252

³⁶ <https://www.toppr.com/bytes/types-of-assessment>

Сумматив баҳолаш ўқувчиларнинг муайян фан ёки фанлар юзасидан ўқув чораклари давомида, ёки муайян ўқув йили давомида ёки бутун умумий ўрта таълим давомида ўзлаштирган, эгаллаган БКМ ва компетенцияларини текшириш, баҳолаш жараёни. Бунга чораклик баҳо учун ўтказиладиган синовлар, ўқув йили давомида ўзлаштириш кўрсаткичларини аниқлаш учун ўтказиладиган имтиҳонлар, якуний давлат аттестацияси синовлари ҳамда олий таълимга қабул имтиҳонлари киради. Бундай синовларни ўтказишдан мақсад ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини синаш, хулосалаш ҳамда саралаш, кейинги таълим босқичига ўтиши учун танлов вазифасини ўташ кабилар. Шунинг учун ҳам бундай синовларнинг таълимга таъсири сезиларли.

Сумматив баҳолаш мақсадидан келиб чиқиб ўқувчининг таълим олишига туртки вазифасини ўтайди. Ўқув чораги ва ўқув йили охирида ўтказиладиган имтиҳонлар мазмуни ва методикаси таълим жараёнига муайян ҳажмда таъсир ўтказса, умумий ўрта таълим битирувчиларидан олинадиган якуний давлат аттестацияси ёки катта мотивация кучига эга олий таълимга кириш тестлари мазмуни ва методикаси бутун умумий ўрта таълимнинг мақсад ва методикасига айланиб кетиши мумкин. Таълим сифатини баҳолаш билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳисоботларидан маълумки, агар жуда катта таъсир кучига эга синовларнинг мазмуни ва тест топшириқлари методикаси таълим беришнинг бош мақсади билан ҳамоҳанг бўлмаса, ўрта таълимда ўқитиш ва сумматив баҳолаш бир-биридан узилиб қолади. Натижада жамиятда “имтиҳон учун ўргатиш”га мўлжалланган муқобил таълим пайдо бўлади. Бу эса жамиятнинг ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий ҳаёти, хусусан, таълим жараёнига сезиларли таъсир кўрсатади. Шу ўринда шуни ҳам таъкидлаш керакки, Гарвардда³⁷ ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлдики, ўқувчи ва талабани мажбурий стандартлаштирилган тестлардан ўтиш учун тайёрлаш уларни ўқитишнинг бош мақсадига айланиб қолади.

Яъни таълимнинг бош мақсади ўқувчини фақат “тест учун ўқитиш”, тест спецификациясида белгиланган талабларни бажартириш, синовдан ўтиши учун тайёрлаш бўлиб қолади. Бу ўқитувчи ва таълим олувчида стрессли ҳолатларнинг кескин ошиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам сумматив баҳолашни

³⁷ Mandatory Testing and News in the Schools: Implications for Civic Education. A Report from the Carnegie-Knight Task Force on the Future of Journalism Education. https://shorensteincenter.org/wp-content/uploads/2012/03/mandatory_testing_and_news_in_schools_2007.pdf

ташқил этишда, унинг мазмуни, формат ва топшириқлари методикасини белгилашда илмий асосланган далилларга таяниш керак.

Саралаш, хулосалаш, танлов мақсадида амалга ошириладиган сумматив баҳолашнинг ишончлилиги ва валидлиги, шаффофлиги ва адолатлилигига бир қанча омил таъсир этади, чунки бундай имтиҳонлар кўплаб омилларга боғлиқ бўлган мураккаб жараёндр.

Бизнингча, сумматив баҳолаш жараёнининг валидлиги, шаффофлиги, ишончлилигига тасир этувчи омиллар қуйидагилар:

Ички омиллар:

– баҳолаш мазмуни ўрта таълим давлат таълим стандартларида белгиланган талабларга мос бўлиши билан боғлиқ омиллар;

– баҳолашни лойиҳалаштириш жараёнига амал қилмаслик билан боғлиқ омиллар;

– топшириқларни ишлаб чиқиш жараёни билан боғлиқ омиллар;

– имтиҳон ўтказиш жараёни билан боғлиқ омиллар;

– баҳолаш натижаларини ҳисоблаш жараёни билан боғлиқ омиллар;

Ташқи омиллар:

– баҳолаш катта аудиторияда кўплаб битирувчи, талабгордан олиними;

– баҳолаш танлов мақсадида амалга оширилаётгани учун талабнинг ниҳоятда юқорилиги;

– қабул квоталарининг кам эканлиги каби.

Педагогик ўлчовга оид тадқиқотлардан маълумки, ҳар қандай баҳолаш ўлчовини ишлаб чиқишдан олдин уни лойиҳалаштириш керак бўлади. Лойиҳалаштиришда баҳолаш мақсади, мазмуни, методлари, воситалари ва мезонлари белгилаб олиними зарур, зеро бирор ўринда хатолик кетса, баҳолаш таълимга салбий таъсир қилиши мумкин.

Маълумки, “баҳолаш методи – ўқувчи ёки талабанинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини, шахсий сифати даражаларини белгилашдан иборат бўлган педагогик жараён”.³⁸ Бу жараённи тўғри амалга ошириш учун, аввало, баҳолашни лойиҳалаштириб олиш лозим. Бунда ўлчовнинг домен, суб-домен ва конструктлари аниқлаштириб олинади. Яъни дастлаб имтиҳоннинг мақсадидан келиб чиқиб баҳоланиши керак бўлган билим, кўникма, малака, компетенциялар мажмуи, қолаверса, ҳар бир суб-доменнинг

³⁸Pedagogika ensiklopediyasi. I jild. – Т.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti. 2015. 318-b.

конструктлари –ҳар бир малаканинг қандай хусусиятлари текширилиши аниқлаштириб олинади. Кейин эса баҳолаш формати, тест топшириқлари спецификацияси (тафсилотлари) ишлаб чиқилади, шундан сўнг тафсилотлар асосида текширилиши лозим бўлган хусусиятларни баҳолайдиган, ўлчайдиган топшириқлар, тестлар шакллантирилади. Сўнгра бир неча босқичли тажриба-синовидан ўтказилиб, уларнинг валидлиги, ишончлилиги, аҳамиятлилиги даражаси аниқланиб, эталон шаклга келтирилгач, баҳолаш жараёнида фойдаланиш учун тақдим этилади. Бир сўз билан айтганда, баҳолаш методлари ва мезонлари асосида топшириқлар ишлаб чиқилиб, апробациядан ўтказилади, уларнинг сифати кўп босқичли экспертизадан ўтказилгандан сўнг амалиётга татбиқ этилади. Ана шунда баҳолашнинг таълимга салбий таъсирларини олиб келувчи хатоликларнинг олди олинади.

Энг муҳими, баҳолашда фойдаланиладиган топшириқларнинг шакли ва методикасига алоҳида эътибор бериш керак. Илмий адабиётларда келтирилишича, педагогик назорат ёзма иш, суҳбат, лаборатория иши ва тест шаклларида ўтказилади. Бу шакллар таълим жараёнида ўқувчининг БКМсини баҳолашда фаол фойдаланилади, аммо ёзма иш, суҳбат, тестлар-синовларида қўлланиладиган топшириқларнинг формати, мазмуни, сони ва методикаси фарқли, шунинг учун ҳам баҳолаш мақсадидан келиб чиқиб, топшириқларни шакллантиришга алоҳида эътибор билан ёндашиш, ўзига хос методикасини танлаш керак.

Умумий ўрта таълимнинг амалдаги таълим контекстида ўқувчиларнинг билим, кўникма, малака, компетенциялари асосан тест топшириқлари ёрдамида текшириб, баҳоланиб келмоқда. Шу билан бирга, таълим тизимида қарийб 30 йиллик тестдан фойдаланиш тажриба бўлса-да, тест методикаси такомиллаштирилмади. “Тест” дейилганда, фақат ёпиқ тестлар – тўртта вариантли муқобил жавобли тестлар тушунилди ҳамда фақат шундан фойдаланилди.

Тестологияда тестнинг методикаси, тузилиши ва мазмунига кўра бир қанча тури мавжуд:

- 1) ёпиқ тест;
- 2) очик тест;
- 3) амалий тест³⁹.

Тестларнинг бир қанча турлари бўлса-да, аммо таълим

³⁹ Jalilov K. Baholash nazariyasi asoslari. – Toshkent, Akademnashr, 2020, 34-bet.

контекстида турли тест топшириғи қўлланмади, мазмуни ва методикаси такомиллаштирилмади, мавзу доирасида деярли тадқиқот олиб борилмади. Бу йиллар давомида битирувчи синфларнинг фанлар юзасидан кўникма ва малакаларини текшириш юзасидан муаммолар тўпланиб қолишига олиб келди. Давлат бошқарув тизими янгиланиши билан бир қаторда барча соҳаларда ислохотлар кетмоқда. Таълим билан боғлиқ халқаро баҳолаш мониторинг тизимларида (PIRLS, PISA, TIMSS, ICILS) ўқувчиларнинг иштирокини таъминлаш юзасидан ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур баҳолаш дастурларининг намунавий тест топшириқлари ёрдамида ўтказилаётган тажриба-синовлари натижалари тест тизимининг мазмуни ва методикаси бўйича бир қанча вазифаларни олдимизга қўймоқда.

Умуман, баҳолаш жараёнини педагогик-методик муаммо сифатида ўрганиб, унинг таълим сифатига салбий таъсирини чеклаб, ижобий таъсирини ошириш шарт. Бунинг учун амалга ошириладиган баҳолаш мақсадини аниқлаб олиш, фаннинг ўқитилиш мақсадини ўрганиш, педагогик ўлчовларнинг назарий ва методик асосларига таяниб, топшириқларни тузиш методикасини такомиллаштириш, топшириқларни апробациядан ўтказиб, қайта таҳрирлаш, эталон вариантни шакллантириш, баҳолашда фойдаланиладиган топшириқларни эталон билан қиёслаш лозим, сўнгра амалда қўллаш мумкин.

1.2. Ўқиб тушуниш малакасини баҳолашнинг психофизиологик асослари

Психолингвистикага оид илмий тадқиқотлардан маълумки, инсонлар ўртасидаги мулоқот жараёни тўрт хил когнитив малака асосида амалга ошади, мазкур нутқий малакалар ўзаро боғлиқликда ривожланади. Бу кўнималар оғзаки ва ёзма нутқ билан боғлиқ. Сўзлаш ва тинглаб тушуниш малакалари оғзаки нутқ билан боғлиқ бўлса, ёзиш ва ўқиб тушуниш ёзма нутқ билан боғлиқ тарзда амалга ошади. Шунингдек, мазкур кўникмалар мулоқот жараёнида мазмунни ифодалашни ёки идрок қилиши нуқтаи назаридан ҳам бир-биридан фарқланади. Умуман, бу жараёнлар психолингвистикада кодлаш (фикрни сигналлар: товуш ёки графемалар билан ифодалаш) ва декодлаш (графемалар ёки товуш билан ифодаланган маълумотларни идрок қилиш) жараёни деб юритилади. Бу тушунчалар психолингвистик тадқиқотларда ўрганилган, илмий асосланган.

Декодлаш жараёни психологияда *нутқий перцепция* деб аталади. Перцепция – бу инсоннинг борлиқни идрок қилиши жараёни. Нутқий перцепция эса бу вербал ва визуал бирликлар ёрдамида борлиқдаги ҳодисаларни идрок қилиш, талқин қилиш ва тушуниш жараёнидир. Идрок қилиш тинглаб тушуниш ёки ўқиб тушуниш тарзида амалга ошади. Тинглаб тушуниш оғзаки нутқда ифодаланган маълумотларни англаш, фаҳмлаш, идрок қилиш демакдир. Ўқиб тушуниш эса графемаларда, тасвирларда, чизмаларда, расмларда ифодаланган маълумотларни англаш, идрок қилиш, фаҳмлашдир.

Ўқиб тушуниш жараёнида матндаги турли чизиклар мажмуини қабул қиламиз, улар *графема* деб аталади. У визуал кириш лексиконидаги мавжуд сўзлар билан солиштирилади ва сўз чизмадан иборат ташқи шаклидан мазмундан иборат моҳиятига айланади ҳамда идрок қилинади. Яъни, мазкур тасвирга боғланган маъно фаоллашади. Бир сўз билан айтганда, ёзма матндаги сўзни турли белгилар тизими – графемалар йиғиндиси сифатида қабул қиламиз ва уни мазмун парчаси сифатида идрок қила бошлаймиз.

Шуни ҳам таъкидлашимиз керакки, “маттни ўқиш, уни тушуниш жараёни педагогик (бирор шахс томонидан такрорлаб ўргатиш), психологик (диққатни йиққан ҳолда ўрганилаётган нарсага қараш), жисмоний (бошқа ҳаракатларни тўхтатган ҳолда кўзни фақат белги, бўғин ёки сўзга қаратиш) ва физиологик (ўргатилаётган ҳарф ё сўзни такрорлай олиш, ўқий олиш қобилятининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги) жараён ҳисобланади”⁴⁰. Шунинг учун ҳам ўқиб тушуниш мураккаб нутқий психофизиологик фаолият. Бу жараён ҳақида кўплаб хориж ва ўзбек олимлари илмий ишлар қилган, тажрибалар ўтказган ва уларнинг таҳлиллари асосида натижаларни тақдим қилган.

Физиологларнинг маълумотларига кўра, “ўқиб тушуниш бош миянинг энса қисмидаги нейронлар таъсирланиши асосида амалга ошади, яъни кўз соққасининг ҳаракатланиши, кўриш ва сезги қобилятлари бош мия қисмидаги ўрта миянинг тепасида жойлашган оралик мия функцияси орқали бошқарилади. Оралик мия бош мия яримшарлари билан қопланган, у ерда кўриш дўмбоқлари жойлашган. Кўриш дўмбоғи – тухумсимон шаклдаги бир жуфт кулранг модда (нерв ҳужайралари тўплами), унда барча сезги аъзолари орқали сезиладиган таъсирлар олдин кўриш дўмбоғи орқали қабул қилиниб,

⁴⁰Sharopova F. Umumiy o'rtta ta'limda o'qib tushunish malakasini shakllantirish usullari. Monografiya. – Toshkent: «SAHHOF» MChJ, 2021. – 9-b.

кейин бош мия яримшарлари марказларига ўтказилади”⁴¹ Бу жараён соғлом одамларда деярли бир хил кечади.

Шунингдек, матнни ўқиб тушуниш мураккаб психолингвистик жараён, уни тушуниш олимлар томонидан бир қанча босқичларга ажаратилади. Жаҳон тилшунослигида Т.А. Аполлонская, Й.В. Глейбман, И.З.Маноли каби олимлар матнни идрок қилиш, қабул қилишнинг 3 та асосий даражасини белгилайди:

- вербал-синтагматик даража;
- десигнатив даража;
- динаматив даража.⁴²

Ўзбек тилшунослигида эса олима И.Азимова матнни тушунишнинг бешта даражасини келтиради:

- а) ассоциатив даража;
- б) лексик-морфологик даража;
- с) контекстуал даража;
- д) структурал даража;
- г) матн даражаси⁴³.

Ўрганишларимиз натижасида, бизнингча, матнни ўқиб тушуниш, уни идрок қилиш, ўзлаштириш қуйидаги босқичлардан иборат.

1-босқич: график тасвирни таниш ва сўзни ўқиш;

2-босқич: сўзнинг матндаги маъноларини англаш;

3-босқич: расмларда, чизмаларда, диаграммаларда ифодаланган маълумотни тушуниш ва сўзларнинг ўзаро мазмуний боғланишини, бирликларнинг матндаги вазифасини идрок этиш;

4-босқич: матннинг қисмларини англаш ва улар ўртасидаги мазмуний боғлиқликларни идрок қилиш;

5-босқич: матндаги умумий ва яширин маъноларни тушуниш, матн мақсадини англаш, матндаги маълумотдан реал ҳаётий вазиятда фойдалана олиш;

6-босқич: матнга айнан шу мавзуда ёзилган бошқа матнлар билан қиёслаб баҳо бера олиш.

Матнни ўқиган барчада ҳам бу босқичлар амалга ошавермайди. Шунинг учун ҳам муайян матнни бир хил ўқиб чиққан ўқувчилар тушунишининг ҳар хил бўлишини гувоҳи бўламиз. Бу унинг физиологик ва психологик жиҳатларига боғлиқ, яъни қабул қилиш

⁴¹Sodiqov B. V.b., . Yosh fiziologiya va gigiyena darslik. –Т.: Yangi asr avlodi – 2009. 154-b.

⁴² Аполлонская Т.А., Глейбман Е.В., Маноли И.З. Порождающие и распознающие механизмы функциональной грамматики. –Кишинёв, 1987. –С.42-47

⁴³Azimova I. O‘zbek tilidagi gazeta matnlarining mazmuniy persepsiyasining psixolingvistik tadqiqi: monografiya. –Т., 2019. 158-bet.

қобилияти ёки рухий-психик ёки жисмоний ҳолатларига боғлиқ бўлиши мумкин. Умуман, матнни ўқиб тушунишга таъсир этувчи бир нечта омил бор.

Шунинг учун педагогик ўлчовларга доир тадқиқотларда ўқиб тушуниш малакасини баҳолашда натижаларга салбий таъсир этувчи омиллар қуйидагича гуруҳлаштирилади:

- матн билан боғлиқ бўлган омиллар;
- ўқиб тушунувчи билан боғлиқ омиллар;
- топшириқ билан боғлиқ омиллар⁴⁴.

Матн билан боғлиқ бўлган омиллар – матн тилининг “оғир”лиги, берилиш услубининг мураккаблиги, матн турлари ва унда мавзулари билан боғлиқ бўлган омиллар.

Ўқиб тушунувчи билан боғлиқ омиллар – ўқувчининг ёши, физиологик ва психологик ҳолати, тажрибаси, когнитив даражаси билан боғлиқ омиллар.

Топшириқ билан боғлиқ омиллар – топшириқлар ҳажми, миқдори, мазмунининг аниқ ва лўнда ифодаланганлиги билан боғлиқ омиллар.

Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлигини баҳолаш жараёнида ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш конструктларини белгилашга, баҳолаш жараёнида фойдаланиладиган матнларни танлашга, у асосида топшириқлар тузишда унинг мазмунини белгилашга алоҳида эътибор билан ёндашиш талаб этилади. Шунингдек, швейцариялик психолог Ж.Пиаженинг таъкидлаганидек, “боланинг ақлий ўсиши ўзининг ички қонунлари асосида ривожлана бориб, сифат жиҳатдан ўзига хос бир қатор генетик босқичларни босиб ўтади”.⁴⁵ Яъни бола физиологик томондан ўсиб боради, унда намоён бўлувчи кўникмалар ҳам босқичма-босқич ривожланади. Шу боис баҳолаш жараёнида ҳам ўқувчининг ёш хусусиятидан келиб чиқиб мезонлар белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир ўқувчи фикрини оғзаки ёки ёзма ифодаланиши, ўзгалар фикрини, матндаги ахборотларни идрок эта олиши психофизиологик жараён, баҳолашда фойдаланиладиган савол ва топшириқлар унинг нутқий малака ва тафаккурини ривожлантиришга рухий жиҳатдан ҳам, жисмоний жиҳатдан ҳам мос бўлиши, уларда мустақил муносабатини баён этишга, ҳаётни ва

⁴⁴Xalqaro tadqiqotlarda o'quvchilarning o'qish savodxonligini baholash (Ona tili va adabiyot fani o'qituvchilari, metodistlar va soha mutaxassisleri uchun metodik qo'llanma). Ta'lim inspeksiyasi huzuridagi Ta'lim sifatini baholash bo'yicha xalqaro tadqiqotlarni amalga oshirish milliy markazi. –Toshkent, 2019-yil. 92 bet.

⁴⁵O'zbek tilini o'rganish va o'qitishni qayta qurish hamda takomillashtirish dolzarb masalalari. O'zbek tili doimiy anjumani birinchi yig'inining tezislari. –Samarqand, 1991.

ўзгаларни англаш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

1.3. Она тили таълимида ўқувчиларнинг ўқиб тушуниш малакасини баҳолашнинг мавжуд ҳолати

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг амалдаги давлат таълим стандартларида Она тили фани бўйича умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари эгаллаши лозим бўлган малака талаблари келтирилган, унда фанга оид компетенциялар қуйидагича берилган⁴⁶:

1) нутқий компетенция (*тинглаб тушуниш, сўзлаш, ўқиш ва ёзиш*).

2) лингвистик компетенция (*лингвистик билимлар*).

Кўринадик, она тили таълимидан асосий мақсад – ўқувчиларда нутқий малакаларни ривожлантириш. Лингвистик компетенциялар эса нутқий малакаларнинг ривожланиши, тўғри шаклланиши учун восита сифатида хизмат қилади.

Кишилар ўртасида фикр алмашиш нутқий мулоқот шаклида амалга ошади. Психолингвистик тадқиқотлардан маълумки, мулоқот кодлаш ва декодлаш жараёни асосида юз беради. Бу жараённи тўғри амалга ошириш учун эгалланадиган компетенцияларни “нутқий компетенция” дейиш мумкин. Шу маънода, нутқий компетенциялар – оғзаки ёки ёзма тарзда ифодаланган нутқни тушуниш, англаш, идрок қилиш ҳамда фикрни оғзаки ёки ёзма шаклда тингловчига тушунарли тарзда ифодалаш малакалари. У *тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, ёзиш ва сўзлаш* малакаларидан иборат.

Умумий ўрта таълим жараёнида фанга оид БКМ ва компетенцияларни баҳолаш учун қандай педагогик назорат турларидан фойдаланилишини бирма-бир кўриб чиқамиз.

Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларида келтирилишича, Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини текшириш жорий назорат, оралиқ назорат, якуний назорат⁴⁷ асосида амалга оширилиши айтиб ўтилди.

Белгиланган меъёрлардан кўринадик, умумий ўрта таълимда ўқувчиларнинг БКМлари мунтазам баҳоланиб, чораклик, йиллик ва

⁴⁶О‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Umumiy o‘rta va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limining davlat ta’lim standartlarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 2017-yil 6-apreldagi 187-son qarori. <https://lex.uz/docs/-3153714>.

⁴⁷О‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 15-martdagi 140-sonli “Umumiy o‘rta ta’lim to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori. <https://lex.uz/docs/-3137130>

хулосаловчи битирув имтиҳонлари тарзида ўтказилиб борилади. Баҳолашда турли, яъни ёзма иш, оғзаки сўров ва тест шаклидан кенг фойдаланилишини кўрамиз. Шу билан бирга, таъкидлаш керакки, кунлик, чораклик, йиллик баҳоларни қўйишда баҳолаш мазмуни, мезон ва топшириқлар методикасини белгилаш, ишлаб чиқиш ўқитувчининг индивидуал салоҳиятига юкланганини кўришимиз мумкин. Бу эса таълим сифатига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, умумий ўрта таълимда жорий – кунлик баҳолаш тизими ҳам, асосан саралаш вазифасини бажараётгандек, ўқувчиларни “3”, “4”, “5” баҳолар орқали табақалаштираётгандек. Аслида эса кунлик баҳо ўқувчига асосан рағбат бериши керак ва ўқувчининг хатоларини тушунтириб, ўқишидаги бўшлиқларни аниқлаб, уларни навбатдаги машғулотларда бартараф этиш учун хизмат қилиши лозим. Тадқиқотлар яна шуни ҳам кўрсатдики, она тили таълимида жорий баҳоларни қўйиш, ўқувчининг нутқий кўникмалари ривожланишини мунтазам баҳолаш бўйича аниқ мезон, баҳолаш тартиби, топшириқлар сони, методикаси бўйича аниқ тавсия ишлаб чиқилмаган, асосан, дарсликда берилган топшириқни бажаришига қараб ўқувчи баҳоланаётир. Дарсликларда берилган барча топшириқни тинглаб тушуниш, сўзлаш, ўқиб тушуниш, ёзиш саводхонлигини ривожлантиришга йўналтирилган, дея олмаймиз. Шунинг учун ҳам она тили таълимда форматив баҳолаш учун қандай топшириқдан фойдаланиш кераклиги ҳақида назарий асос ва статистик таҳлилларга таяниб ишлаб чиқилган тавсияларга эҳтиёж бор. Бу масала она тили методистларининг олдида ечимини кутаётган долзарб муаммолардан. Шунингдек, оралиқ ва босқичли назоратларда фойдаланиладиган топшириқлар формати, структураси, мазмуни, баҳолаш мезонлари ва топшириқлар методикаси юзасидан етарли даражада тавсия ишлаб чиқилмаган. Бу синов турларида ҳам фан ўқитувчисининг шахсий салоҳиятига таянилади. Шу ўринда, шуни ҳам айтишимиз керакки, ёзма нутқни баҳолаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган. Хусусан, диктант, баён ва иншони баҳолаш мезонлари ва ўтказилиш тартиби белгиланган. Аммо ўқиб тушуниш, тинглаб тушуниш, сўзлаш кўникма ва малакаларини баҳолаш, баҳолашда фойдаланиладиган топшириқлар методикаси юзасидан аниқ мезонлар яратилмаган. Гарчи сўнгги йилларда халқаро баҳолаш дастурларида иштирок этиш учун ўқиш саводхонлигини баҳолашга, ривожлантиришга хизмат қиладиган PISA топшириқлар тўплами нашр этилган бўлса ҳам, ҳар бир синф учун аниқ баҳолаш тартиблари,

топшириқлар мазмуни, сони, методикаси ишлаб чиқилмаган. Булар эса шуни кўрсатадики, умумий ўрта таълимда форматив баҳолашда ҳам она тилидан нутқий кўникма ва малакаларни баҳолашга урғу бериш керак.

Маълумки, қайси давлатнинг таълим жараёнида сумматив баҳолаш тўғри йўлга қўйилмаса, фанларнинг бирламчи малака талаблари баҳоланмай, амалий аҳамиятсиз, иккиламчи кўникмаларни текширилса, таълим тизими жамият тараққиётига катта салбий таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда шундай ҳолатни кузатишимиз мумкин. Хусусан, амалдаги сумматив баҳолаш тизимларида она тилидан бирламчи малакаларнинг ривожланиш даражасини текширишга етарли даражада эътибор қаратилмаган. Хусусан, умумий ўрта таълимнинг якуний давлат аттестацияси имтиҳонларида ҳам, олий таълим муассасаларига қабул имтиҳонларида ҳам бирламчи компетенцияларни текширишга урғу берилмайди, балки иккиламчи кўникмалар баҳоланмоқда.

Умумий ўрта таълимда ўқувчиларнинг, битирувчиларнинг БKM ва компетенцияларни баҳолайдиган, саралаш, хулосалаш вазифасини бажарувчи сумматив синовларни таҳлил қиламиз. Бизда умумий ўрта таълим битирувчиларини ДТСда белгиланган малака талабларини бажарганлик даражасини текширувчи бир-биридан мазмунан ва методик жиҳатдан фарқ қилувчи иккита синов тизими мавжуд. Улар:

1) умумий ўрта таълимнинг якуний давлат аттестацияси имтиҳонлари.

2) олий таълим муассасаларига қабул имтиҳонлари.

Дастлаб Якуний давлат аттестациясига⁴⁸ тўхталинадиган бўлса, бу синов тизимида умумий ўрта таълим битирувчиларининг ДТСда белгиланган минимал талабларни бажарганлиги текширилади ва синовлардан ўтганларга ўрта таълимни тамомлаганлиги тўғрисидаги аттестат берилади. Бу имтиҳонда битирувчилар она тили ва адабиёт фанларидан малака талабларини бажарганлиги қуйидагича текширилади. Битирувчилар муайян мавзуда баён ёки иншо ёзади. Бунда уларга баён ёзиш учун 3 астрономик соат, иншо ёзиш учун 4 астрономик соат вақт ажратилади. Баён ёки иншо учун иккита баҳо қўйилади: 5/4

– биринчиси (суратда) мавзу мазмуни учун (адабиётдан);

– иккинчиси (махражида) саводхонлиги учун (она тилидан).

⁴⁸ Xalq ta'limi vazirining 2008-yil 4-martdagi "Umumiy o'rta ta'lim oluvchilarning yakuniy davlat attestatsiyasi to'g'risida"gi 56-sonli buyrug'i bilan tasqiqlangan nizom. <https://lex.uz/docs/-1331874>

Ушбу баҳолар адабиёт ва она тили фанларига якуний аттестация баҳоси сифатида қўйилади ҳамда шу фанлардан якуний баҳо чиқаришда асос бўлади.

Демак, кўришимиз мумкинки, умумий ўрта таълимнинг якуний давлат аттестациясида битирувчининг ёзиш (иншо орқали) ёки тинглаб тушуниш ва ёзиш (баён орқали) малакалари баҳоланмоқда. Ўқиб тушуниш, сўзлаш малакалари эса баҳоланмаётир. Натижада она тили таълимида бу икки малака – ўқиб тушуниш ва сўзлашни ривожлантиришга эҳтиёж сезилмаяпти ва улар таълим жараёнида эътибордан четда қолиб кетмоқда.

Катта мотивация кучи ва рағбатга эга бўлган, кейинги таълимга ўтиш учун йўлланма берадиган олий таълимга кириш имтиҳонлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, у имтиҳон тизимида олий таълимга кириш учун талабгорларнинг она тили ва адабиётдан БКМ ва компетенциялари ёпиқ турдаги тест топшириқлари ёрдамида баҳоланади. Бу имтиҳон жараёнини ташкил этиш, топшириқлар мазмуни ва методикасини белгилаш билан Давлат тест маркази (ДТМ) шуғулланади. ДТМнинг расмий веб саҳифасида эълон қилинган она тили ва адабиёт фанидан намунавий тест топшириқлари⁴⁹ни таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг ҳар бирида жами 30 та топшириқ берилган, шундан 17 таси она тили, 13 таси адабиёт фанидан. Она тилидан тузилган топшириқлар таркибида *фонетика, лексикалогия, морфемика, сўз ясалиши, морфология ва синтаксис* бўлимлари юзасидан соф назарий таҳлилга йўналтирилган топшириқлар салмоқли ўринни эгаллашини, яъни 77 фоизни ташкил этишини гувоҳи бўламиз. Ёзиш саводхонлигига хизмат қиладиган *имло, пунктуация ва услубиятга* доир топшириқларга жуда кам ўринлар ажратилган – у бор-йўғи 23 фоизни ташкил қилади. ДТМ олий таълимга кириш тест синовларида бундай топшириқлардан фойдаланишининг бир қанча сабаб ва омиллари бор. Чунки тест топшириқлари амалдаги ДТС, ўқув дастурлари ва дарсликларга асосан шакллантирилади. Бундан ташқари, тест топшириқларини яратиш билан боғлиқ бўлган субъектив омиллар ҳам бор. Шу билан бирга, Она тили ва адабиёт фанидан намунавий тест топшириқлари таркибида келтирилган тест топшириқларидан айримларини таҳлил қилиб кўрамиз.

Қайси гапда қатнашган содда ясама сўзнинг асоси от туркумига оид сўз билан шаклдош бўла олади?⁵⁰

⁴⁹ https://dtm.uz/upload/file/pdf/nt/Ona_tili.pdf

⁵⁰ https://dtm.uz/upload/file/pdf/nt/Ona_tili.pdf

А) *Дехқонлар иш қуролларини созладилар.*

Б) *Сенга қондош элнинг ҳурматини ўрнига қўйишинг керак.*

С) *Карима хола болаларининг ёзлик кўйлақларини йиғиштириб олиб қўйди.*

Д) *Ўйламай қилинган иш – бошга келтирар ташвиш.*

Бу тест топшириғини бажариш учун ўқувчидан сўз ясалиши, морфемика, морфология ва лексикологияга оид назарий қоидаларни мукамал билиш талаб этилади. Ушбу тест топшириғи орқали ўқувчининг соф лингвистик билими ва назарий кўникмаси баҳоланади. Кейинги тестни ҳам таҳлил қиламиз.

Шунингдек, ушбу тест топшириғини шакллантиришда баҳолашни лойиҳалаштиришга амал қилинмаган, баҳолашнинг мақсади, турлари фарқланмаган, тест топшириқларини яратиш босқичлари ҳисобга олинмаган, шу билан бирга, ўқувчиларнинг иккиламчи кўникмаси – лингвистик таҳлил қилиш кўникмасини текширишга эътибор қаратилган. Шунингдек, Олий таълимга кириш тест синовларда она тили ва адабиётдан ўқувчиларнинг БКМларини текшириш, саралаш учун сумматив эмас, балки форматив баҳолашда қўлланадиган топшириқлар мазмуни ва методикасидан фойдаланиш устуворлик қилади. Яъни лингвистик таҳлил, унга оид бўлган назарий билимлар кунлик – форматив баҳолашда текширилади. Чунки муайян, аниқ чегараланган мавзу юзасидан амалга оширилгани учун ўқувчида механик хотира – ёддан эслаб қолиш билан боғлиқ мушкулликларни, муаммоларни юзага келтирмайди. Аммо 1-синфдан 11-синфгача барча ўтилган назарий мавзулар билан боғлиқ соф назарий таҳлилларни эсда сақлаб қолиш ўқувчи хотирасининг зўриқишига олиб келади. Натижада бу ўқувчи психикасига салбий таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам хорижий тажрибалар АҚШ, Россия, Буюк Британия ва Туркия тажрибасини кузатсак, сумматив баҳолашда нутқий малакаларни, реал ҳаётда фойдаланиладиган амалий кўникмаларни текширишга эътибор қаратилади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда олий таълимга кириш имтиҳонларида бундай тестларнинг кўплаб фойдаланилиши ўқувчиларда нутқий кўникмаларни ривожлантиришга бўлган эҳтиёж йўқолишига, таълимда иккиламчи кўникмаларни ўргатишга урғу берилишига олиб келган.

Ҳозирги глобал замон она тили таълими тилшуносларни тайёрлашни эмас, тил имкониятларидан кенг фойдалана оладиган ижодий тафаккур соҳибини жамиятга етказиб беришни тақозо этмоқда. Ҳ.Неъматовнинг қуйидаги фикрлари ҳозир ҳам она тили

таълими ва уни баҳолаш учун бирдек аҳамиятли: “Она тилидан билимларни танлашнинг бош мезони - унинг фойдалилик ва амалда қўлланила олиш даражаси. Биз она тилидан фойдали билимлар деб болаларнинг саводли ёзиш, ижодий фикрлаш, фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш учун хизмат қиладиган, уни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш ва ривожлантиришни таъминлайдиган билимларни тушунамиз”.⁵¹ Дарҳақиқат, сумматив баҳолашда фойдаланиладиган топшириқлар мазмунини белгилашда ҳам ҳаёт учун керакли, фойдали, амалий БКМларга таянилиши лозим. Шунда ўқувчи фикрларини ифодалаш шунчалик осон кечади, борлиқни англаш қобилияти ривожланади, у турли нутқ вазиятида тенгдошлар ёки катталар билан мазмунли ва тўлақонли мулоқотга кириша олади, мулоқот жараёнининг фаол иштирокчиси бўлгани боис уларнинг тафаккури ҳам шунчалик фаол ривожланишда бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, умумий ўрта она тили таълимида асосан иккиламчи кўникма – матнни лингвистик таҳлил қила олиш кўникмаси ёки фақат ёзма саводхонлик баҳолашиб келмоқда; иккинчидан, баҳолаш турлари ва методикаси фарқланмаяпти, асосан, сумматив баҳолаш формати ўрнига форматив баҳолаш методикасидан фойдаланилмоқда; учинчидан, баҳолаш жараёни лойиҳалаштирилмаяпти; тўртинчидан, баҳолашда фойдаланиладиган топшириқлар формати, спецификацияси тузилмаётган бўлиши мумкин.

Умуман олганда, Ўзбекистонда умумий ўрта таълимда ўқувчиларнинг она тилидаги матнни ўқиб тушуниш малакаси баҳоланмай келмоқда. Натижада баҳолаш талабига асосан она тили таълимида ҳам ўқувчиларда айнан лингвистик таҳлил кўникмасини ривожлантиришга эътибор берилмоқда. Шу боис ўрта таълимни тамомлаган битирувчиларда инсонларни тушуниш, нутқни идрок қилиш, матн мазмунини англаш ва ўз фикрини нутқий вазият ва иштирокчиларининг даражасига мос тарзда оғзаки ва ёзма тарзда ифодалаш кўникмалари ривожланмаяпти. Зотан, “она тили таълими мақсадининг асосий унсурларидан бири ўзгалар фикрини тўғри англашдир”.⁵²

Маълумки, таълим жараёни бир қанча омилларга боғлиқ бўлган

⁵¹Ғуломов А., Неъматов Ҳ. Она тили таълими мазмуни. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитувчи. 1996. 9-б.

⁵² Ғуломов А., Неъматов Ҳ. Она тили таълими мазмуни. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи. 1996. –22-б.

мураккаб жараён. Шунинг учун ҳам таълимни ташкил этишда, аввало, унинг тур ва босқичлари олдидаги асосий мақсадни аниқлаштириб олиб, уларда бажарилиши керак бўлган вазифалар, ўқувчилар эгаллаши кўзда тутилган малака талаблари белгиланиб, ана шу малака талабларини эгаллаш учун муайян мавзулар танлаб олинади. Ўқитиш жараёнида эса ана шу мавзулар орқали ўқувчиларга таълим берилади. Булар таълимнинг муҳим асоси бўлган давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларида ўз аксини топади.⁵³

Давлат таълими стандарти (ДТС) атамаси бир қанча илмий манба ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда атрофлича изоҳланган. “Педагогика энциклопедияси”да бу тушунчага истилоҳий таъриф берилади: “Давлат таълим стандарти – давлат томонидан умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган меъёрий талаб, таълимнинг зарур етарли даражаси ва ўқув юкламалари ҳажмига қўйиладиган асосий давлат талаблари мажмуаси”.⁵⁴ А.Носиров эса ўзининг тадқиқотида ДТСга қуйидагича изоҳ беради: “Давлат таълим стандарти муайян давлат таълим тизими мақсад ва вазифалари белгилаб бериладиган, таълимга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқадиган муҳим меъёрий ҳужжатдир”.⁵⁵ Р.Қ.Каримов “Умумий ўрта таълим давлат таълим стандарти мониторингини таъминлашнинг педагогик асослари” номли педагогика фани бўйича номзодлик диссертациясида ДТС мониторингини ташкил этиш ва амалиётга жорий этиш масаласига батафсил тўхталиб, таълимга қўйиладиган стандартга қуйидагича изоҳ беради: “Таълим стандарти таълим объектлари бўлган таълим структураси, мазмуни, унинг тақдим этилган даражаси, таълим натижаларини баҳолаш ва изоҳлашнинг шакл, методларини такомиллаштиради, аниқлаштиради, муайян қолипга солади, шу билан бирга, таълим жараёнини бошқаради”.⁵⁶

Умуман олганда, ДТСга берилган илмий манбалардаги таърифлар, изоҳлар бир-бирини тўлдиради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуксиз таълим тизими учун Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги қарорида унга шундай изоҳ берилади: “ДТС –

⁵³ O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligining Umumiy o‘rta ta’lim maktab o‘quvchilari bilimlarini nazorat qilishning takomillashtirilgan reyting tizimini joriy etish to‘g‘risida. Ta’lim taraqqiyoti. O‘zbekiston Respublikasi xalq ta’limi vazirligining Axborotnomasi. 2010-yil, 5-son.76-bet

⁵⁴ Pedagogika ensiklopediyasi. I jild. – T.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti. 2015. 24-b.

⁵⁵ A.Nosirov. Amaldagi va yangi DTS. “Til va adabiyot ta’limi” jurnali. 2017-yil. 6-son.4-7-bet.

⁵⁶ R.Q.Karimov. Umumiy o‘rta ta’lim davlat ta’lim standartini monitoringini ta’minlashning pedagogik asoslari. Ped.fan.nomz. ... dis. –T.: 2007.– 131 bet. 17-bet

кадрлар тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига нисбатан қўйиладиган талабларни; таълим олувчилар тайёргарлигининг зарур ва етарлича даражасини ҳамда таълим муассаларини битирувчиларга нисбатан қўйиладиган талабларни; ўқув юкнамаларнинг зарур ҳажмини; таълим муассасаларининг фаолиятини ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиби ва механизмини белгилайди”.⁵⁷

Демак, ДТС – таълим жараёнининг мақсади, тузилиши, мазмунини белгиловчи, мақсадга эришилганлигини текширишга, баҳолашга, назорат қилишга хизмат қилувчи асосий ҳужжат. Унда асосий тушунчалар изоҳи, таянч ўқув режа, малака талаблари, ўқув дастур, баҳолаш механизми ва мезонлари акс этади.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, мустақил Ўзбекистонда ДТС ва ўқув дастурларига давр ва тараққиёт талаби асосида 3 марта ўзгартириш киритилган ва амалиётга жорий этилган.

Умумий ўрта таълимда мустақиллигимизнинг даслабки қарийб 10 йилида, яъни 1999 йилга қадар собиқ Совет Иттифоқи таълим стандартлари асосида таълим-тарбия жараёни олиб борилган. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида илк бор 1999 йил 16 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ва амалиётга жорий этилди. Унда умумий ўрта таълимнинг мақсади, структураси, мазмуни, таянч ўқув режаси, ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар келтирилади. Мазкур ДТС ўрганиб чиқилиб, қуйидагиларга гувоҳ бўлдики, илк бор она тили таълими олдида аниқ мақсад қўйилади, яъни ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган БКМлар белгиланади.

Мазкур ДТС⁵⁸да кўришимиз мумкинки, ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган БКМлар қуйидагича белгиланган:

- грамматикага оид ўзлаштириладиган меъёрлар;
- амалий кўникма ва малакалар.

Грамматикага оид ўзлаштириладиган меъёрларда кенг маънода ўқувчи томонидан билиш ва ўзлаштириш лозим бўлган фонетика, лексикология, сўз таркиби ва ясалиши, морфология, синтаксис, ёзув ва имло, тиниш белгилари, стилистикага оид тушунча

⁵⁷О‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1998-yil 5-yanvardagi “Uzluksiz ta’lim tizimi uchun Davlat ta’lim standartlarini ishlab chiqish va joriy etish to‘g‘risida”gi 5-son qarori ilovasi. Davlat ta’limi standartlari to‘g‘risidagi nizom. Ta’lim taraqqiyoti. O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligi Axborotnomasi. 1998-yil 1-son. 33-39-betlar

⁵⁸О‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1999-yil 16-avgustdagi “Umumiy o‘rta ta’limning davlat ta’lim standartini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 390-son qarori

ва грамматик атамалар қайд этилган.

Амалий кўникма ва малакаларда ўқувчи томонидан эгалланадиган амалий кўникма ва малакалар қайд этилган. Улар учга ажратилади:

- ўқиш техникаси бўйича амалий кўникма;
- ўзгалар фикрини англаш малакаси;
- фикрни ёзма шаклда баён этиш малакаси.

Ушбу амалий кўникма ва малакалар бўйича миқдорий ва сифат кўрсаткичлари юзасидан талаблар белгиланган.

Ўқиш техникаси бўйича миқдорий кўрсаткичларда 1 дақиқада 120-130 та сўз ўқиш, сифат кўрсаткичларда мураккаб типдаги илмий атама, рамз, мумтоз адабиёт намуналари, сўз ва иборалар маъносини англаган ҳолда тўғри ва равон ўқиш белгиланган.

Ўзгалар фикри ва матн мазмунини англаш малакаси бўйича миқдорий кўрсаткичларда 10 дақиқада 5-6 саҳифа матнни ўқиб тушуниш, сифат кўрсаткичларида оғзаки нутқнинг аниқлиги, матн мазмунининг мос бўлиши, тўғри, равон ва таъсирчан бўлишини англаш талаб этилади.

Фикрни ёзма шаклда баён этиш малакаси бўйича миқдорий кўрсаткичларда 12-14 гапдан иборат бўлган тугал матн яратиш, сифат кўрсаткичларида – матндаги гапларнинг мазмунан ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги кўрсатилган мавзу доирасида бирлашиши, тиниш белгиларини тўғри қўйиш, матндаги хатбошиларнинг яхлитлиги ва фикр изчиллигини таъминлаш, ўрганилган ифода воситаларини ўринли қўллай олиш ва уларнинг услубий имкониятларидан фойдалана олиш, иш қоғозларини ёза олиш белгиланган.

Ўрганишларимиздан маълум бўладики, 1999 йил 16 августда тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган илк ДТСда ўқувчиларнинг БКМларини баҳолаш механизми, мазмуни, формати ва мезонлари юзасидан аниқ тартиб келтирилмаган. Бундан аён бўладики, ўқувчининг фанлар юзасидан эгаллаган БКМларини баҳолаш тартибини, мезонларини белгилашда фан ўқитувчининг шахсий салоҳиятига таянилган – белгилаш уларга юклатилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 16 октябрдаги “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги⁵⁹ 400-сонли қарори қабул қилинади. Ушбу қарорда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартлари ва унга қўйилган минимал талаблар келтирилган. Мазкур ДТСни таҳлил

⁵⁹<https://lex.uz/docs/-1205976>

қилиб, ўрганиб чиқдик. Умуман, унда келтирилган ўқувчилар она тили фанидан эгаллаши зарур бўлган БКМларни қуйидагича деб олишимиз мумкин:

1) ўзбек адабий тили, унинг бўлим ва бирликлари юзасидан назарий билимларни чуқур ўзлаштириш, сўз таркиби, маъноси, ясалиши, морфологик қурилиши ва гап бўлақларини таҳлил қилиш кўникмасини эгаллаш;

2) сўзлаш ва ёзиш малакаларини эгаллаш.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мазкур ДТСда ўрта таълим битирувчилари эгаллаши лозим бўлган малака талабларининг аниқ миқдорий кўрсаткичлари қайд этилмаган, аниқ белгиланмаган. Шунингдек, ўқувчилар БКМларини баҳолашнинг аниқ формати, механизми, меъёрлари, мезонлари ҳамда баҳолашда фойдаланиладиган топшириқлар сони, турлари, қийинлик даражаси ва методикаси келтирилмаган, аммо БКМларни баҳолаш ва стандартда келтирилган минимал талаблар бажарилганлигини текширишда қўлланадиган назорат турлари қайд этилган. Улар қуйидагилар:⁶⁰

- кириш назорати;
- жорий назорат;
- оралиқ назорат;
- якуний назорат.

Изданишларимиздан маълум бўладики, 2000 йил 16 октябрдаги ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларида битирувчиларнинг БКМларини баҳолаш, назорат қилиш усуллари юзасидан муайян тартиблар келтирилган бўлса-да, баҳолаш формати, мазмуни, мезонлари ҳамда баҳолашда фойдаланиладиган топшириқлар миқдори, методикаси ва мазмуни юзасидан аниқ меъёрлар қайд этилмаган. Бундан маълум бўладики, ўқувчининг фанлар юзасидан эгаллаган БКМларини баҳолаш тартибини, мезонларини белгилаш ўқитувчининг индивидуал тажрибасига ҳавола қилинган.

2010 йилга келиб замон талаби асосида иккинчи авлод ДТС ва ўқув дастурлари пайдо бўлди, яъни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан “Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг Давлат таълим стандартлари: Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти”⁶¹ ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Мазкур ДТС ва

⁶⁰<https://lex.uz/docs/-1205976>

⁶¹Ўзбекистон узлуксиз таълимининг Давлат таълим стандартлари. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. Тошкент – 2010.

ЎДларида ҳам грамматикага оид ўзлаштириладиган билимлар ва нутқни ўстириш юзасидан кўникма ва малакалар алоҳида қайд этилган. Шунингдек, умумий ўрта таълимда ҳар бир синф ўқувчилари ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар алоҳида-алоҳида ва аниқ белгиланган. Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган БКМларни таҳлил қилиб чиқсак, уларда асосан грамматик билим ва соф назарий таҳлил кўникмасини ривожлантиришга урғу берилган, ўқувчиларга лингвистик таҳлил қилишни батафсил ўргатишга устуворлик берилган. Шу билан бирга, ўқувчиларда ўз фикрини ёзма ифодалашга оид кўникмаларни эгаллашга ҳам эътибор қаратилган. Грамматик қонуниятлар ҳам изчил – соддадан мураккабга қараб ўргатиб борилади.

Баҳолаш механизми, формати, мазмуни ва методикаси ҳақида ДТСда муайян тавсиялар, меъёрлар келтирилмаган, фақат битирувчиларнинг БКМларни текширадиган педагогик назорат турлари ҳақида маълумот берилган. Ўқувчилар ўзлаштирган БКМлар жорий назорат, оралик назорат, босқичли назорат, ташқи назорат ва якуний назорат турлари орқали баҳоланиши қайд этилган.

Қуйида жорий ДТСни таҳлил қилишга уринамиз. Бу таълим стандарти аввалгиларидан бир қанча томони билан фарқланади. Аввало, унда таълим жараёнига компетенциявий ёндашув устуворлик қилади. Таянч ва фанга оид компетенциялар белгилаб олинган, шу асосда, ўқувчилар ўзлаштириши керак бўлган минимал талаблар чегараланган. Қолаверса, фанларга интеграцион ёндашув ҳам сезилиб туради. Мазкур ДТСда она тили фани бўйича умумий ўрта таълим битирувчиларига қўйилган малака талаблари таркибида ўқиб тушуниш малакасига белгиланган минимал талаблар қуйидагича қайд этилган:

“нутқий компетенция:

Ўқиш: турли жанрдаги матнларни ифодали ва таъсирчан ўқий олади, гапнинг ифода мақсади, ҳис-ҳаяжон, содда ва қўшма гаплар оҳангига риоя қилиб ўқийди”.⁶²

Мазкур талаблардан кўринадикки, ўқувчининг ўқиб тушуниш малакасини ривожлантириш ва баҳолаш талабларини ишлаб чиқиш юзасидан ечимини кутаётган бир қанча муаммо бор.

Шу билан бирга, ДТСда белгиланган талабларни бажарилишини текширишда, яъни битирувчиларнинг БКМ ва компетенцияларини

⁶²О‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Umumiy o‘rta va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limining davlat ta’lim standartlarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 2017-yil 6-apreldagi 187-son qarori. <https://lex.uz/docs/-3153714>.

баҳолашда куйидаги назорат турларидан фойдаланилиши келтириб ўтилган:

- ички назорат;
- ташқи назорат;
- давлат-жамоат назорати;
- якуний давлат аттестацияси.

Бир сўз билан айтганда, амалдаги ДТСда ҳам битирувчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларини баҳолашда қўлланиладиган назорат турларигина келтириб ўтилган, аммо баҳолаш формати, мезонлари ҳамда баҳолашда фойдаланиладиган топшириқлар сони, турлари, методикаси ва мазмуни юзасидан аниқ меъёрлар белгиланмаган. Ўқувчиларнинг фанлар юзасидан ўзлаштирган билим, эгаллаган кўникма, малака ва лаёқатларини баҳолаш мезонлари ва текширишда фойдаланиладиган топшириқлар методикасини танлаш, ишлаб чиқиш ўқитувчилар зиммасида қолдирилган.

ДТС ўз моҳиятига кўра, ўқув дастурларини яратиш учун асос бўлса, ўқув дастурлари асосида эса дарсликлар, ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилади. “Ўқув дастури – таълим тизимидаги ҳар бир ўқув фанининг мазмуни ва ўтилиш тартибини, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим ҳамда кўникмалар ҳажмини белгилаб берадиган расмий педагогик ҳужжат”.⁶³ Дарҳақиқат, ўқув дастурида фан юзасидан ўқувчиларга ўқитиладиган мавзулар ва билимлар мажмуи келтирилади. Шу билан бирга, ўқув дастурлари таълимдаги ёндашув ва методларни ҳам белгилаш асос вазифасини ўтайди. Шунинг учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш алоҳида эътиборни талаб этади. Шу ўринда шунини таъкидлашимиз керакки, она тили таълими ўзига хосликни, алоҳида ёндашувни тақозо этади, чунки тилни эгаллаш кўп компонентли жараён, унда мулоқот малакалари – тушуниш ва тушунтириш – нутқий кўникмалар ривожлантирилади. Шунинг учун ҳам она тили фани тарих фани сингари ўрганиладиган, асосан билим ҳосил қиладиган фан эмас, балки эгалланадиган, ўзлаштириладиган, лаёқат ҳосил қилинадиган фанлар сирасига киради. Шу боис тил ўқитишда вақт ва давр нуқтаи назаридан ўзига хос ёндашувлар, тадрижий методикалар қўлланиб келмоқда.

Маълумки, жаҳон тажрибасида тил ўқитишда фойдаланиладиган методлар тилга, ўрганувчига ва ўрганиш ҳодисасига нисбатан

⁶³Pedagogika ensiklopediyasi. III jild. – Т.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti. 2015. 379-b.

ёндашувига кўра бир-биридан фарқ қилади.⁶⁴ Шундан келиб чиқиб, тил таълими ҳозирга қадар қуйидаги ёндашувлар асосида амалга ошириб келинмоқда.

- грамматик структураларга асосланган ёндашув;
- эҳтиёжларга асосланган ёндашув;
- коммуникатив машғулотларга асосланган ёндашув.

Грамматик структураларга асосланган ёндашувда тил таълимида олдиндан грамматик қонуниятлар ва грамматик шакллар тўлиқ белгилаб олинади ва соддадан мураккабга қараб изчил, “чизиқли” тарзда ўргатишга, грамматик қонуниятларни мукамал билишга, таҳлил қилишга эътибор берилади.

Эҳтиёжларга асосланган ёндашувда асосан тилнинг қўлланиши ва ўрганувчининг эҳтиёжларига асосланади. Улар олдиндан эҳтиёжга керакли бўлган грамматик структура ва коммуникатив вазифалар танлаб олинади ва тартибланади. Шунга хизмат қиладиган машқ, топшириқ ва саволлар орқали ўргатишга ҳаракат қилинади.

Коммуникатив машғулотларга асосланган ёндашувда ўрганувчига коммуникатив машғулот ёки муаммони ҳал қилиш вазифалари орқали тил ўрганишга имконият яратилади. Бир сўз билан айтганда, бу ёндашувда “мазмунга асосланиш охир-оқибат тил структурасини ва коммуникатив малакани эгаллашга олиб келади”, деб қаралади ва шунга урғу берилади. Грамматик қонуниятлар ва коммуникатив вазиятлар “чизиқли” тарзда эмас, балки “спиралли” тарзда ўқитилади.

Олима М.Абдураимова таъкидлаганидек, “грамматизмга асосланган ўқитиш усули ўқувчи-ёшларнинг кўпчилик қисмида ижодийлик, мустақил фикрлаш, вазиятга қараб фикр ифодалаш кўникмаларининг паст бўлишига олиб келди. Мавжуд ҳолат кўп жиҳатдан она тили таълимининг мақсади, мазмуни ва усулига алоқадор бўлиб, уни янгилаш ҳаётий заруратга айланди”.⁶⁵ Дарҳақиқат, тадиқиқотларимиз шуни кўрсатадики, мустақилликдан сўнг ҳозирги кунга қадар она тили таълимида грамматизмга асосланган йўналиш устувор бўлди. Буни ўқув дастурларидаги ёндашувдан ҳам ёрқин кўришимиз мумкин. Она тили фанидан ишлаб чиқилган илк ўқув дастурида ҳам, 2010 йилда ишлаб чиқилган ўқув дастурида ҳам, амалдаги ўқув дастурида ҳам грамматик

⁶⁴ Kumaravadivelu, V. Beyond Methods: Macrostrategies for Language Teaching. Yale University Press. 2003.

⁶⁵ М.Абдураимова. Она тили таълими таълими. “Таълим тараqqiyoti”. O‘zbekiston Respublikasi Xalq taълими axborotnomasi. 2001-yil 3-4-son 66-69-betlar.

структураларга асосланган ёндашув бўйича мавзулар тақсимланган ва тартиблаштирилган. Дарсликлар ҳам шу асосида ёзилган. Хусусан, амалдаги ўқув дастурларини текшириб чиқсак, унда ҳам тил структурасини ўргатиш устувор. Жумладан, 1 – 4-синфларда алифбодан бошлаб, содда синтактик бирликлар ҳақидаги мавзулар, 5 – 9- синфларнинг ўқув дастурларида эса нутқ товушидан бошлаб, қўшимча, сўз, сўз бирикмаси, гап, қўшма гап каби бирликлар ҳақидаги мавзулар система сифатида соддадан мураккабга, осондан қийинга қараб тақсимланган. 10 – 11-синфларнинг ўқув дастурларида эса нутқ услублари, тил бирликларининг қўлланиш қоидалари, нутқ маданияти юзасидан мавзулар қайд этилган. Бу шунини кўрсатадики, она тили таълимида грамматик шакллар ва қонуниятларни соддадан мураккабга қараб узлуксиз тарзда чизиқли-тартибли ўқитишга урғу бериб келинмоқда. Тил ўргатишдан мақсад бўлган нутқий вазият, коммуникатив машқлар билан ишлаш эса иккинчи планга тушиб қолган. Бу эса ўқувчилар нутқий малакаларни ривожлантиришга, уларда ўз тафаккур маҳсули бўлган шахсий мулоҳазаларини нутқий вазият, нутқ иштирокчиларининг хусусиятларидан келиб чиқиб тўғри ва таъсирли ифодалаш ҳамда ўзгаларнинг нутқини англаш, идрок қилиш, уларни тушуниш кўникмасини ривожлантиришга деярли эътибор қаратилмаслигига сабаб бўлган. Демак, ўқув дастурида тил ўқитишдаги ёндашувни ўзгартириш лозим, нутқий вазиятларга тайёрлаш, коммуникатив машғулотларни бажаришга, ҳаётни ўргатишга йўналтирадиган ўқув дастурини ишлаб чиқиш – давр талаби.

Янги ишлаб чиқиладиган ДТС ва ўқув дастурида мавзулар коммуникатив вазиятларга, яъни ўқувчиларнинг нутқий малакаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган машғулот мавзуларига асосланиши керак ҳамда ҳар бир мавзу бўйича форматив баҳолаш учун муайян мезонлар, индикаторлар ва баҳолашда фойдаланиладиган топшириқлар учун аниқ методикалар тавсия этилиши, шу билан бирга, ҳар бир синф учун сумматив баҳолаш форматлари, механизми, баҳолаш мазмуни ва индикаторлари, топшириқлар сони ва методикаси баҳолаш мезонлари ҳамда баллар коэффиценти тақдим қилиниши шарт. Шунингдек, изланишларимиз шунини кўрсатадики, мустақилликдан сўнг ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган ДТС ва ўқув дастурларида муайян даражада назорат турлари ҳақида маълумот берилган бўлса-да, аммо ўқувчиларнинг ўқиб тушуниш малакасини на форматив баҳолаш жараёни, на сумматив баҳолаш

жараёни баҳолаш механизми, формати, баҳолаш индикаторлари, топшириқлар сони, уларнинг методикаси юзасидан аниқ тавсиялар берилмаган ҳамда намунавий вариантлар ишлаб чиқилиб, тақдим этилмаган. Жорий-кунлик баҳолаш ва якуний баҳолаш жараёнида ўқувчининг ўқиб тушуниш кўникмасини баҳолаш механизмини, мезонларини белгилаш ўқитувчилар зиммасида қолдирилган. Бу ўзининг салбий оқибатларини кўрсатаётир.

II БОБ. ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎҚИБ ТУШУНИШ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ

2.1. Ўқиб тушуниш малакасини баҳолашнинг мазмуни

Педагогик ўлчовларга оид тадқиқотлардан маълумки, ҳар қандай баҳолаш ўлчовларини ишлаб чиқишдан олдин баҳолаш лойиҳалаштирилади ҳамда унинг мазмунини назарий жиҳатдан далилланади ва методикаси ишлаб чиқилади. Шу боис она тил таълимида матнни ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш мезонлари ва методикасини ишлаб чиқишда қуйидагиларни амалга ошириш талаб этилади:

- баҳолаш мақсадини аниқлаш;
- баҳолашнинг домен, суб-доменларини ва конструктларини ўқувчининг хусусиятларидан келиб чиқиб аниқлаштириб олиш;
- баҳолаш мезонларининг назарий асосларини далиллаш ва баҳолаш тартибларини ишлаб чиқиш;
- тест топшириқларининг форматини яратиш;
- тест топшириқларининг турлари ва методикасини мазмунга мос тарзда белгилаш;
- тест топшириқларининг қийинлик даражасини белгилаш;
- баҳолаш учун топшириқ тузиладиган матнларни танлашда матн хусусиятларига эътибор бериш;
- тестларни экспертизадан ўтказиш;
- тест топшириқларини тажриба-синовдан ўтказиш;
- тестларнинг валидлигини ва ишончлилигини баҳолаш.

Демак, баҳолашда, аввало, ўқувчининг психофизиологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мақсад белгиланиб, домен, суб-домен ва конструктлар аниқлаштириб олинади ва шуларни баҳолайдиган, “ўлчайдиган” тест топшириқлари миқдори ва методикаси белгилаб олинади ва топшириқлар тузилади.

“Домен – билим, кўникма, малака, компетенциялар мажмуи”.⁶⁶ У она тили таълимининг ўқитилиш мақсадидан келиб чиқиб белгиланади. “Она тили” фанини ўқитишнинг асосий мақсади – ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда тўғри ва раво баён қиладиган, китобхонлик маданияти шаклланган, мустақил ва ижодий фикрлай оладиган, ўзгалар фикрини англайдиган, мулоқот ва нутқ маданияти

⁶⁶ K.Jalilov. Baholash nazariyasi asoslari. – Toshkent: Akademnashr, 2020. 11-bet

ривожланган шахсни камол топтиришдан иборат.⁶⁷ Содда қилиб айтганда, бу – нутқий малакаларни ривожлантириш. Яъни, она тили таълимининг асосий мақсади нутқий малакалари ривожланган, ижодий фикрлайдиган, ҳодисаларнинг моҳиятини англай оладиган авлодни тарбиялаш. Шу ўринда таъкидлаш керакки, замон талаби нуктаи назаридан она тили таълимининг пировард мақсадини аниқ қилиб белгилаш вақти келгандек, назаримизда. Чунки давр ва яшаш ахборот уммонига айланган пайтда, яъни реал ҳаётда ҳар бир ҳаракатимиз муайян ахборотлар йўналтмаси билан кечаётган даврда, замон бизни доимий мулоқот иштирокчисига айлантираётган бир вақтда она тили таълимининг мақсадини янгилашга эҳтиёж туғилади. Ҳар бир фикрни хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма тарзда ифодалаш остида идрок, тушуниш, мулоҳаза қилиш, воқеликни фаҳмлаш ётади. Шундан сўнггина фикрни ифодалаш – оғзаки ёки ёзма тарзда баён этиш юзага келади. Демак, оғзаки ёки ёзма нутқ шаклланиши учун шахсда англаш, фаҳмлаш, идрок қилиш кўникмаси шаклланиши керак. Шунинг учун она тили таълимида ўқувчиларнинг тушуниш, англаш кўникмаларини, умуман ўқиш саводхонлигини ривожлантириш шарт ва зарур бўлади.

Шу билан бирга, ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш форматини ишлаб чиқишда психоллингвистик тадқиқотларда қайд этилган тил ўзлаштиришнинг моделларини ҳам алоҳида ҳисобга олиш керак, чунки тил ўзлаштиришнинг, ундан фойдаланишнинг ўзига хос табиати, табиий тартиби мавжуд. Тил ўзлаштириш муайян психологик қонуниятларга асосланади. Хусусан, америкалик олим Ноам Чомский таъкидлаганидек, “тил кодлаш ва декодлаш жараёнлари асосида ўзлаштирилади”.⁶⁸

Психоллингвистик тадқиқотлардан маълумки, кодлаш ва декодлаш жараёнлари асосида тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, ёзиш ва сўзлаш малакалари ётади. Бу малакалардан ўқиб тушуниш мураккаб психофизиологик хусусиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш коструктини ишлаб чиқишда мазкур хусусиятларга таянилиши лозим.

“Конструкт – ўлчаниши лозим бўлган хусусият”.⁶⁹ Яъни ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини эгаллаганлик даражасини очиб берувчи баҳолаш индикатори.

⁶⁷О‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Umumiy o‘rta va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limining davlat ta’lim standartlarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 2017-yil 6-apreldagi 187-son qarori.<https://lex.uz/docs/-3153714>

⁶⁸Chomsky, N. (1965). Aspects of the Theory of Syntax. Cambridge, Massachusetts: The M.I.T. Press./ http://www.geta.kr/inc/download.asp?File_Name=2012_05.pdf

⁶⁹К.Жалилов. Baholash nazariyasi asoslari. – Toshkent: Akademnashr, 2020.–15-bet

Матнни ўқиб тушуниш, ўзлаштириш жараёни ва босқичлари ҳақида тилшуносликда ҳам, педагогик ўлчовларга оид тадқиқотларда ҳам матнни ўзлаштиришнинг муайян босқичлари аниқланган ва илмий томондан исботланиб, далиллар келтирилган. Ушбу бобимиз аввалида бу борадаги лингвистик тадқиқотлар ҳақида маълумотлар берган ва назарий қарашларни келтирган эдик. Энди матнни ўзлаштириш қандай амалга ошади, шу ҳақда сўз юритамиз.

Тадқиқотлардаги илмий фаразлар бир-бирини тўлдиради. Ўзбек тилишунослигида психолингвист олима И.Азимова ўқиб тушуниш малакасига тўхталиб, матнни ўқиб ўзлаштиришни қуйидагича изоҳлайди: “Матнни ўқиб тушуниш мураккаб психолингвистик жараён бўлиб, графемаларни таниш, сўзни ўқиш, сўзнинг луғавий маъносини, контекстуал маъносини англаш, синтактик структурани тўғри ҳал этиш (яъни, сўзларнинг ўзаро муносабати, қайси сўз гапдаги асосий тушунчани, қайсилари унга тобе тушунчаларни ифодалаётганини англаш), шунингдек, матн мазмуний блокларининг ўзаро боғланишини тушуниш каби даражалардан иборат бўлади”.⁷⁰ Олиманинг мазкур назарий қарашлари асосида матнни ўзлаштириш *ҳарфни таниш → сўзни ўқиш → сўзнинг маъноларини англаш → гап билан боғлиқ грамматик ҳодисаларни қабул қилиш → матннинг умумий ва қисмларини англаш* каби жараёнлардан иборат дейишимиз мумкин.

Жаҳон тилшунослигида Колин М. Браун, П.Хагурт, М.Кутаслар матнни тушунишни қуйидаги даражаларини фарқлайдилар:

а) сигнални бошқа сигналлардан фарқли ўлароқ нутқий сигнал сифатида англаш;

б) сигналнинг таркибий қисмларга сегментацияси;

в) сегментация қилиш жараёнининг маҳсулига асосланган ҳолда ментал лексиконга чиқиш;

г) лексикондан мос сўзни танлаш;

д) охириги сўзни ҳисобга олган ҳолда гап учун мос грамматик структурани тузиш;


э) гап таркибидаги сўзлар орасида семантик алоқани ўрнатиш⁷¹.

Дарҳақиқат, мазкур назарий қараш ҳам матнни ўзлаштириш бир-бирини давом эттирувчи мураккаб жараёнлигини далиллайди. Бу

⁷⁰I. Azimova, Ona tili ta'limida lisoniy malakani rivojlantirishning psixolingvistik asosi. Global ta'lim va milliy metodika. Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari. –Toshkent: PRINT 25, 2019. 222-bet

⁷¹ Brown Colin M., Hagoort P., Kutas M. Postlexical Integration Processes in Language Comprehension: Evidence from Brain- Imaging research // The New Cognitive Neurosciences. Ed. Michael S. Gazzaniga. Massachusetts Institute of Technology, 2000.–P.881.

қарашларни бирлаштирган ҳолатда шундай хулосага келишимиз мумкинки, матнни тушуниш, уни идрок қилиш, ўзлаштириш қуйидаги кетма-кетликда амалга ошади (1.1-расм). Аммо ҳаммада ҳам бу босқичлар тартибли амалга ошмайди.



1.1-расм. Матнни ўқиб тушуниш босқичлари

Бизнингча, ўқиб тушуниш жараёнини тўрт даражага ажратишимиз мумкин:

сўз даражасидаги маълумотни тушуниш – графема ва график тасвирларни таниш, чизмаларни, диаграммаларни ўқиш, уни мазмунга айлантириш, сўзнинг ўз ва кўчма маъноларини тушуниш, матнда аниқ рақмларда ифодаланган маълумотларни қидириб топа олиш, грамматик шаклларнинг вазифаси ҳамда маъносини англаш;

жумла даражасидаги маълумотни тушуниш – гап ва жумлаларнинг матндаги вазифаси ҳамда мазмунини идрок қилиш, очик ва яширин маълумотларни фаҳмлаш;

матн даражасидаги маълумотни тушуниш – хатбошилар ва матннинг умумий мазмунини тушуниш, матннинг грамматик қурилишини англаш, матндаги маълумотларни интеграция қилиш,

матндаги асосий ва қўшимча маълумотларни идрок қилиш, матнни мазмуний блокларга ажратиш;

англаш – матннинг ғоясини тушуниш, матн муаллифининг нуқтаи назарига баҳо бериш, матндаги ахборотни реал ҳаётий вазиятга татбиқ эта олиш.

Модул сифатида келтирилган юқоридаги матнни ўқиб тушуниш босқичлари ва даражалари баҳолаш мезонларини белгилашда алоҳида ҳисобга олиниши лозим.

Баҳолаш билан шуғулланадиган муассасалар ҳисоботларида, педагогик ўлчовларни такомиллаштириш юзасидан тадқиқот олиб бораётган изланувчиларнинг илмий материалларида ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш мезонларини ҳамда домен, суб-домен, конструктларни белгилаш юзасида бир қанча тавсиялар берилган. Хусусан, бизда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан эълон қилинган “Халқаро тадқиқотларда ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлигини баҳолаш” қўлланмасида матнни тушуниш даражасини баҳолашда қуйидаги ўринларга диққат қаратилиши келтириб ўтилади.⁷²

- матндан тегишли маълумотни қидириш ва танлаш;
- матнни тушуниш;
- матннинг жузъий маъносини ифодалашни ўрганиш;
- интеграция қилиб матн яратишни ифодалаш;
- матнни сифат ва ишончлилигини баҳолаш;
- матнда ифодаланган шакл ва мазмун ҳақида мулоҳаза юритиш;
- тафовутларни аниқлаш ва улар билан ишлаш.

Мазкур талаблардан билиниб турибдики, матнни ўқиб тушуниш даражасини аниқлаш таъсирчан ва ифодали ўқиш жараёнини текширишгина эмас, балки у ўқилган матнни идрок қилиш ва реал ҳаётда қўллай олиш билан боғлиқ кўникма ва малакаларни баҳолаш жараёни. Таъкидлаш лозимки, “халқаро тадқиқотларда ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлигини баҳолаш” қўлланмасида келтирилган ўқув топшириқларни таҳлил қилиб шуни гувоҳи бўлдики, ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлигини баҳолашда асосан жумла даражасидаги маълумотни тушуниш ва матн даражасидаги маълумотларни тушуниш даражасидаги кўникмалар текширилмоқда, бироқ матни фаҳмлашда сўз даражасидаги маълумотни тушуниш, англаш даражалари назарда

⁷²Xalqaro tadqiqotlarda o'quvchilarning o'qish savodxonligini baholash (Ona tili va adabiyot fani o'qituvchilari, metodistlar va soha mutaxassislari uchun metodik qo'llanma). Ta'lim inspeksiyasi huzuridagi Ta'lim sifatini baholash bo'yicha xalqaro tadqiqotlarni amalga oshirish milliy markazi. –Toshkent, 2019-yil. 92-bet.

четда қолмоқда, баҳоланмаётир, бизнингча.

Жаҳон тил ўқитиш методикасида матнни ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб таълим жараёнида кенг қўллана бошлаган. Бунинг омили сифатида ўқувчиларнинг ўқиб тушуниш кўникмаси, ўқиш саводхонлиги юқори бўлган юртларда иқтисодий-ижтимоий ўсиш юқорилашгани қайд этилгани келтирилади. Ҳозирги кунда ўқиб тушуниш кўникмасини, умуман саводхонликни, амалий кўникмаларни баҳолаш, таҳлил қилиш ва ўқувчиларнинг саводхонлиги даражаси бўйича халқаро рейтингларни тузиш билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар ҳам фаолият юритмоқда. Мазкур далиллар ҳам она тили ўқитиш методикасининг олдида ўқувчиларнинг ўқиб тушуниш малакасини ривожлантириш методикаси ва баҳолаш мезонларини яратиш долзарб масалалардан бир бўлиб турганлигини кўрсатади.

Ж.Чарлес Алдерсон “Ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш” қўлланмасида тилни эгаллаганлик даражасини баҳоловчи халқаро ташкилотларнинг баҳолаш мезонларини қиёслаб чиқиб, баҳоловчи конструктлар икки гуруҳга ажратилишини қайд этади.⁷³

- 1) умумий конструктлар;
- 2) аналитик конструктлар.

Шунингдек, олим тавсия этган ўқиб тушуниш малакасини баҳоловчи конструктларни умумлаштириб, қуйидагича белгилашимиз мумкин:

- матндаги аниқ маълумотларни топа олиш;
- матндаги маълумотларни англаш;
- матн мазмунини, воқеалар кетма-кетлигини аниқлаш;
- муаллиф кўзлаган асосий ғояни топиш;
- матннинг асосий мавзусини ва концепциясини аниқлаш;
- матндаги ғоялар ўртасидаги муносабатни аниқлаш, тахмин, сабаб, таъсир, ечимларни идрок қилиш;
- матндаги далилларни, фикрларни, таърифларни, натижаларни фарқлаш ва таққослаш;
- матндаги фикрларни, далилларни баҳолаш, унинг камчиликларини аниқлаш;
- матнга мавзуси, концепцияси ва далиллари асосидан муносабат билдириш;
- матндаги далиллар асосида мантикий хулосалар чиқариш;
- матндаги асосий ғояни тушуниш;

⁷³ J. Charles Alderson. Assessing Reading. Cambridge University Press 2000.

- матн мақсадини аниқлаш;
- матн мазмунини амалиётда қўллай олиш⁷⁴.

Мазкур назарий қарашларни умумлаштириб ва тадқиқотларимизга таяниб она тили таълимида матнни ўқиб тушуниш малакасини баҳолашда қуйидаги конструктларга асосланишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

- матнда аниқ ифодаланган маълумотни топа олиш ва тушуниш;
- матнда ўз маъносида ишлатилган лексик бирликларнинг маъносини тушуниш;
- матнда кўчма маънода ишлатилган лексик бирликларнинг маъносини тушуниш;
- матндаги ибора, мақол, ҳикматли сўзлар маъносини тушуниш;
- матндаги грамматик воситаларнинг маъноси ва матндаги вазифасини тушуниш;
- матндаги гапларнинг мазмун-моҳиятини фаҳмлаш;
- матннинг грамматик қурилишини англаш;
- матнда очиқ ва яширин ифодаланган маълумотларни тушуниш;
- матндаги чизма ва диаграммаларда берилган визуал маълумотларни ўқиш;
- матндаги вербал ва визуал маълумотлар ўртасидаги боғлиқликларни тушуниш;
- матндаги мазмуний боғланишларни англаш;
- матннинг ёки унинг қисмларининг умумий маъносини тушуниш;
- матнни мазмуний блокларга ажратиш;
- матнда муаллиф мақсадини аниқлаш;
- матн ғоясини англаш;
- матн мазмунини тушуниш ва талқин қила олиш;
- матндаги воқеалар ўртасидаги сабаб-оқибат, зиддият, қиёслаш қонуниятларини идрок қилиш;
- матндаги фикрлар ва муаллиф нуқтаи назарининг аниқлигини баҳолай олиш;
- ўқувчининг аввалдан мавжуд билими ҳамда матндан олинган маълумотнинг маълум даражада интеграциялашуви;
- матндан олинган билим ва тушунчаларни амалда татбиқ қила олиш.

Мазкур конструктлар матнни ўқиб тушуниш метакогнитив жараён эканлигини далиллайди ва улар баҳолашга фойдаланиладиган

⁷⁴ J. Charles Alderson. Assessing Reading. Cambridge University Press 2000.

матнларнинг мавзуси, турлари ва услубига кўра ҳам алоҳидалик касб этади.

Ушбу ўқиб тушуниш кўникмасининг ривожланганлик даражасига хос хусусиятлар асосида ўқиб тушуниш малакасини баҳолашнинг спецификацияси ишлаб чиқилади. Тест топшириқлари спецификацияси – баҳоланиши лозим бўлган домен ва конструктларнинг ҳар бир элементи нечта ва қандай турдаги тест топшириқлари ёрдамида баҳоланиши акс этадиган тестологик хужжат.

Тест топшириқларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари билан боғлиқ меъёрлари педагогик ўлчовларга оид тадқиқотларда ўрганилган, муайян тавсиялар берилган. Хусусан, ўқиб тушуниш малакасини баҳолашда тест топшириқлари миқдорининг минимум чегараси ҳам тестологияга оид тадқиқотларда белгиланган. Жумладан, Ларй Режарднинг “Психометрик методлар. Амалиётдаги назария”⁷⁵ китобида 15 та этиб белгиланган бўлса, АҚШнинг мактаб битирувчилари топширадиган SAT тестларида эса 44 та. Биз шулардан келиб чиқиб, матнни ўқиб тушуниш малакасини баҳолашда тест топшириқлари миқдорини 30 та деб олдик.

Педагогик ўлчовларга оид тадқиқотлардан маълумки, тестологияда тест топшириқларининг баҳолаш мезонларини белгилаш топшириқнинг мазмуни ва у текширмоқчи бўлган кўникманинг қамровига қараб амалга оширилади. Одатда тест вариантыдаги ҳар бир топшириққа унинг мазмуний ва методик хусусиятидан келиб чиқиб индивидуал балл тақсимот қилинади. Шунда тест топширувчиларнинг имтиҳон натижаси ишончли, ҳақиқатга яқин бўлган баҳолаш амалга оширилган деб. Баҳолаш, айниқса, инсон тафаккури билан боғлиқ кўникмаларни текшириш – жуда мураккаб жараён. Боиси инсон миясида кечаётган жараёнлар ўртасида чегара қўйиш, фарқлаш мушкул. Шундай бўлса-да, бу борада кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган, муайян хулосаларга келинган. Хусусан, педагогикада инсон тафаккурида кечадиган жараёнлар ва амалий ҳаракатлар ҳисобга олиниб *билим, кўникма, малака, компетенция* каби муайян тушунчалар билан ифодаланди. Бундан ташқари, америкалик олим Бенжамин Блум томонидан билиш жараёни босқичларининг назарий модели ишлаб чиқилган. Унга биноан когнитив жараёнлар қуйидаги даражалардан иборат:

- 1) билиш;
- 2) тушуниш;

⁷⁵Larry R. Price. Psychometric methods. Teoty into practike. The Guild Press New york 2017. P. 7

- 3) қўллаш;
- 4) таҳлил;
- 5) синтез;
- 6) баҳолаш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, билиш, қабул қилиш жараёни ўзига хос ҳодиса, она тили таълимида ўқувчиларнинг ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш мезонларини белгилаш, уларга асос бўлувчи когнитив кўникмаларни аниқлаш ҳам ўзига хосликни, алоҳида ёндашувни, тажриба-синовга таянилган хулосага асосланишни талаб этадиган жараён.

Тадқиқотимиз, ўтказган тажриба-синовларимиз натижасида шу аниқ бўлдики, матнни ўқиб тушунишда сўз даражасидаги маълумотларни тушунишга қаратилган топшириқлар ўқувчи томонидан энг осон, тез ҳал қилингани аниқланди. Бу конструктдан четлашиш ҳолати кузатилмаганда, яъни мумтоз сўз ёки шевага хос сўз тушуниш сўралмаганда юз берди. Хусусан, матн асосида берилган қуйидаги топшириқларга ўқувчиларнинг қарийб 90 фоизи тўғри жавобни топган.

Ажратиб кўрсатилган “мустасно” сўзининг матндаги мазмунини аниқланг. (Матн 1-иловада берилган.)

Жигарда ишлаб чиқилган глюкозанинг қанча қисми бош мия фаолияти учун сарфланади? (Матн 1-иловада берилган.)

2018-йилги маълумотларга кўра, Ўзбекистон аҳоли сони бўйича дунёда нечанчи ўринда туради? (Матн 1-иловада берилган.)

Ушбу топшириқлар ёрдамида ўқувчининг матнда аниқ ифодаланган маълумотларни топа олиш; матнда ишлатилган лексик бирликларнинг маъносини тушуниш; очик ифодаланган маълумотларни тушуниш кўникмалари текшириляпти. Яъни ўқилган матн таркибида сўз ва аниқ тушунча билан боғлиқ ахборотни тушуниш, маънони англай олиш баҳоланмоқда. Тажриба-синов иштирокчилари умумий ўрта таълим битирувчилари бўлгани, матн ўқувчиларнинг она тилисида берилгани, уларда аллақачон графемаларни таниш, уни мазмунга боғлаш, лексик бирликларнинг ўз маъносини тушуниш кўникмалари шакллангани боис топшириқларни бажариш осон бўлди. Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз керакки, диаграммада ифодаланган ахборотларни ўқиб тушуниш, илк тажрибаларимизда жуда паст натижа кўрсатган бўлса ҳам, ўқувчиларда бу кўникма ривожлантирилгандан сўнг, энг тез ҳал қилинадиган топшириқлар қаторига кирди. Умуман олганда, сўз

даражасидаги маълумотларни тушунишни текширадиган топшириқларни энг қуйи когнитив даража ҳамда уларни баҳолашда энг қуйи балл билан баҳолашни тавсия этамиз.

Матнни ўқиб тушунишда жумла ва матн даражасидаги ахборотларни тушуниш – ўқувчи тафаккурида бир қанча босқичларда амалга ошувчи жараён. Шунингдек, тушунишнинг шу босқичидан бошлаб, идрок қилишга экстралингвистик ва лингвистик омиллар таъсири ҳам кузатилади. Бу ҳақида И.Азимованинг юқорида келтирилган монографиясида алоҳида сўз юритилган. Хусусан, жумла даражасидаги ахборотларни тушунишга гап структурасининг тартибсизлиги, жумлаларнинг ҳаддан ташқари узунлиги, шаклдош бирликларнинг гап таркибида иштирок этиши бевосита таъсир қилса, матн даражасидаги ахборотни тушунишга ўқувчининг олдин олган билимлари, тажрибаси, индивидуал хусусиятлари, яшаш муҳити бевосита таъсир қилади. Қуйида жумла ва матн даражасидаги ахборотни тушуниш кўникмасини текширишга қаратилган топшириқлар берилган.

Ўзбекистон аҳолисининг ўсишига таъсир қилган омилларни аниқланг. (Матн 1-иловада берилган.)

1. Хориждан кўплаб аҳолининг Ўзбекистонга кўчиб келиши. 2. Турмуш даражасининг кўтариллиши. 3. Умр давомийлигининг пасайиши. 4. Тиббиёт соҳасидаги ислоҳатлар.

А. 1, 2, 3, 4 **Б.** 1, 2, 4

Д. 1, 3, 4 **Э.** 2, 4

Мазкур топшириқни тушуниш учун ўқувчи берилган матннинг биринчи, учинчи ва бешинчи хатбошилари интеграция қилиб тушуниши лозим эди. Бу топшириққа ўқувчиларнинг 45 фоизга яқини тўғри жавоб берган. Умуман, матн устида ишлаш кўникмаси яхши ривожлантирилмаганлиги, матн мазмунуни интеграция қила олмаслик ва уларга хос экстралингвистик омиллар шундай натижа қайд этилишига сабаб бўлган.

Берилган маълумотлар ва унга алоқадор тушунчаларни ўзаро мослаштиринг. (Матн 1-иловада берилган.)

ЭСЛАТМА! Жавоб вариантларида ортиқчаси бор.

Маълумотлар	Тушунчалар
1. Бош миянинг бу қисми жароҳат олса, ўпка ва юрак фаолияти тўхтайди. Инсон нобуд бўлади.	А. Оралиқ мия Б. Ўрта мия

<p>2. Бош миянинг бу қисми жароҳат олса, Инсон кўриш ва тинглаб тушуниш ва ёза олиш қобилиятларини йўқотади. _____</p>	<p>Д. Мия кўприги</p>
<p>3. Бош миянинг бу қисми жароҳат олса, инсон мушаклари фаолиятида бузилиш пайдо бўлади ва тик тура олмай йиқилиб тушади. _____</p>	<p>Э. Узунчоқ мия</p> <p>Ф. Мияча</p>

Ушбу топшириқ матн қисмларини тушуниш, матнни мазмуний блокларга ажратиш билан боғлиқ когнитив жараёнлар текширилади. Ўқувчи тестни бажариш учун матнни яхлит тушуниши, матн қисмларини идрок қилиши лозим. Масалан, 2-саволга тўғри жавоб топиш учун матннинг кўйидаги қисмида ажратиб кўрсатилган жумлалар ёрдамида яширин маънони англаш лозим бўлади.

-Унда тўртта тепалик бўлиб, олдинги иккитасида **пўстлоқости кўриш**, орқадаги иккита тепликда эса **пўстлоқости эшитиш марказлари** жойлашган.

-Бош миянинг мана шу соҳасида ... **қўл бармоқларининг нозик ҳаракатлари** ва **мускуллар таранглигини таъминловчи нерв марказлари** жойлашган.

Умуман олганда, матнда яширин ифодаланган мазмунни англаш, матн қисмларининг умумий маъносини тушуниш, матнни мазмуний блокларга ажратиш жараёнлари текширилмоқда. Ушбу топшириқни ҳам ўқувчиларнинг аксарият қисми тўғри ҳал қила олмаган. Бу эса бу каби топшириқлар ўрта когнитив даражани ифода этади десак, хато бўлмайди. Шу боис бунақа мазмун ва методикадаги топшириқлар учун ўрта баллни қўйсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқиб тушунишнинг олий даражасини **англаш босқичи** деб ҳисобладик. Негаки, бу босқичда инсон психикасида қисқа вақт ичида матнни қабул қилиш билан боғлиқ бир қанча табиий жараёнлар кечади, шунингдек, ўқувчининг ҳаётий тажрибаси, яшаш муҳити, эмоцияларини бошқара олиши, матндан олинган ахборотлардан вазиятларда фойдалана олиши, ҳаётий вазиятларда қўллай олиши билан боғлиқ мета когнитив жараён юз беради. Кўйида худди шундай топшириқлардан бирини таҳлил қиламиз.

1. (Матн 1-иловада берилган.) *Бола дунёга келди. Ота-онаси келишиб унга Юсуф деб исм қўйишди. Бу исм унга ёқар эди. У ўн икки ёшда эди, улар яшайдиган маҳаллада Юсуф деган наркаманд, ақли*

ноқис, безори йигит пайдо бўлди. Шунда ота-она боласининг исмини ўзгартириб келишди. Шу тўғрими?

А. Тўғри Б. Нотўғри

Ушбу топшириқ ҳам, матн мазмунини реал ҳаётда қўллай ола билишини текширмоқда. Бу топшириққа жавоб бериш учун матнда келтирилган қуйидаги қисмини идрок қилиш, шунга ўхшаш ҳаётий вазиятда қўллай олиш лозим бўлади.

Ўн ёшга тўлган боланинг исми ёки фамилиясини ўзгартиришга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

Тест топширувчиларнинг каттагина қисми саволга жавоб бера олган. Худди шунга ўхшаш қуйидаги тестда эса тест топширувчиларнинг аксарияти топшириқнинг тўғри жавобини топа олмаган.

Бир йигит боши билан қаттиқ йиқилиб тушди ва бироздан кейин ҳушини йўқотди. Унга қандай биринчи ёрдамни кўрсатиш керак? (Матн 1-иловада берилган.)

ЭСЛАТМА. бир нечта тўғри жавоб бўлиши мумкин.

А. Ҳушига келтиртириб, суюқлик ичириш керак.

Б. Тезда соя-салқин жойга олиб ўтиш керак.

Д. Уни ўнг елкаси билан ёнбош қилиб ётқизиш керак.

Э. Бошига ёстик қўйиб тўғри ҳолатда ётқизиш керак.

Ф. Ётқизгач, чап оёқ-қўлини букиш керак.

Ушбу топшириққа жавоб бериш учун матн умумий мазмунини билиш ва ҳаётий тажриба муҳим касб этган, шу билан бирга тажрибамиз кўрсатаяптики, тест топшириғи методикаси ҳам ундаги мазмунни идрок қилиш, тўғри вариантни топишни мураккаблаштиради.

Юқорида келтирилган фикрларимизни умумлаштириб, тест топшириқларининг баҳолаш мезонларини белгилашда топшириқ методикасини ҳам алоҳида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқиб тушуниш малакасини текширишда фойдаланиладиган топшириқларга қўйиладиган баллар тақсимотини улар текшириляётган кўникмалар, когнитив жараёнларни ҳисобга олиб қуйидагича тавсия этамиз:

1) *сўз даражасидаги маълумотни тушунишга* қаратилган топшириқларни **1 балл** билан баҳолаш.

2) *жумла ва матн даражасидаги маълумотни тушунишга* қаратилган топшириқларни **2 балл** билан баҳолаш.

3) *англаш даражасидаги* топшириқларни **3 балл** билан баҳолаш.

Мазкур мезонлар тест топшириқлари методикасига кўра ҳам бир-биридан фарқланиши мумкин.

Ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш мезонини батафсил спецификацияда акс эттирамиз.

Она тилидаги матнларни ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш учун топшириқ тузиладиган матнларни танлаш ҳам алоҳида эътиборни талаб этади. Ҳар қандай матн асосида ўқувчининг ўқиб тушуниш малакасини баҳолаб бўлмайди. Матнда, аввало, ўқувчининг ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш учун етарли даражада маълумотлар акс этган бўлиши лозим. Шундагина мазмунли ва муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган топшириқлар тузиш имкони бўлади. Хусусан, матнлар тасвирлаш, ҳикоя қилиш, тушунтириш, маълумот бериш, мунозара, йўриқнома, мулоқот мазмунида бўлиши, ундаги маълумотлар вербал, шу билан бирга, чизма, расм, диаграммалар кабилар билан ифодаланган бўлиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, матндаги маълумотларда “шакл ва мазмун мутаносиблиги”, “инкорни инкор қилиш”, “сабаб-оқибат-ечим” каби фалсафий қонуниятлар акс этиши нур устига нур бўлади, чунки ўқувчи учун матн ўқиш орқали шунчаки маълумот олиш воситаси эмас, ҳаётни англаш, улардаги воқеликни идрок этиш, юзага келаётган зиддиятларга ечим топиш каби ҳаётий кўникмаларни ривожлантириш омили сифатида ёндашилади. Шу боис ўқиб тушуниш малакасини баҳолашда турли мавзудаги, турлича ифодаланган матнлардан фойдаланилади. Бизнингча ҳам, баҳолаш жараёнида ҳаётдаги реал воқеликни тўла идрок этиш учун бадий, илмий-оммабоп, публицистик ва расмий услубга оид матнлардан фойдаланиш тўғри бўлади. Шунингдек, ифодаланишига кўра яхлит (вербал воситалар билан ифодаланган) матнлардан, яхлит бўлмаган (харита, чизма, диаграмма ва бошқалар билан ифодаланган) матнлардан ҳамда аралаш (ҳар икки усулда ифодаланган) матнлардан фойдаланиш самарали бўлади. Шунингдек, илмий, расмий, публицистик ва бадий услубга оид матнлардан фойдаланиб тест топшириқларини тузиш ўқувчида турли соҳаларидаги нутқий вазиятларни тезроқ идрок қилиш, фаҳмлаш кўникмаларни ривожлантиради. Бир сўз билан айтганда, мазкур белгиланган талаблар асосида ишлаб чиқилган тест топшириқлари билан ўқувчиларнинг матнни ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш келажакда мулоҳазакор, воқеликни ҳар томонлама идрок эта оладиган авлодни камол топишига ёрдам беради.

Она тили таълимида бадий матнни ўқиб тушуниш кўникмасини

баҳолаш ҳам алоҳида эътиборни талаб қиладиган жараён ҳисобланади, чунки умумий ўқувчи учун бадий матнни назарий таҳлили эмас, балки ифода-мазмун аҳамиятли. Бунга алоҳида тўхталишимизнинг эътиборли томони амалдаги она тили таълимида ўқиб тушуниш дейилганда фақат бадий матн, устига-устак, асосан, мумтоз ва дидактик матнни ўқиб тушуниш кўникмаси ўқувчиларда шакллантирилмоқда. Аслида умумтаълим мактабларидаги ўқувчиларнинг ҳаммаси ҳам келажакда филолог бўлмайди. Буни алоҳида ҳисобга олиш, дарсликларда ўқиб тушуниш кўникмасини ривожлантираётганда ҳам умумий жиҳатидан ёндашиш мақсадга мувофиқ. Шунинг учун бадий матнни ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш жараёнида қуйидаги кўникмаларни текширишга ва ўқувчиларда уларни ривожлантиришга эътибор қаратилса, кутилган натижани беради. Она тили таълимида бадий матнни ўқиб тушуниш малакасини ривожлантиришда қуйидаги кўникмаларни шакллантириш лозим бўлади:

- кўчма маънода ишлатилган лексик birlikларнинг маъносини англаш;
- матндаги ибора, мақол, ҳикматли сўзлар маъносини тушуниш;
- матнда қўлланган синтактик birlikнинг вазифасини англаш;
- матнда очиқ ва яширин ифодаланган маълумотларни идрок этиш;
- асар образларига тавсиф бериш;
- матннинг ёки унинг қисмларининг умумий маъносини тушуниш;
- матн билан ишлаётганда ўзларининг шахсий фикрлари ва тажрибаларидан фойдалана олиш;
- матн таркибидаги воқеа ҳодислар ўртасидаги “сабаб-оқибат-ечим”, “шакл ва мазмун мутоносиблиги”, “инкорни инкор қилиш”, “қиёслаш”, “изчиллик” каби фалсафий қонуниятларни англаш;
- матнда муаллиф мақсадини аниқлаш;
- матн ғоясини англаш;
- матн мазмунини тушуниши ва талқин қила олиш;
- матндаги фикрлар ва муаллиф нуқтаи назарининг аниқлигини баҳолай олиш;
- матндан олинган билим ва тушунчаларни амалда татбиқ қила олиш.

Умуман, ўқувчиларнинг ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш мазмунини аниқлаштириш бевосита матнни тушуниш кўникмасини

ривожлантириш қонуниятларига асосланади. Бироқ она тилидаги матнни ўқиб тушунишда жумла ва матн даражасидаги маълумотни тушунишга, англаш даражасида тушунишга қаратилган топшириқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2.2. Ўқиб тушуниш малакасини баҳолашда қўлланиладиган топшириқлар методикаси

Маълумки, тестологияда баҳолаш жараёнининг энг муҳим қисми – ўқувчининг БКМларини текшириш учун топшириқлар ишлаб чиқариш жараёни. Негаки, баҳолашнинг мақсади аниқ белгиланиб, спецификацияси ишлаб чиқилган тақдирда ҳам тестолог топшириқ тузиш методикаси ва мазмунига етарли даражада эътибор қаратмаса, эҳтиёткорлик ва мулоҳазакорлик билан ёндашмаса, кўзланган мақсадга эришилмайди. Шунинг учун тест тузишдан олдин топшириқ тузиш методикасига ва мазмунига алоҳида эътибор бериш шарт. Баҳолаш назариясида тест тузиш методикаси ҳам йиллар сайин янгиланиб, тадрижий ривожланиб бормоқда. Тест топшириқларининг мақсади, қўлланилиш ўрни, шакли ва бошқа жиҳатларига кўра бир қанча тури бор. Манбаларда тест топшириқлари шаклига кўра иккига ажратилган:

– ёпиқ турдаги тестлар (таклиф қилинган жавоблардан тўғриси топишга йўналтирилган);

– очик турдаги тестлар (тест топшириғига тест топширувчи ёзма равишда жавоб киритади).⁷⁶

Бошқа манбаларда эса бу тест турлари фойдаланишига кўра ҳам бир-биридан фарқланиши қайд этилади. Хусусан, рус олимаси С.А.Семеновская ўзининг илмий ишларида ёпиқ турдаги тестларнинг 6 та тури борлигини келтиради:

1) тўғри жавоби битта бўлган тестлар;

2) тўғри жавоби бир нечта бўлган тестлар;

3) мувофиқликни аниқловчи тестлар;

4) кетма-кетликни аниқловчи тестлар;

5) градуал тестлар (барча жавоблари тўғри, шулар ичида энг тўғриси танланадиган тестлар – А.Ш.);

6) муқобил тестлар.⁷⁷

Ўзбек олимлардан тестолог К.Жалилов эса “Баҳолаш назарияси асослари” ўқув қўлланмасида ёпиқ тестларнинг қуйидаги турларини

⁷⁶ Z.Z.Mirvaliyev. Pedagogik o'lovlarda test topshiriq turlari. Uslubiy qo'llanma. Toshkent, 2016. 40 bet.

⁷⁷ С.А.Семеновская. Основы тестологии. Учебное пособие. – Саратов: Саратовский государственный университета, 2015. – С. 58.

келтиради:

- муқобил жавобли тест топшириғи;
- тўғри – нотўғри шаклидаги тест топшириғи;
- мослаштириш тестлари;
- кетма-кетликни топиш тестлари.

Мазкур манбада очиқ тест топшириқларига ҳам тўхталиб, унинг эса уч турини қайд этади:

- қисқа жавобни талаб қиладиган тест топшириқлари;
- кенгайтирилган жавобни талаб қиладиган тест топшириқлари;
- амалий тест топшириғи.⁷⁸

М.Ш.Закирова, Н.Н.Эрматова томонидан тузилган “Тест тузиш методикаси ва экспертизаси” услубий қўлланмасида эса тест топшириқларининг турлари ҳақида батафсил тўхталиб, очиқ турдаги тестлар ҳақида ҳам маълумот бериб ўтади. Мазкур манбада очиқ турдаги топшириқлар икки турга ажратилиши келтирилади:

- қисқа жавобли тест топшириғи;
- жавоби кенг ёритиладиган тест топшириғи.⁷⁹

Умуман олганда, барча баҳолаш назариясига оид илмий ва услубий манбаларда тест топшириқларига батафсил тўхталинган. Мазкур қарашларни умумлаштирган ҳолатда она тилида матнни ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш учун қуйидаги тест топшириқларининг турларидан фойдаланишни маъқул деб топдик.

Ёпиқ тестлар:

- “бинар” тест топшириғи (ҳукмни тўғри ёки нотўғри эканлигини тасдиқловчи жавоб вариантларидан иборат бўлади);
- битта тўғри жавобга эга муқобил жавобли тест топшириғи;
- бир нечта тўғри жавобга эга муқобил жавобли тест топшириғи;
- мослаштиришни талаб қиладиган тест топшириғи.

Очиқ тестлар:

- қисқа жавобни талаб қиладиган тест топшириғи;
- очиқ қолдирилган ўринларни тўлдиришни талаб этадиган тест топшириғи;
- кенгайтирилган жавобни талаб қиладиган тест топшириғи;
- мослаштиришни талаб қиладиган тест топшириғи.

Қуйида тестологиядаги тажрибаларни умумлаштириб, ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш юзасидан ўтказган-тажриба синовларимизда фойдаланилган, ўзимиз томонимиздан турли

⁷⁸ Jalilov K. Baholash nazariyasi asoslari. –Toshkent, Akademnashr, 2020, 26-bet.

⁷⁹ M.Sh.Zakirova, N.N.Ermatova. Test tuzish metodikasi va ekspertizasi. Uslubiy qo'llanma. Toshkent, 2016, 42-bet.

методикада тузилган тест топшириқларини келтирамиз ва ўзига хосликларини изоҳлаймиз.

Ўқиб тушуниш малакасини баҳолашда фойдаланиладиган тест топшириқлари, турли мавзудаги муайян матн асосида тузилади. Контекст асосида ишлаб чиқилган топшириқлар ўқувчининг берилган матнни қай даражада тушунганлигини текширишга хизмат қилади (тест топшириқлари тузилган матнлар иловада берилган).

Бинар тест топшириқлари. Мазкур тест топшириғи ёпиқ тест топшириқлари сирасига киради. Унда иккита жавоб варианты орқали ўқувчининг билим ва кўникмалари текширилади, ривожлантирилади. Қуйида шундай топшириқлардан намуналарни таҳлил қиламиз.

Қуйидаги ҳукмларни матн мазмунидан келиб чиқиб тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқланг. (Матн 1-иловада берилган.)

2. 1991 йилда туғилиш кўрсаткичи ҳозирги кўрсаткичдан анча юқори бўлган.

А. Тўғри Б. Нотўғри

3. Мустақилликдан кейин то 2000 йилларгача туғилиш сони пасайиши кузатилган.

А. Тўғри Б. Нотўғри

Мазкур тест топшириқлари бинар (иккита жавобли) турдаги тест топшириғи бўлиб, бу топшириқлар матнда очик ифодаланган маълумотларни тушуниш; матндаги чизма ва диаграммаларда берилган визуал маълумотларни ўқиш; матндаги вербал ва визуал маълумотлар ўртасидаги боғлиқликларни тушуниш; матндаги мазмуний боғланишларни англаш билан боғлиқ бўлган кўникмалар баҳоланмоқда, текширилмоқда. Илк тажрибаларимизда худди шу услубдаги тестлар орқали ўқувчиларнинг визуал ахборотларни ўқий олишини текширганимизда, тест топширувчиларнинг аксарияти тўғри жавобни топа олмаган эди. Тажриба-синовимизда иштирок этган ўқувчиларда бу кўникма яхши ривожланганини гувоҳи бўлдик. Энди худди шу услубда расмий матнлар асосида тузилган тестларни таҳлил қиламиз.

Қуйидаги ҳукмларни матн мазмунидан келиб чиқиб тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқланг. (Матн 1-иловада берилган.)

1. Санжарнинг ота-онаси онасининг ахлоқи ёмонлиги сабабли ажрашиб кетишган. У отаси билан яшайди, аммо онасини ҳам соғинади. Кунлардан бир кун онаси Санжарни кўргани келди. Отасини уларни кўриштирмади. Шу тўғрими?

А. Тўғри Б. Нотўғри

2. Санжар дунёга келди. Отаси Соатов, онаси эса Темуров. Унга ота-онанинг келишувига биноан онасининг фамилияси – Темуров фамилияси берилди. Шу тўғрими?

А. Тўғри Б. Нотўғри

Мазкур топшириқлар ҳам бинар тестлар. Бу топшириқлар орқали ўқувчининг расмий матнни ўқиб тушуна олиши, матнда яширин ифодаланган маълумотларни тушуниши, матндаги мазмуний боғланишларни англаш, матндаги ахборотни татбиқ эта олиш, матнни ўқиб, тушуниб, реал ҳаётий вазиятларда қўллай олиш каби кўникмалари текширилган. Дастлабки тажриба-синовларида расмий матнни ўқиб тушуниш кўникмасини мазкур методикадаги тестлар билан текширганимизда яхши натижа олинмаган эди. Тажриба гуруҳларида бу кўрсаткич ҳам синов охирида яхшиланди.

Умуман олганда, бинар тестлар ёрдамида ўқиб тушуниш кўникмасини баҳолаш самарали. Айниқса, бундай топшириқлар, ўқувчининг матнни ўқиб тушуниш кўникмасини ривожлантиришда фойдаланилса, ўқувчида ҳақиқий мазмунни англаш, киноя, пичинг каби тағмаъноларни фаҳмлаш, умуман, нутқий вазиятларни идрок этиш каби кўникмалар шаклланади. Шунингдек, маълумотлар ниҳоятда кўп бўлган айни даврда жадаллашган замон талаби билан ахборотни ихчам ифодалаш эҳтиёжи пайдо бўлган. Натижада турли маълумот ва ахборотлар ҳар хил инфограммада тақдим қилинмоқда. Бу эса бундай маълумотларни ўқиб тушуниш заруратини юзага чиқармоқда. Юқорида келтирилган методикадаги топшириқлар орқали ўқувчиларда визуал ахборотни ўқий олиш кўникмаси ҳам яхши шаклланади.

Битта тўғри жавобга эга муқобил жавобли тест топшириғи. Мазкур тестлар ҳам ёпиқ тестлар қаторига киради. Бунда савол ва бир нечта (асосан тўрт ёки бешта) жавоб варианты берилади. Тўғри жавоб битта бўлади. Бундай тестлардан Давлат тест маркази томонидан олий таълимга кириш тест синовларида фойдаланилади. Ушбу услубдаги тестлар кенг тарқалган бўлса-да, у ёрдамида ўқувчининг билимини ҳаққоний текшириш мумкин, яъни билимли ва билимсизни тўғри ажратиб бера олади, дейиш қийин. Негаки ўқувчи учун жавоб варианты берилгани унга тўғри жавоб топишнинг тасодифий имкониятини беради. Шундай тестлар натижасида ўқувчилар билим, кўникмалари ўртасидаги нозик фарқлар сезилмайди. Шу боис ҳам тестология ва педагогик ўлчовлар билан шуғулланувчи марказлар

ҳисоботидан маълумки, бундай тестларда жавоб варианти қанчалик кўп берилса, дистракторлар бир-бирига яқин бўлса, тасодифий топиш фоизи камаяди. Қуйида ўқувчиларнинг ўқиб тушуниш компетенциясини текширишда фойдаланилган тестларни таҳлил қиламиз.

Матнда ажратиб кўрсатилган “шунингдек” бирлиги матнда қандай мазмунни ифодалаяпти? (Матн 1-иловада берилган.)

А. Олдинги фикр кейинги фикрнинг хулосаси эканлигини ифодалаяпти.

Б. Кейинги фикр олдинги фикрнинг далиллаётганлигини ифодалаяпти.

Д. Олдинги фикр кейинги фикрнинг тасдиғи эканлигини ифодалаяпти.

Э. Кейинги фикр олдинги фикрнинг давоми эканлигини ифодалаяпти.

Мазкур топшириқ орқали матн қисмларини боғловчи воситалар маъноси ва уларнинг матндаги вазифасини тушуниш; матннинг грамматик қурилишини англаш; матндаги мазмуний боғланишларни англаш; матннинг қисмларининг умумий маъносини тушуниш, матнни мазмуний блокларга ажратиш кўникмалари текширилмоқда. Мазкур методикадаги тест топшириқларидан ўқувчининг матнда ишлатилган лексик бирликларнинг маъносини тушунишини текшириш мақсадида фойдаланилганда шуни ҳисобга олиш керак: дистракторлар – муқобил жавоб вариантлар ўзаро мазмуний яқин, ҳажмий тенг бўлиши, шунингдек, она тилидаги матнни ўқиб тушуниш текширилганида лексик бирликларнинг контекстдаги окказионал маъноси сўралиши мақсадга мувофиқ бўлади. Агарда фаол қўлланувчи лексик бирликларнинг ўз маъносини топиш сўралса, тест топширувчиларининг аксарияти жавобни топа олиши маълум бўлди. Шу боис ҳам она тилидаги матнни тушунишда лексик бирликларнинг ўз маъносини сўрашни тавсия этмаймиз. Жумладан, қуйидагича топшириқларни бериш мақсага мувофиқ эмас.

***Ичкарида қиздирилаётган доира чалинди.* Мазкур жумлада ажратиб кўрсатилган сўзининг маъноси топинг**

А) куй ижро этилмоқ

Б) эшитилмоқ

Д) дучор бўлмоқ

Э) товуш чиқармоқ

Бу усулдаги тест топшириқлари имконияти анча кенг. Турли

контруктларни мазкур тест услубида текшириш мумкин. Умуман, бундай тестлар ёрдамида матнда ишлатилган лексик birlikларнинг маъноларини тушуниш; матндаги ибора, мақол, ҳикматли сўзлар маъносини тушуниш; матнда очик ва яширин ифодаланган маълумотларни тушуниш; матндаги вербал ва визуал маълумотлар ўртасидаги боғлиқликларни тушуниш; матндаги мазмуний боғланишларни англаш; матннинг ёки унинг қисмларининг умумий маъносини тушуниш каби турли кўникмаларини баҳолаш мумкин.

Қуйида битта тўғри жавобли муқобил жавобли тест топшириқларининг бошқача услубдаги намунасини таҳлил қиламиз.

Қуйидаги парчада ажратиб кўрсатилган сўзлардан хато қўлланганларини аниқланг. Барчаси тўғри қўлланган бўлса, Д вариантни белгиланг.

1.	Халқимизнинг энг ноёб [А] фазилатларидан бири уни [Б] бир тан, бир жон бўлиб яшашида кўзга ташланади [Э].	Д) Хатолик мавжуд эмас.
2.	Шу сабабли бизда ҳеч ким яхши кунда ҳам [А], ёмон кунда ҳам якка қўйилмайди [Б]. Халқимиз “яхшилик қилган, меҳр-мурувватли, оқибатли [Э]. одам ҳеч қачон кам бўлмайди” деган ақида билан яшайди	Д) Хатолик мавжуд эмас

Ушбу топшириқ ёрдамида сўз маъноларини тушуниш ва грамматик шакллари фарқлаш, уларни нутқда тўғри қўллай олиш кўникмалари текширилмоқда. Бу каби топшириқлардан она тили таълимида фойдаланиш ўқувчиларнинг сўздан тўғри фойдаланиш кўнимасини ривожлантиради.

Бир сўз билан айтганда, бундай методикадаги тестлардан ўқувчиларнинг ўқиб тушуниш кўникмасини ривожлантиришда фойдаланиш сермахсул бўлиб, ўқувчида боғлиқликларни фаҳмлаш, ҳақиқий мазмунни англаш, нутқий вазиятларни идрок этиш, воқеликка муносабат билдириш, ўқувчининг аввалдан мавжуд билими ҳамда матндан олинган маълумотнинг маълум даражада интеграциялаш, матн билан ишлаётганда ўзларининг шахсий фикрлари ва тажрибаларидан фойдалана олиш каби кўникмаларини шакллантиради.

Бир нечта тўғри жавобга эга муқобил жавобли тест топшириғи. Бу тестлар ҳам ёпиқ тестлар қаторига киради. Унда савол ва бир нечта (беш ва ундан кўп) жавоб варианты берилади. Ҳамда икки ёки ундан кўп тўғри жавоб бўлади. Қуйида худди шундай тестларни

ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш жараёнида қайси кунстурктларни текшириш учун самарали эканлигини, ўзига хослигини таҳлил қиламиз.

Ўзбекистон аҳолисининг ўсишига таъсир қилган омилларни аниқланг. (Матн 1-иловада берилган.)

ЭСЛАТМА. Бир нечта тўғри жавоб бўлиши мумкин.

А. Хориждан кўплаб аҳолининг Ўзбекистонга кўчиб келиши.

Б. Турмуш даражасининг кўтарилиши.

Д. Умр давомийлиги кўрсаткичининг турғунлашуви.

Э. Тиббиёт соҳасидаги ислохотлар.

Ф. Юртимизга кўплаб инвесторларнинг кириб келиши.

Ушбу топшириқ ёрдамида матн қисмларининг умумий маъносини тушуниш; матндаги мазмуний боғланишларни англаш; матн мазмунини тушуниши каби кўникмалар текширилмоқда. Мазкур тестдан тажриба-синовда илк фойдаланганимизда, гарчи топшириқда “Бир нечта тўғри жавоб бўлиши мумкин” эслатмаси келтирилган бўлса ҳам, ўқувчиларнинг кўпчилиги битта жавобни белгилаган. Бу эса таълим контекстида фақат битта жавобли тестлардан фойдаланишнинг оқибатини кўрсатмоқда. Шу ўринда худди шундай топшириқларни тузиш жараёнида алоҳида эътибор беришимиз керак ўрин борлиги натижалардан аён бўлди. Бир нечта тўғри жавобли тестлардан муқобил жавобларни танлашда мазмуний хилма-хилликка эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади.

Умуман, мазкур услубдаги тестлар орқали юқори когнитив даражалар, таҳлил қилиш, синтез, қисман баҳолаш каби билиш, тушуниш даражалари текширилади. Шунингдек, ўқиб тушуниш кўникмасини ривожлантиришда ушбу услубдаги тестлардан фойдаланиш ўқувчида ҳақиқий мазмунни англаш, фаҳмлаш каби хусусиятларни шакллантиради.

Мослаштиришни талаб қиладиган тест топшириғи. Ушбу методикадаги тестлар ёпиқ ёки очик тарзда берилиши мумкин. Бунда топшириқ шартига биноан тушунча ва ҳукмлар ўзаро мослаштирилади. Мазкур усулдаги топшириқлар матнни ўқиб тушуниш жараёнидаги юқори когнитив даражаларни текшириш имконини беради. Қуйида мазкур методикадаги топшириқларни таҳлил қиламиз.

Берилган маълумотлар ва унга алоқадор визуал маълумотларни ўзаро мослаштиринг. (Матн 1-иловада берилган.)

ЭСЛАТМА! Жавоб вариантларидан ортиқчаси бор.

Вербал маълумотлар	Визуал маълумотлар
1. 2000 йилда эркакларнинг ўртача умр давомийлиги _____	А. 73.2 ёш
2. 2000 йилда аёлларнинг ўртача умр давомийлиги _____	Б. 70.8 ёш Д. 68.4 ёш

Мазкур топшириқ мослаштиришни талаб этадиган очиқ тест. У ёрдамида график тасвирда визуал ифодаланган маълумотни илғаш, ўқий олиш текшириляпти. Мазкур тест топшириғига ҳам илк тажриба-синовимизда аксарият ўқувчилар тўғри жавоб бера олмаган. Боиси ушбу услубдаги тестга илк маротаба дуч келишганидир. Худди шунга ўхшаш бошқа бир тестимизни ҳам таҳлил қиламиз.

Берилган маълумотлар ва унга алоқадор тушунчаларни ўзаро мослаштиринг. (Матн 1-иловада берилган.)

ЭСЛАТМА! Жавоб вариантларида ортиқчаси бор.

Маълумотлар	Тушунчалар
1. Бош миянинг бу қисми жароҳат олса, ўпка ва юрак фаолияти тўхтади. Инсон нобуд бўлади. _____	А. Оралиқ мия Б. Ўрта мия
2. Бош миянинг бу қисми жароҳат олса, Инсон кўриш ва тинглаб тушуниш ва ёза олиш қобилиятларини йўқотади. _____	Д. Мия кўприги Э. Узунчоқ мия
3. Бош миянинг бу қисми жароҳат олса, инсон мушаклари фаолиятида бузилиш пайдо бўлади ва тик тура олмай йиқилиб тушади. _____	Ф. Мияча

Ушбу ўзаро мослаштиришни талаб этаётган тест топшириғида матн таркибидаги тушунчалар билан боғлиқ яширин ифодаланган маъно-мазмунни англаш, матн қисмларини тушуниш, матнни мазмуний блокларга ажратиш кўникмалари текширилмоқда. Энди эса мослаштиришни талаб этадиган ёпиқ турдаги тестларни таҳлил қилсак.

Матннинг бош ғоясидан келиб чиқиб, асосий ва ёрдамчи маълумотларни топинг ҳамда мослаштиринг. (Матн 2-иловада берилган.)

<i>а) асосий маълумотлар;</i>	<i>1. Тоғ тасвири.</i>
	<i>2. Икки ака-ука воқеаси.</i>
<i>б) ёрдамчи маълумотлар.</i>	<i>3. Дарёнинг тасвири.</i>
	<i>4. Онанинг меҳрибонлиги тасвири.</i>

A) *a-1,4; b-2,3*

B) *a-2,4; b-1,3*

D) *a-4; b-1,2,3*

E) *a-2; b-1,3,4*

Ушбу тест орқали ўқувчиларнинг матннинг ёки унинг қисмларининг умумий маъносини тушуниш; матндаги мазмуний боғланишларни англаш; матн мазмунини тушуниши ва талқин қила олиш каби кўникмалари текширилмоқда. Умуман олганда, ўқувчининг тушуниш, қўллаш, таҳлил қилиш, синтез қилиш, татбиқ қилиш ва баҳолай олиш каби когнитив кўникмалари баҳоланмоқда.

Демак, мослаштиришни талаб этадиган тест услуби анча самарадор, ҳамда юқори когнитив даражаларни текшириш имконини бериши билан алоҳидалик касб этади. Ушбу методда тузилган тестлардан ўқувчиларнинг ўқиб тушунишини ривожлантиришда фойдаланилса, уларда ўқилган матнни юқори даражада тушунишини ривожлантиради. Шунингдек, ўқувчида матн блоклари ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни фаҳмлаш, ҳақиқий мазмунни англаш, нутқий вазиятларни идрок этиш, воқеликка муносабат билдириш, ўқувчининг аввалдан мавжуд билими ҳамда матндан олинган маълумотнинг маълум даражада интеграциялаш, ўқувчилар зиддиятлар сабабларини таҳлил қилиш, излаш ва аниқлаш кўникмаларини шакллантиради.

Қисқа жавобни талаб қиладиган тест топшириғи. Мазкур топшириқ очик турдаги тест бўлиб, матн мазмунидан келиб чиқиб, аниқ мазмунли, қисқа жавобни талаб этадиган тест топшириғи ҳисобланади. Бу каби тестларнинг имконияти ниҳоятда кенг бўлиб, лўнда жавобни талаб этадиган барча кўникмаларни текшириш мумкин. Шунингдек, бу топшириқнинг энг характерли белгиси ҳақиқий билимлиларни, юқори когнитив даражага эга талабгорларни аниқлаб бера олади. Бу топшириқ орқали тасодифий топиш имконияти нолга тенг. Шу боис ҳам тестологлар томонидан кичик гуруҳларда олинадиган тестларни фақат очик тестлардан фойдаланиш самарали эканлиги таъкидланади. Қуйида худди шундай тестлардан таҳлил қилиб кўрамыз.

2018 йилги маълумотларга кўра, Ўзбекистон аҳоли сони

бўйича дунёда нечанчи ўринда туради? (Матн 1-иловада берилган.)

Жавоб: _____

Мазкур топшириқ ёрдамида матнда аниқ ифодаланган маълумотни қидириб топа олиш ва тушуниш кўникмаси текширилмоқда. Бундай топшириқлардан ўқувчининг ўқиб тушуниш кўникмасини ривожлантиришда фойдаланилса, уларда керакли маълумотни ахборотлар ичидан қидириб топа олиш лаёқатини шакллантиради.

Худди шунга ўхшаш бошқа тестни таҳлил қиламиз.

Хикояда ёмонликни ўйламайдиган, ҳаммага Оллоҳдан инсоф тилайдиган, доим яхшиликни кўзлайдиган бир сўзли қаҳрамонни топинг. (Матн 1-иловада берилган.)

Жавоб: _____

Мазкур тест топшириғи орқали ўқувчининг асар образларига тавсиф бериш, матннинг ёки унинг қисмларининг умумий маъносини тушуниш кўникмаси баҳоланмоқда. Асардаги ҳар бир қаҳрамоннинг асар сюжетидаги ўрни, ўзига хослигини унинг хатти-ҳаракати, нутқидан ишлатилган жумлалар, шахслар билан муносабатидан фаҳмлай олиши текширилмоқда.

Умуман, қисқа жавобни талаб қиладиган тест топшириқларидан ўқиб тушунишни ривожлантиришда фойдаланилса, матнда аниқ ифодаланган маълумотни қидириб топа олиш ва тушуниш; ўқувчининг аввалдан мавжуд билими ҳамда матндан олинган маълумотнинг маълум даражада интеграциялаш; матн билан ишлаётганда ўзларининг шахсий фикрлари ва тажрибаларидан фойдалана олиш; матндаги маълумотларни ташқи маълумотлар билан боғлаб таҳлил қила олиш; матндан олинган маънони ўзининг борлиқ ҳақидаги тасаввурлари билан боғлаш каби юқори даражаги когнитив кўникмаларни шакллантириш мумкин.

Очиқ қолдирилган ўринларни тўлдиришни талаб этадиган тест топшириғи. Мазкур топшириқ ҳам очик тестлар сирасига киради. Бу услубдаги тест топшириқлари ёрдамида *сўз даражасидаги маълумотни тушуна олиши* текширилади. Қуйида худди шундай тестлардан айримлари билан танишиб, таҳлил қиламиз.

Матнда ажратиб кўрсатилган ўринга қуйида берилган сўзлардан мазмуний ва грамматик жиҳатдан энг мосини қўйинг.

ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИ

Биринчи автомобиль Германия кўчаларида пайдо бўлди, лекин ҳайдовчиларнинг _____ [1] туфайли тез-тез кўнгилсиз

воқеалар рўй бера бошлади. Шунда Германияда _____ [2] журналлардан бири шундай таклиф киритади. Унга кўра полиция машина эгасига гувоҳнома беришдан олдин унинг машина ҳайдашни билиш-билмаслигини текшириб кўриши ва шундан сўнггина гувоҳнома бериши керак бўлади. Дунёда биринчи ҳайдовчилик гувоҳномаси шу тариқа Германияда 1910-йилдан бошлаб жорий этилган.

хушёр бўлмаган, истеъдодсиз эканлиги, тажрибасизлиги, бесўнақай эканлиги, чоп этиладиган, ёзиладиган, тақдимот қилинадиган, берилган

Ушбу топшириқ сўз маъноларини тушуниш ва грамматик шакллари хал қилиш, уларни тўғри қўллай олиш кўникмалари текширилмоқда. Умуман, матнни, унда қўлланган бирликларни лексик ва грамматик жиҳатдан тўғри хал этиш баҳоланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ушбу методикадаги топшириқлардан ўқувчиларнинг матнни ўқиб тушуниш кўникмасини ривожлантиришда фойдаланиш уларда сўзни тўғри қўллай олиш, маънодош сўзларнинг ўртасидаги нозик маъновий фарқларни ҳис қила олиш, сўзга ҳисобдорлик, сўздан танлаб фойдаланиш кўникмасини шакллантиради.

Кенгайтирилган жавобни талаб қиладиган тест топшириғи. Бу топшириқ ҳам очик тестлар сирасига киради. Бу услубдаги тест топшириқлари ёрдамида *матн даражасидаги маълумотни тушуна олиши ҳамда англаш* текширилади. Ушбу услубдаги тест топшириқлари метакогнитив даражани текширишга хизмат қилиши билан алоҳида аҳамиятли. Қуйида худди шундай тестлардан айримлари билан танишамиз, таҳлил қиламиз.

Муаллиф ҳикояда “Ўзбекнинг соддаси” деб кимни назарда тутяпти? Бу соддаликми? (Матн 1-иловада берилган.)

ЭСЛАТМА. *Фикрларингизни лўнда, ихчам ифодаланг, 20 та сўздан ошиб кетмасин.*


Жавоб: _____

Мазкур тест топшириғи орқали ўқувчининг матн ғоясини англаш; ўқувчининг аввалдан мавжуд билими ҳамда матндан олинган маълумотнинг маълум даражада интеграциялаш; матн билан ишлаётганда ўзларининг шахсий фикрлари ва тажрибаларидан фойдалана олиш; матндаги маълумотларни ташқи маълумотлар билан

боғлаб таҳлил қила олиш; матндан олинган маънони ўзининг борлиқ ҳақидаги тасаввурлари билан боғлаш; матнни ўқиб тушуниб ҳаётий муаммоларни ҳал қила олиш, унга ечим топа олиш; матнни ўқиб, тушуниб, реал ҳаётий вазиятларда қўллай олиш каб кўникмаларини баҳолаяпти. Тажриба-синов натижаларидан шу маълум бўлдики, бундай узун жавобни талаб қиладиган топшириқларни минглаб талабгорлар иштирокида ўтказиладиган сумматив баҳолашда фойдаланиш ўқувчиларнинг жавобларини текширишда ўзига хос муаммоларни юзага келтиради. Шу боис бу топшириқ методикасида сумматив баҳолашда кам фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Аммо кам сонли, муайян битта синфда олинадиган синовларда қўллаш жуда ўринли ва сермахсул бўлади.

Шулар билан бирга, ўқувчиларда ўқиб тушуниш малакасини ривожлантириш ва баҳолашда сермахсул бўлган қуйидаги услубдаги тест топшириқларидан фойдаланишни тавсия этамиз.

1. Расмли тест топшириқлари. Уларда муайян фалсафий мазмун ташийдан суратлар орқали ўқувчиларнинг кўрган воқеликни тушуниши текширилади. Бундай топшириқлардан фойдаланиш ўқувчида ҳаётда дуч келадиган реал воқеликни англаши, вазиятга мос ҳаракатланиши каби кўникмаларни ривожлантиради.



Ушбу суратни томоша қилиб, нимани тушунганингизни лўнда қилиб ёзинг.

Жавоб: _____

Мазкур топшириқда ўқувчи кўрган суратининг мазмунини англаши учун ҳаётий тажрибалари ва тушунганларини интеграция қилиши лозим. Бундай топшириқлардан фойдаланиш ўқувчи тасаввур оламининг кенгайиши, тафаккур даражасининг юксалишига олиб келади.

2. Хатони тўғрилаш тестлари. Уларда парча таркибида хато шакллантирилган гапларни, бирикмаларни тўғрилаш сўралади.

Қуйидаги парчада ажратиб кўрсатилган мазмунан ва грамматик жиҳатдан нотўғри шакллантирилган гапни тўғриланг.

Жорий йилда жамоат транспортини ривожлантириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди, такси хизматини жорий этишнинг қонуний тартиблари белгиланди. Шу ўринда шуни таъкидлашимиз керакки, лицензиясиз йўловчиларнинг ташиш қонунга хилоф.

Жавоб: _____

Бундай топшириқлар орқали ўқувчида матннинг грамматик тузилишини англаши текширилади. Шунингдек, бундай топшириқлардан фойдаланиш ўқувчида жумла тузиш, матнни грамматик ва мазмуний бутунлик сифатида ҳис қилиш кўникмалари ривожлантилади.

3. Чизмали тест топшириғи. Уларда матннинг мазмуний блокларини ифодалаган таянч тушунчалар рақамланган чизмаларда берилади. Мазкур таянч тушунчаларни матн мазмунига мос тарзда кетма-кет жойлаштириш сўралади.

“Оқ, ойдин кечалар” ҳикоясида келтирилган тушунчаларни асар мазмунидаги ўрнидан келиб чиқиб кетма-кетликда жойлаштиринг.



Жавоб:

Бундай топшириқлар орқали ўқувчида матнни мазмуний блокларга ажратиш кўникмаси текширилади. Бунақанги тестлардан фойдаланиш ўқувчида матн таркибидаги ҳар бир бирликнинг матндаги ўрнини англаш, матнни қисмларга ажратиш, уни мазмуний бутунлик сифатида англаш кўникмаларини ривожлантиради.

Бир сўз билан айтганда ушбу услубдаги топшириқлардан она тили таълимида фойдаланиш ўқувчида реал ҳаётни англаш, ундаги ҳар бир воқеликнинг моҳиятини идрок эта олиш, воқеликка муносабат билдира олиш, ўқувчининг аввалдан мавжуд билими ҳамда матндан олинган маълумотнинг маълум даражада интеграциялаш, ўқувчилар зиддиятлар сабабларини таҳлил қилиш, излаш ва аниқлаш ҳамда ўз ғояларини тақдим эта олиш, сабаб-оқибат муносабатини фаҳмлаш каби кўникмаларини шакллантиради.

Умуман, ўқувчиларнинг она тилидаги матнларни ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш жараёнида фойдаланиладиган топшириқлар мазмуни ва методикаси алоҳида эътибор бериш шарт. Мазмунга мос

топшириқ методикасини танлаш ўқувчининг когнитив даражасини тўғри ташхислаш, баҳолаш имконини беради. Шу билан бирга, она тили таълимида ўқувчилар тил ўрганувчиси эмас, балки етказувчиси, тил соҳибби бўлганлиги боис топшириқ методикаси тўғри танланмаса, етарли даражада эътибор берилмаса, тескари натижа бериши – матнни ўқиб тушуниш зерикарли ва жуда оддий юмушга айланиши мумкин. Бу эса таълимга салбий таъсирини ўтказади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, умумий ўрта таълим битирувчиларининг она тилидаги матнни ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш учун фойдаланиладиган тест топшириқлари спецификациясини қуйидагича белгилаш мақсадга мувофиқ.

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ СПЕЦИФИКАЦИЯСИ

МАЛАКА	МАТН МАВЗУСИ ВА ТУРИ	ТЕСТ ТОПШИРИҚ- ЛАРИ СОНИ	ТЕСТ ТОПШИ РИҒИ ТУРИ	ВАҚТ (дақ.)
ЎҚИШ САВОДХОНЛИГИ	<i>Замонавий адабиётга оид бадиий матн: этик ёки драматик турга оид парча</i>	8 та	Мослаштиш тести Очиқ тест Ёпиқ тест	45
	<i>Қонун ёки қонунчиликка оид расмий матн</i>	7 та	Мослаштиш тести Ёпиқ тест Бинар тест	
	<i>Иқтисодиёт ва иқтисодий географияга оид визуал яхлит бўлмаган матн</i>	7 та	Мослаштиш тести Очиқ тест Ёпиқ тест Бинар тест	
	<i>Замонавий технологияларга ёки табиий фанларга оид илмий-оммабон матн</i>	8 та	Мослаштиш тести Очиқ тест Ёпиқ тест Бинар тест	
Жами		30 та		45

Ўқиб тушуниш малакасини текширишда фойдаланиладиган топшириқларнинг когнитив даражаси ва унга қўйиладиган баллар қуйидаги жадвалда акс этган:

Когнитив даража	Баҳоланиши (баллда)	Кўникма ва малакалар
Қуйи даража	1 балл	<ul style="list-style-type: none"> - матнда аниқ ифодаланган маълумотларни топа олиш; - ўз маъносида ишлатилган лексик бирликларнинг маъносини тушуниш; - очиқ ифодаланган маълумотларни тушуниш; - кўчма маънода ишлатилган лексик бирликларнинг маъносини тушуниш; -матндаги визуал маълумотларни тушуниш; -матндаги вербал ва визуал маълумотлар ўртасидаги боғлиқликларни тушуниш;
Ўрта даража	2 балл	<ul style="list-style-type: none"> - яширин ифодаланган маълумотни фаҳмлаш; - матн қисмлари орасидаги боғлиқликни тушуниш; -матннинг мазмуний блокларини идрок қилиш; -матндаги асосий ва ёрдамчи маълумотларни ажрата олиш -матнда берилган маълумотларни умумлаштириш; -матн тури ва услубини фарқлаш
Юқори даража	3 балл	<ul style="list-style-type: none"> -матндан хулосалар чиқариш; -матн зоясини англаш; -матнни ўқиб тушуниб, реал ҳаётий вазиятларда қўллай олиш; -матнда муаллиф мақсадини аниқлаш; -матндаги фикрлар ва муаллиф нуқтаи назарининг аниқлигини баҳолай олиш.

Ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш конструктларини тестлар кесимида қамраб олиниши ва топшириқларга қўйиладиган баллар қуйидаги жадвалда акс этган:

Т/ №	Конструктлар	Тест тури	Балл
1-ҚИСМ. БАДИЙ МАТНИИ ЎҚИБ ТУШУНИШ (750–950 сўздан иборат яхлит матн орқали)			
1	<i>кўчма маънода ишлатилган лексик бирликларнинг маъносини англаш</i>	битта тўғри жавобга эга муқобил жавобли тест топшириғи	2
2	<i>матндаги ибора, мақол, ҳикматли сўзлар маъносини тушуниш</i>	битта тўғри жавобга эга муқобил жавобли тест топшириғи	2
3	<i>матнда қўлланган синтактик бирликнинг вазифасини англаш</i>	битта тўғри жавобга эга муқобил жавобли тест топшириғи	2
4	<i>матнда яширин ифодаланган маълумотларни идрок этиш</i>	бир нечта тўғри жавобга эга муқобил жавобли тест топшириғи	2
5	<i>асар образларига тавсиф бериш</i>	мослаштиришни талаб қиладиган тест топшириғи	2
6		мослаштиришни талаб қиладиган тест топшириғи	2
7	<i>матннинг ёки унинг қисмларининг умумий маъносини тушуниш; матнни мазмуний блоklarга ажратиш.</i>	битта тўғри жавобга эга муқобил жавобли тест топшириғи	2
8	<i>матнда муаллиф мақсадини тушуниш; матн гоясини идрок этиш; матн мазмунига баҳо бериш.</i>	кенгайтирилган жавобни талаб қиладиган тест топшириғи	3
2-ҚИСМ. РАСМИЙ УСЛУБГА ХОС МАТНИИ ЎҚИБ ТУШУНИШ (550–700 сўздан иборат яхлит матн орқали)			
9	<i>ўз маъносидда ишлатилган лексик бирликларнинг маъносини тушуниш</i>	битта тўғри жавобга эга муқобил жавобли тест топшириғи	1
10	<i>матнда ишлатилган тил бирликларининг матндаги вазифасини тушуниш</i>	битта тўғри жавобга эга муқобил жавобли тест топшириғи	2
11	<i>матн мазмуний блоklarини идрок қилиш</i>	мослаштиришни талаб қиладиган тест топшириғи	2
12		қиладиган тест топшириғи	2
13	<i>матннинг ёки унинг қисмларининг умумий маъносини тушуниш; матндаги мазмуний боғланишларни англаш; матндаги яширин маълумотларни тушуниш; матндаги маълумотлардан ҳаётда</i>	бинар тест топшириғи (“тўғри – нотўғри” шаклидаги тест)	2
14			2
15			2

	<i>фойдалана олиши.</i>		
3-ҚИСМ. ПУБЛИЦИСТИК МАТНИИ ҶҚИБ ТУШУНИШ (300–500 сўздан иборат аралаш матн орқали)			
16	<i>матнда берилган маълумотларни тушуниб, кераклисини топа олиши ва идрок қилиши</i>	қисқа жавобни талаб қиладиган тест топшириғи	1
17	<i>матнда яширин ифодаланган маълумотларни идрок этиши</i>	бинар тест топшириғи (“тўғри – нотўғри” шаклидаги тест)	2
18			2
19	<i>матндаги вербал ва визуал маълумотлар ўртасидаги боғлиқликларни тушуниши</i>	мослаштиришни талаб қиладиган тест топшириғи	2
20			2
21	<i>матндаги вербал ва визуал маълумотлар ўртасидаги боғлиқликларни тушуниши</i>	битта тўғри жавобга эга муқобил жавобли тест топшириғи	3
22	<i>матннинг ёки унинг қисмларининг умумий маъносини тушуниши, матн қисмлари орасидаги боғлиқликни англаши</i>	битта тўғри жавобга эга муқобил жавобли тест топшириғи	3
4-ҚИСМ. ИЛМИЙ-ОММАБОП МАТНИИ ҶҚИБ ТУШУНИШ (650–850 сўздан иборат яхлит матн орқали)			
23	<i>матнда аниқ ифодаланган маълумотни топа олиши ва тушуниши</i>	қисқа жавобни талаб қиладиган тест топшириғи	1
24	<i>матнда очиқ ифодаланган маълумотларни тушуниши</i>	бинар тест топшириғи (“тўғри – нотўғри” шаклидаги тест)	1
25			1
26	<i>матн қисмлари орасидаги боғлиқликни тушуниши</i>	мослаштиришни талаб қиладиган тест топшириғи	2
27			2
28			2
29	<i>матннинг ёки унинг қисмларининг умумий маъносини тушуниши</i>	битта тўғри жавобга эга муқобил жавобли тест топшириғи	3
30*	<i>матннинг ёки унинг қисмларининг умумий маъносини тушуниши</i>	бир нечта тўғри жавобга эга муқобил жавобли тест топшириғи	3
Жами			60 бал л

**30-тест топшириғида талабгор агарда топшириқ жавобининг ярмини топса, 1,5 балл қўйилади; агарда учдан бирини топса, 1 балл қўйилади.*

Тест учун ажратилган **умумий вақт 45 дақиқани** ташкил қилади.

Тестларни тўғри бажариб **максимал тўпланадиган балл 60 баллни** ташкил қилади.

Баллни баҳога алмаштириш жадвали

Баҳо	Балл
“5”	52–60 балл
“4”	43–51 балл
“3”	34–42 балл
“2”	0–33 балл

Ўқиб тушуниш малакасини текширишда қуйидаги **тест топшириқларидан** фойдаланилади:

1	битта тўғри жавобга эга муқобил жавобли тест топшириғи
2	бир нечта тўғри жавобга эга муқобил жавобли тест топшириғи
3	мослаштиришни талаб қиладиган тест топшириғи
4	“бинар” тест топшириғи
5	қисқа жавобни талаб қиладиган тест топшириғи
6	очиқ қолдирилган ўринларни тўлдиришни талаб этадиган тест топшириғи
7	кенгайтирилган жавобни талаб қиладиган тест топшириғи
8.	Расмли тест топшириғи
9.	Чизмали тест топшириғи
10.	Хатони тўғрилаш тестлари

Тест топшириқлари методикасини битта матн мисолида келтирамиз.

Қуйида келтирилган матнни ўқинг ва у асосида берилган 1-7-топшириқларни бажаринг.

“ЎЗБЕКНИНГ СОДДАСИ”

Ўшанда саккиз ёшларда эдим. Иккинчи синфда ўқиётган бўлсам ҳам зеҳним ўткир эканми, саводим чиқиб қолган, яъни отам айтиб турса, мен фактурасини ёзиб борардим. Отам район матлубот жамиятида магазинчими, бир нима бўлиб ишлар эди. У киши шундай катта ишда турсалар ҳам, жуссалари мендақанинг ўнтасига тенг келса ҳам, саводлари ҳалигидақа эди. Лекин отамни маҳалла аҳли ҳурмат қилар, у киши билан «Полвон бобо» деб сўрашишар...

Биз ёз оқшомлари алла-паллагача гурунглашиб ўтирардик. Отамнинг ошналари келганда, мук тушиб, дoston ўқишар, навбат билан дўмбира чертишар, момом ҳам қозон бошидан жилмасди. Эсимда: бизникилар айниқса, «Алпомиш» дostonини севишар эди. Юсуф деган бир танишимиз бўларди, уйга келдими, лўлаболишни

ўмровига тортиб, шу дostonни ўқишга бошлар эди. Мен жиддий кулок солиб ўтирар, кейин ухлаб қолганимни билмас эдим, эрталаб супа пастидаги ёғоч каравотда кўрардим ўзимни.

Ўша кеча уйимизда меҳмон ҳам йўқ эди. Отам ҳам қаёққадир кетиб, келавермади...

Мен зерикиб, каравотимга чиқиб ётдим. Бир маҳал уйқу аралаш пайқаб қолдим: супада ғўдир-ғўдир гап бўляпти. Айниқса, энамнинг овози баланд-баланд чиқарди. Отам босиқ, лекин у ҳам баъзан «Э! Э!» деб кўярди, мен шунда беихтиёр ҳушёр бўлиб кетдим. Отамнинг одатлари қизиқ-да: мени ҳеч вақт «Тўрабой, ке!» деб чақирмайди, шунчаки, «Тўрабой!» деб кўя қолади, демак, бу – бери ке, деганлари ҳам бўлади. «Улим!» деб кўярдилар, вассалом, мен югуриб боришим керак. Отам сингилларимни ҳам «улим» деб чақирарди... У кишининг «Э!» деганини кўп эшитганман. Даштда бир сигиримизни чўпон ўзиники қилиб, «бўри еди»га чиқарган экан. Шунда энам чўпондан сигиримизни ундириш ҳақида кўп гапирган. Отам: «Э! Э!» деб туриб, қўл силтаган эди. Шундан кейин энам отамга гап кор қилмаслигини билиб, чўпонни қарғай-қарғай тинчиган эди.

– Э! – деди отам бирдан бақириб. – Шу пул билан бири икки бўлармиди, кампир?

– Сиз шундай дейсиз-да, хой! – деди энам. – Даштдаги мол ҳам санокли қолган, биз уни қайтиб тўлаймиз! Ўйлайсизми?

– Мол сизларга, – деб тўнғиллади отам. – Мен энди манглайда борини кўраман, кампир! Э, гапирма! – отам қизишиб кетди: – Нима қилай? Селпо райси ўғирлик қилди, саводим йўқ, мени гўл билиб, шунча пулга туширди, ёрдам қилинлар, деб арзга борайми? – Э, мен бу ишти қилолмайман! Инсофи бўлса, ўйлаб кўради, кампир! Олти болам бор, кўриб турибди ўзи. Нокаслик қилмас.

– **О, шўр бошим, шўргина бошим!** – деди энам куйиниб ва идишлар тарақлаб кетди: – Сиз арз қилмасангиз, мен қиламан! Эрталаб милисага бораман, текшириб кўринлар, бу одам селподан ҳеч маҳал мунча пул олгани йўқ, фактураям тузгани йўқ. Тузган бўлса, копияси ўзида бўларди-да!.. Бу одамни ўсал қилиб, ўзлари падлўк дакумит тузган, шунча пулни бунинг бўйнига урган! Текшириб кўринлар. Бунинг пактураларини ўғлим ёзиб берарди, унияам келтириб сўроқ қилинлар, дейман!

Отам жимиди. Мен бу гапларнинг маъносига тушунмас эдим. Бироқ кимдир отамни алдагани, унинг бошида хавф борлигини сездим. Биз болалар тайёрга айёр бўлиб ўсар эдик: оилада пайдо бўладиган

қийинчилик, камчиликни ота-онамиз тузатар, тўлдиран эди. Бизга ўйин бўлса, ёнбошлаб ётиб дoston эшитиш бўлса ёки пистага пул бўлса бўлди эди.

Мен отамга фактура ёзиб берганларимни эслаб, ичимда хурсанд бўлиб, кўрпага ўралдим. ...

Отамнинг охирги сўзи шу бўлди:

– Э, кампир, бошимни қотирма. Мен айтдим айтгичимни унга. Номард экансан, ука. Майли, шу ўтирик пулди деб кет, лекин биринг икки бўлмасин. Бир куни сени болаларинг ҳам ота деб қолсин, дедим. Бўлди шу гап, кампир. Юракти бўшатдим. Агар ҳайвон эмас, одам наслидан бўлса, келади у – уқкиғар!

Ўртоқларим билан сўкишиб юрганларимни эсладим, отам: «Ўзбекнинг гапи бир бўлади», дегич эди. Мен яна, ҳамма вақт бир сўзли бўлишни ўйладим. Сўнг нима учундир шу тобда отамнинг тутган йўлини тўғри деб билдим ва кейин ухлаб қолдим.

Ёпирай! Жуда нотинч бўлди-да, бу кеча!

Яна уйғониб кетдим: супада гўдир-гўдир гап-сўзлар қулоғимга етмасидан қозонда жиз-биз бўлаётган гўштнинг ҳиди димоғимга етди. Ҳайрон бўлиб, бошимни кўтардим. Даштдан отамнинг ошналари кепти деб ўйлаган эдим. Йўк, лампа ёритиб турган дастурхоннинг бир томонида матлубот жамиятининг раиси чўкка тушиб ўтирар, у отам билан кулишар эди. Энам ўчоқ бошида.

Мен бу одамни яхши танир эдим, қачон отамга эргашиб унинг омборига борсам, шу кишини ҳам кўрардим, у бурчак-бурчакда уйилиб ётган ёнғоқ, олмақоқи ва олчақоқилардан ҳовучлаб олиб ҳидлар, сўнг сочиб ташлаб, кафтларини бир-бирига уриб қоқар, кета туриб, менга қошини учуриб қўяр эди. Лекин уйимизга ҳеч келмаган эди.

Қовурдоқнинг ҳидидан унинг ҳали етилиб пишмаганини сездим. Уйда меҳмон борида дастурхондан четда тур, ҳадеб ўртага қўл узатаверма, бир ишора қил, ўзим бераман, хоҳлаган нарсангни, дер эди энам. Мен ўзимнинг уйғоқ эканимни энамга қандай билдирсам деб ўйлаб турган эдим, улар яна кулиб юборишди. Шунда отамнинг оқшомги кайфиятини эслаб, иши ўнгидан келгани – тутган йўли тўғри чиққанига ишондим ва хурсанд бўлиб кетдим. Энамга тикиламан, ҳаракатларидан у кишининг ҳам кайфи чоғ экани билиниб турибди.

Лекин барибир туришга журъат этолмадим.

– Ҳа, Полвон ака, менга ёмон таъсир қилди гапингиз, – деди раис.
– Мен шунча ёшга кириб, бундай гапни эшитмаган эдим.

Яширмайман, мард одамсиз, тушунасиз... Бундай ишлар аввал ҳам бўлган. Лекин бирови ҳам ўзимга ҳавола қилиб кетмаган эди. Одамга таъсир қилар экан, мен ҳам одам боласиман... Ана, фактура, дела! Янгамга беринг, ёқиб юборсинлар. Ўтган ишга саловат, Полвон ака.

Мен каравотдан секин тушиб, ўчоқ бошига чопдим.

– Сув ичаман, сув – дедим энамга.

– Гўшт-чи, емайсанми, болам? – деди энам.

Мен тиржайиб, чўнқайдим. Шунда раис мени чақириб, қошини чимирди. Мен ўрнимдан туриб салом бердим.

– Берман ке, улим, берман ке! – деди отам. Бундай вақтда боришим керак. Энам ҳам елкамга қоқди. Отам ёнига ўтқазиб:

– Шер улим! – деди. – Ухламадингми?.. Энди гўштан ейсиз-у кириб ухлайсиз. Хавотир олма, болам! Мард одамнинг садағаси кетсанг арзийди. Мана, амакинг ҳам мард чиқиб қолдилар...

Улар кулишди. Шундай қилиб, бу нотинч кеча ўтди.

Ҳозир мен ўша кеча, ўша суҳбатлардан йигирма беш йил беридаман. Уларни тушдагидек эслайман. ... (866 та сўз)

Шукур Холмирзаев, 1972

Қуйидаги саволларга матн асосида жавоб беринг.

1. Ҳикояда Полвон тоғанинг аёли нутқида келтирилган “О, шўр бошим, шўргина бошим!” жумлалари асосида уни қандай аёл дейиш мумкин?

А. ноҳақликка чидай олмайдиган куюнчак аёл

Б. қаноатли, ҳар нарсага рози бўлувчи, итоаткор аёл

Д. бориға қаноат қилмайдиган, ношукр аёл

Э. гапга чечан, кўп гапирадиган аёл

2. Матнда ажратиб кўрсатилган “ўтирик” сўзининг маъносини ёзинг

Жавоб: _____

3–4. Берилган образлар ва унга алоқадор тавсифларни ўзаро мослаштиринг.

ЭСЛАТМА! Жавоб вариантларидани ортиқчаси бор.

Уларга берилган тавсифлар	Образлар
3. Ёмонликни ўйламайдиган, ҳаммага Оллоҳдан инсоф тилайдиган, доим яхшиликни кўзлайдиган бир сўзли инсон. _____	А. Чўпон
4. Ўзгалар мол-мулкани ўзики қилиб ўзлаштириб олган, харом-харишдан ҳам қайтмайдиган инсон. _____	Б. Раис
	Д. Полвон тоға

5. Қуйидаги ҳукмларни матн мазмунидан келиб чиқиб тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқланг.

Бола ўз отасининг тутуми, характерини, танловини ҳар доим тўғри деб билган.

А. Тўғри Б. Нотўғри

6. Раис нима учун кечки пайт Полвон тоғаникига келиб қилган ишидан пушаймонлигини билдирди?

А. Палвон тоға билан ораси ёмонлашиб кетишини хоҳламагани учун

Б. Ўзининг кирдикорлари очилиб қолишидан қўрққани сабабли

Д. Палвон тоға ўғирлик қилмаганига ишонгани учун

Э. Ҳақиқий айбдорлар, ўғрилар аниқланганлиги сабабли

7. Қуйидаг сурат ва ҳикоя ўртасидаги мазмуний боғлиқликни қисқа қилиб ифодаланг.



ЭСЛАТМА. *Фикрларингизни лўнда, ихчам ифодаланг, 20 та сўздан ошиб кетмасин.*

Жавоб: _____

Умуман, ўқувчиларнинг она тилидаги матнларни ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш жараёнида фойдаланиладиган топшириқлар мазмуни ва методикасига алоҳида эътибор бериш шарт. Мазмунга мос топшириқ методикасини танлаш ўқувчининг когнитив даражасини тўғри ташхислаш, баҳолаш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, она тили таълимида битирувчи синф ўқувчиларининг ўқиб тушуниш кўникмасини юқоридаги спецификация асосида тузилган тест топшириқлари ёрдамида баҳолаш

самарали ва ишончли. Ушбу спецификация асосида тузилган намунавий вариантни ишимиз илова қисмида берамиз. Шунинг ҳам таъкидлашимиз керакки, ўқиб тушуниш кўникмасини фақат очиқ ва ёпиқ тестлар билан эмас, “қайта ҳикоя қилиш” усули орқали оғзаки тарзда ҳам баҳолаш мумкин. Аммо бизнинг ишимиз предмети сумматив баҳолаш жараёни бўлганлиги боис, юз минглаб ўқувчилардан олишиши сабабли тест топшириқларидан фойдаланишни тавсия этамиз.

2.3. Ўқиб тушуниш малакасини баҳолашда фойдаланиладиган тест топшириқларини экспертиза қилиш

Педагогика тараққиётида таълим сифатини баҳолашнинг бир қанча шаклларидан фойдаланилган. Масалан, таълим сифати суҳбат асосида, ёзма ишлар асосида баҳоланган. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб таълим сифатини баҳолашда тест топшириқларидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Бунинг боиси, тест топшириқлари ёрдамида кўп сонли таълим олувчиларни, битирувчиларни бир вақтда баҳолаш имкони мавжуд бўлади, шу билан бирга, баҳолашда инсон омилининг аралашуви юқори даражада чекланади. Ҳозирча инсон таълим сифатини баҳолашда тестнинг ўрнини босувчи муқобил тизимни қайта ишлаб чиқмади. Шунга қарамай ҳозирги кунга қадар олимлар ўртасида таълим сифатини баҳолашда тест топшириқларидан фойдаланиш баҳсли масала бўлиб келмоқда. Бунинг боиси тест топшириқларининг сифати ҳар доим ҳам мақсадга мувофиқ бўлавермаслигида. Бунинг сабабини рус олими Й.А.Михайлиев қуйидагича изоҳлайди: “Замонавий дидактик тестологияда тестларнинг сифатсизлиги асосан уларнинг шакллантириш жараёнлари билан боғлиқдир”.⁸⁰ Ҳақиқатан ҳам, тест топшириқларини шакллантириш кўп босқичли мураккаб жараён, тестнинг сифати бу жараёнларнинг тўғри амалга оширилиши ва соҳа мутахассисларининг илмий ва педогогик савиясига боғлиқ. Тест тайёр ҳолатга келгунга қадар бир қанча назарий ва амалий босқичларни босиб ўтади: тест мақсадини белгилаш, спецификациясини ишлаб чиқиш, тест топшириқларини тузиш ва таҳрирлаш, экспертиза қилиш, апробациядан ўтказиш, статистик таҳлил қилиш, таҳлил асосида тест топшириқларини таҳрирлаш ва бошқалар.

“Тест топшириғини ишлаб чиқиш ўқув фанининг мазмуни тест

⁸⁰ Михайлычев Е. А. Дидактическая тестология. – М.: Народное образование, 2001. – 432 с.

мазмунда акс эттирилиши орқали амалга ошади”⁸¹. Шунинг учун ҳам тест топшириқларни экспертиза қилиш алоҳида эътиборни талаб қиладиган, тестнинг талаблар даражасида эканлигини белгиловчи муҳим босқич.

Тест топшириқлари сифатини ҳар томонлама текшириш, экспертиза қилиш рус тилидаги илмий адабиётларда тўртта асосий босқичга ажратилади:

- дастлабки экспертиза;
- ички экспертиза;
- тестологик экспертиза;
- якуний хулоса бериш”⁸².

Дарҳақиқат, бу босқичларда тест топшириқларининг сифати юзасидан берилган хулосалар унинг яроқлилигини, синовларда фойдаланиш мумкинлигини таъминлайди. Бу эса тақризчи экспертдан тест топшириқларини экспертиза қилиш жараёнида катта масъулиятни талаб қилади.

Тақризчи-эксперт тест топшириқларини экспертиза қилиш жараёнида назарий жиҳатдан тест топшириғининг мазмуни, муқобил жавобларнинг аҳамиятлилиги, вақт тақсимоти, қийинлик даражаси, аҳамиятлилиги даражаси каби мазмуний ва шаклий талабларни ҳисобга олиши лозим. Шундагина тест сифатли бўлади.

Ўқиб тушуниш малакасини баҳолашда фойдаланиладиган тест топшириқларини экспертиза қилиш умумий қоидаларга бўйсунса-да, унда алоҳида ўзига хослик ҳам мавжуд. Чунки ўқиб тушуниш компетенцияларини тест ёрдамида тўлақонли баҳолаш, аҳамиятли кўникмаларни текшириш – мураккаб жараён. Бу эса нафақат тақризчи экспертдан, балки тест тузувчидан ҳам катта иқтидорни, истеъдодни ва ижодкорликни талаб этади. Шунинг учун ҳам тест топшириқларини экспертиза қилиш бир қанча талаблардан иборат бўлиши лозим.

Экспертиза қилиш жараёни тест топшириғининг тўғри тузилганлиги, унинг мазмуни, когнитив ва аҳамиятлилиги даражаси, топшириқни бажаришга сарфланадиган вақт, матнлардаги сўзлар миқдори, тестнинг бола психологиясига таъсири, тестларнинг ўзаро муносабати кабиларни ўзи ичига олади.

Умуман она тилидаги матнларни ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш учун тузилган тест топшириқларини экспертиза қилишда

⁸¹ Zakirova M.Sh., Ermatova N.N. Test tuzish metodikasi va ekspertizasi. – Toshkent, 2018. – 41 b

⁸² Пермяков О.Е., Максимова О.А. Формализация экспертного оценивания качества тестовых материалов с позиций системного подхода. // Вестник педагогических инноваций. № 3 (7). – Новосибирск, 2006. – 157 – 178 с.

қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш лозим:

- тест топшириғининг спецификациясини тақриздан ўтказиш;
- тест топшириғини тўлиқ ўқиб чиқиш;
- тест топшириғида имловий, пунктуацион хатоликлар ва услубий ғализликлар учрамаслигини текшириш;
- тест топшириқлари вариантыдаги ҳар бир савол спецификацияга мослигини текшириш;
- тестнинг тўғри жавоб вариантыни аниқлаш;
- тест топшириғининг Давлат таълим стандартида белгиланган малака талабларига мослигини текшириш;
- тест топшириғининг аҳамиятлилик даражасини аниқлаш;
- тест топшириғини бажаришда сарфланадиган ўртача вақт қийматини белгилаш (сонияларда);
- тест саволи ва жавобида берилган гапларнинг мазмунини дидактик ва психологик жиҳатдан текшириш;
- тест топшириғининг когнитив даражаси тўғри қўйилганлигини текшириш;
- тест топшириғининг манбаларини текшириш;
- тест топшириғидаги муқобил жавобларнинг аҳамиятлилигини текшириш;
- тест жавоблари ҳажмининг бир хиллигини текшириш;
- тест топшириқларининг ўзаро муносабатларини аниқлаш.

Таъкидлаш керакки, тест топшириқлари сифатини ўрганаётганда уларнинг ҳар бир таркибий қисмини нафақат алоҳида, балки бошқа тест топшириқлари билан муносабатлар тизимида ҳам баҳолаш зарур. Шундагина тест топшириқлари сифатига берилган баҳо объектив бўлади. Бу эса таълим самарадорлигини оширади.

Умуман олганда, ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш учун тузилган тест топшириқлари юқоридаги талаблар асосида эксперизадан ўтказилса, уларнинг сифати назарий жиҳатдан таъминланади. Тест топшириқлари бир неча марта тажриба-синовдан ўтказилиб, статистик таҳлиллари натижасида чиқарилган тавсиялар асосида ўзгартиришлар киритилгач, ҳақиқий сифати кўринади.

III БОБ. ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎҚИБ ТУШУНИШ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛОВЧИ ТОПШИРИҚЛАР САМАРАДОРЛИГИ

3.1. Ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари мазмуни

Умумий ўрта таълимда она тили таълимининг асосий мақсади ўқувчиларда она тилида нутқ вазиятидан келиб чиқиб кўзлаган мақсадига мувофиқ тарзда ўз фикрини оғзаки ва ёзма шаклларда равон ва таъсирчан ифодалай олиш, шунингдек, мулоқот жараёнида ўзгалар фикрини контекстга мос тарзда тўғри тушуниш кўникмасини шакллантириш. Бу – ҳозирги глобал замоннинг энг асосий талаби. Негаки ахборотларнинг фаол алмашинуви кишиларни мулоқот жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириб қўйди. Бу жараён шунчалар фаоллашдики, ахборотни саралаш, уни тўғри тушуниш, идрок қилиш, ҳар бир контекстни онгли шахс сифатида ҳал қилиш энг муҳим масалалардан бирига айланди. Шунинг учун ҳам она тили таълимида ўқувчиларда ҳаётни, ундаги воқеликни идрок қилиш, ўзгаларни тушуниш, мулоқот вазиятларини тўғри англаб, шунга мос тарзда жавоб қайтариш ҳамда вербал, новербал, визуал ахборотларни фаҳмлаш кўникма ва малакаларини ривожлантириш устувор масалалардан бирига айланди. Жумладан, ўқиб тушуниш, тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантиришга амалдаги ДТС ҳамда компетенциявий ўқув дастурида алоҳида эътибор қаратилган, янги авлод дарсликларида ҳам ўқувчиларда англаш – ўқиб, эшитиб, кўриб тушуниш малакаларини ривожлантирувчи топшириқлари ўрин олмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда, умумий ўрта таълим йўналишида тадқиқ қилиниши лозим бўлган муҳим масалалар тизимида ўқувчиларда ўқиб тушуниш малакасини шакллантиришнинг педагогик тизимини ҳамда уларни баҳолаш мезони, методикасини ишлаб чиқиш, уни татбиқ этишнинг янгича ёндашувларини жорий этиш ва амалиётда синаб кўриш муҳим педагогик муаммо.

Тажриба-синов – илмий тадқиқотнинг энг сермахсул усули, у ўрганишлар натижасида туғилган ғоя, тақдим этилган тавсия ва ишлаб чиқилган ўқув топшириқларининг самарадорлик даражасини аниқлаб беради.

Тажриба-синов ишларининг асосий мақсади ҳам битирувчи синфларда она тили фанининг бирламчи компетенцияси – нутқий компетенциялардан бири бўлган ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш

мезонларини ишлаб чиқиш, шу орқали ўқувчиларда нутқни тўғри идрок этиш, матнни тўлиқ ўзлаштириш, ҳаётий вазиятга тўғри баҳо бера олиш, “сабаб-оқибат-ечим”, “қиёслаш”, “изчиллик” қонуниятини англаш кўникмаларини шакллантиришнинг дидактик имкониятларини ўрганиш ва мазкур жараёнга янгича усулларни жорий этиш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тажриба жараёнида битирувчи синфларнинг ўқилган матнларни тушуниш даражаси аниқланди, уларнинг турли услуб ва мавзудаги матнларни ўқиб идрок қилиш, ўқилган матнни ўзлаштириш даражаси белгиланди ва ўқиб тушуниш даражасини аниқлашга қўйилган талаблар синовдан ўтказилди.

Тажриба-синов ишларининг мақсадини амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар бажарилди:

- ўқитувчилар ўртасида сўровнома ўтказилди;
- ўқитувчилар ишлаб чиқилган илмий-методик тавсиялар билан таништирилди;
- ишлаб чиқилган илмий-методик тавсиялар дарс жараёнига тўлиқ татбиқ этилди;
- олинган натижаларга асосида ишлаб чиқилган илмий-методик тавсиялар такомиллаштирилди;
- битирувчи синфларнинг ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш орқали ўқиб тушуниш кўникмасини шакллантиришнинг ёритилмаган қирралари аниқланди ва уларни шакллантириш учун методик тавсиялар берилди.

Умумтаълим мактаблари она тили таълимида ўқувчиларнинг ўқиб тушуниш даражасининг бугунги ҳолатини аниқлаш мақсадида дастлаб тажриба-синов майдончалари аниқлаб олинди. Тажриба-синов ишлари Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги 33- мактабда; Наманган вилояти Чуст шаҳридаги 1-мактабда; Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 21-мактабда; Андижон шаҳри Балиқчи туманидаги 25-мактабда ва Жалақудуқ туманидаги 48-мактабда ва Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 46-мактабда ўтказилди.

Аввало, тажриба-синов ўтказилаётган мактабларнинг она тили ва адабиёт ўқитувчилар ўртасида сўровнома ўтказдик. Сўровнома саволлари қуйидагича келтирилади.

1. Она тили таълими жараёнида ўқувчиларда қандай компетенциялар ривожлантирилади?
2. Нутқий малакаларнинг қандай турлари бор?
3. Она тили таълимида ўқиб тушуниш кўникмаси деганда нимани

тушунасиз?

4. Ўқиб тушуниш кўникмаси билан боғлиқ муаммога дуч келганмисиз?

5. Она тили таълимида ўқиб тушуниш кўникмасини ривожлантиришга эҳтиёж борми? Бўлса, изоҳланг.

6. Она тили таълимида ўқиб тушуниш кўникмасини баҳолаш мумкинми?

7. Она тили таълимида ўқиб тушуниш кўникмасини баҳолаш мезонлари ҳақида тасаввурга эгамисиз?

8. Қайси услубдаги матнларни ўқиб тушунишда қийинчиликлар юзага келади?

“Она тили таълимида ўқиб тушуниш малакасининг ўрни” мавзусида олинган сўровномада иштирок этган она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг айримлари касбига муносабати нуқтаи назаридан жавоб берган бўлса, айримлари баҳоли қудрат жавоб берган. Масалан, биринчи саволга кўпчилик ўқитувчилар бир хил жавоб беришган, яъни “лингвистик ва нутқий компетенциялар” деб. Айримлар эса аниқ жавоб бера олмаган. Иккинчи саволга кўпчилик тўғри жавоб берган, айримлар эса “ёзма ва оғзаки нутқ” деган жавобни беришган. Навбатдаги саволга деярли барча ўқитувчилар “матнни ифодали ўқиш” ёки “ифодали ўқиб тушуниш” дея жавоб ёзишган. Айримлар “Матнни ўқиб идрок қилиш” дея жавоб беришган. Кейинги сўроққа кўпчилик қисқа қилиб “Йўқ” деган. Айримлар “Ҳа, узун ҳажмли матнларда” деган жавобни қолдирган. Навбатдаги саволга эса кўпчилик “бошланғич синфларда” дейишган. Баъзилар эса “Ҳа, керак” дейишган. Олтинчи саволга барча ўқитувчилар “Ҳа” деб жавоб ёзишган. Еттинчи саволга эса “Ҳа, ўқиш тезлигини аниқлаш”, “Ифодали ўқишини баҳолаш” мазмунидаги жавоб ёзишган. “Матнни ўқиб тўғри тушунишга нималар таъсир қилади?” саволига жуда кам ўқитувчилар жавоб ёза олган. Қолган аксарият ўқитувчилар жавоб ёзмаган. Юқоридаги сўровнома таҳлилидан кўриниб турибдики, “она тили таълимида ўқиб тушуниш” атамасини кўпчилик ўқитувчи “матнни ўқиш” яъни тез ва сифатли ўқиш деб тушунишининг гувоҳи бўламиз. Бу эса ўқиб тушуниш кўникмаси гарчи ДТС ва ўқув дастурда келтирилган бўлса ҳам, тасаввур етарли эмаслигини кўрсатади. Бу – бугунги кун мактаб таълимидаги хавотирга солгулик жиҳат. Шунинг учун ўқиб тушуниш малакасини ривожлантириш ва баҳолаш юзасидан услубий-методик қўлланмалар ва топшириқлар тўпламларига катта эҳтиёж борлиги билинади.

Шундан сўнг тажриба-синовларини ўтказдик. Тажриба-синовда жами 274 нафар ўқувчи иштирок этди. Шундан 147 таси синов гуруҳига, 127 нафари назорат гуруҳи сифатида тақсимланди. Тажрибанинг дастлабки кунда назорат синфларидан ҳам, тажриба синфларидан бадий услубга, расмий услубга, публицистик услубга, илмий-оммабоп услубга оид яхлит ва яхлит бўлмаган матнлар асосида тузилган 30 та тест топшириғидан иборат бўлган вариант асосида ўқиб тушуниш малакаси баҳоланди. Баҳолаш мезони кўп балли (60 балл) тизим асосида амалга оширилиб, “баҳо” шкаласига айлантирилди. Яъни “2”, “3”, “4”, “5” баҳоли тизимида баҳоланди. Бизга иккала гуруҳнинг ҳам ўқиб тушуниш малакаси деярли бир хил ва жуда паст эканлиги маълум бўлди. Бирор бир гуруҳда “5” баҳо олганлар деярли қайд этилмаганининг гувоҳи бўлдик.

Шундан сўнг ҳар бир услубга оид матнни ўқиб тушунишида эътибор қилинадиган конструктлар юзасидан ўқитувчиларга тавсиялар берилди. Ўқувчиларда ўқиб тушуниш малакасини ривожлантиришга йўналтирилган синов дарслари ташкил этилди. Услубий материаллар, топшириқлар тўплами билан таъминланди.

Ўқувчиларда ўқиб тушуниш кўникмасини ривожлантириш дарслари қуйидаги тартибда ташкил этилди.

I. Бадий матнни ўқиб тушунишни ривожлантириш дарслари.

II. Публицистик матнни ўқиб тушунишни ривожлантириш дарслари.

III. Расмий матнни ўқиб тушунишни ривожлантириш дарслари.

IV. Илмий матнни ўқиб тушунишни ривожлантириш дарслари.

Қуйида мазкур дарсларда ўқувчиларда қандай кўникма ва малакалар ривожлантирилгани келтирилади.

I. Бадий матнни ўқиб тушунишни ривожлантириш дарслари.

Мазкур дарсларда битирувчи синф ўқувчиларида шаклланган бадий матнни ўқиб тушуниш кўникмаси янада ривожлантирилди ва баҳолаб борилди. Ўқув йили давомида ўқувчиларда бадий матнни ўқиб тушуниш билан боғлиқ қуйидаги кўникмалар ривожлантирилди.

– бадий матнда кўчма маънода ишлатилган лексик бирликларнинг маъносини англаш;

– бадий матндаги ибора, мақол, ҳикматли сўзлар маъносини тушуниш;

– бадий матнда қўлланган синтактик birlikнинг вазифасини англаш;

- бадий матн қисмларининг умумий маъносини тушуниш;
- бадий матнда яширин ифодаланган маълумотларни идрок этиш;
- бадий матндаги мазмуний боғланишларни англаш;
- бадий асардаги образларга тавсиф бериш;
- бадий асардаги нутқий вазиятларда қаҳрамонлар тилидан айтилган жумлаларнинг моҳиятини фаҳмлаш;
- бадий матннинг умумий маъносини тушуниш;
- бадий матн ғоясини идрок этиш;
- бадий матнга сарлавҳа қўйиш;
- бадий матнда муаллиф мақсадини тушуниш;
- бадий матн мазмунига баҳо бериш ва бошқалар.

Бу кўникмалар матн асосида қуйида келтирилган топшириқларга ўхшаш тест топшириқлари асосида қайта-қайта ўтилган дарс машғулотида баҳоланди ва ўқиб тушуниш малакаси ривожлантирилди:

► **Ажратиб кўрсатилган “мук тушиб” иборасининг матндаги маъносини аниқланг.**

► **Ҳикояда Полвон тоғанинг аёли нутқида келтирилган “О, шўр бошим, шўргина бошим!” жумлалари асосида уни қандай аёл дейиш мумкин?**

► **Муаллиф ҳикояда “Ўзбекнинг соддаси” деб кимни назарда тутяпти? Бу соддаликмми?**

II. Публицистик матнни ўқиб тушунишни ривожлантириш дарслари.

Мазкур дарсларда битирувчи синф ўқувчиларида публицистик услубга оид чизмали, диаграммали, жадвалли, харитали яхлит бўлмаган матнларни ўқиб тушуниш кўникмаси шакллантирилди, ривожлантирилди ва баҳолаб борилди. Ўқув йили давомида ўқувчиларда яхлит бўлмаган матнни ўқиб тушуниш билан боғлиқ қуйидаги кўникмалар ривожлантирилди:

- матнда берилган маълумотларни тушуниб, кераклисини топа олиш ва идрок қилиш;
- чизмаларда, жадвалларда ва хариталарда ифодаланган матнларни англаш;
- матнда яширин ифодаланган маълумотларни идрок этиш;
- матндаги вербал ва визуал маълумотлар ўртасидаги боғлиқликларни тушуниш;
- матн қисмлари орасидаги боғлиқликни англаш;

– матннинг ёки унинг қисмларининг умумий маъносини тушуниш ва бошқалар.

Мазкур кўникмалар матн асосида қуйида келтирилган топшириқларга ўхшаш тест топшириқлари асосида қайта-қайта ўтилган дарс машғулотларида баҳоланди ва ўқиб тушуниш малакаси ривожлантирилди:

► Берилган маълумотлар ва унга алоқадор визуал маълумотларни ўзаро мослаштиринг.

► 2018 йилги маълумотларга кўра, Ўзбекистон аҳоли сони бўйича дунёда нечанчи ўринда туради?

► 1-жадвалда нима ҳақида маълумот берилган?

III. Расмий матнни ўқиб тушунишни ривожлантириш дарслари.

Мазкур дарсларда битирувчи синф ўқувчиларида қонун ва қонунчиликка оид матнларни, йўриқномаларни, реклама эълонларини ўқиб тушуниш кўникмаси шакллантирилди, ривожлантирилди ва баҳолаб борилди. Ўқув йили давомида ўқувчиларда расмий услубга оид матнларни ўқиб тушуниш билан боғлиқ қуйидаги кўникмалар ривожлантирилди:

– расмий матнда ўз маъносида ишлатилган лексик бирликларнинг маъносини тушуниш;

– расмий матнда ишлатилган тил бирликларнинг матндаги вазифасини тушуниш;

– расмий матннинг мазмуний блокларини идрок қилиш;

– расмий матннинг қисмларининг умумий маъносини тушуниш;

– расмий матндаги мазмуний боғланишларни англаш;

– расмий матндаги маълумотлардан реал ҳаётда фойдалана олиши;

– расмий матннинг умумий маъносини тушуниш ва бошқалар.

Мазкур кўникмалар матн асосида қуйида келтирилган топшириқларга ўхшаш тест топшириқлари асосида қайта-қайта ўтилган дарс машғулотларида баҳоланди ва ўқиб тушуниш малакаси ривожлантирилди:

► Ажратиб кўрсатилган “мустасно” сўзининг матндаги мазмунини аниқланг.

► Ажратиб кўрсатилган “шунингдек” бирлиги матнда қандай мазмунни ифодалаяпти?

► Етмиш кун олдин қон топширган 30 ёшли соғлом эркак киши яна қон топшириши мумкинми ёки қачон қон топширишга

рухсат берилади?

► Бола дунёга келди. Ота-онаси келишиб унга Юсуф деб исм қўйишди. Бу исм унга ёқар эди. У ўн икки ёшда эди, улар яшайдиган маҳаллада Юсуф деган гиёҳванд, ақли ноқис, безори йигит пайдо бўлди. Шунда ота-она ундан сўрамасдан боланинг исмини ўзгартириб келишди. Шу тўғрими?

IV. Илмий матнни ўқиб тушунишни ривожлантириш дарслари.

Мазкур дарсларда битирувчи синф ўқувчиларида илмий услубга оид матнларни, мақолаларни, маълумотларни ўқиб тушуниш кўникмаси шакллантирилди, ривожлантирилди ва баҳолаб борилди. Ўқув йили давомида ўқувчиларда илмий матнларни ўқиб тушуниш билан боғлиқ қуйидаги кўникмалар ривожлантирилди:

– илмий матнда аниқ ифодаланган маълумотни топа олиш ва тушуниш;

– илмий матнда очик ифодаланган маълумотларни тушуниш;

– илмий матндаги тушунчалар моҳиятини англаш;

– илмий матн қисмлари орасидаги боғлиқликни тушуниш;

– матннинг ёки унинг қисмларининг умумий маъносини тушуниш ва бошқалар.

Мазкур кўникмалар матн асосида қуйида келтирилган топшириқларга ўхшаш тест топшириқлари асосида қайта-қайта ўтилган дарс машғулотида баҳоланди ва ўқиб тушуниш малакаси ривожлантирилди:

► **Жигарда ишлаб чиқилган глюкозанинг қанча қисми бош мия фаолияти учун сарфланади?**

► **Берилган маълумотлар ва унга алоқадор тушунчаларни ўзаро мослаштиринг.**

► **Энг мустаҳкам жисмлардан бири – олмос. У 3600° да ёниб кулга айланади. Чакмоқ олмосни ёндириб кулга айлантира оладими?**

Умуман олганда, мазкур ривожлантирувчи дарслар, уларда ташкил этилган баҳолаш жараёнлари орқали ўқувчиларда матнни ўқиб тушуниш малакаси, нутқий вазиятларда олинган ахборотларни тўғри фаҳмлаш, бир сўз билан айтганда, ўқувчиларда тушуниш, ахборотни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган кўникмалар шаклланиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда замонавий бадиий асардан парча, хат, ҳужжат, газета ва журналлардан олинган мақолалар, турли

қўлланмалар, географик хариталардан олинган турли мавзудаги матнни, таркибида очиб беришга мўлжалланган диаграммалар, расмлар, хариталар, график ва жадваллар берилган матнни тушуниши, мазмуни ҳақида фикр юрита олиш, матн мазмунига баҳо бериш ва ўқиганлари ҳақида ўз мулоҳазаларини билдира олиши каби кўникмаларни текширадиган конструкторлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

3.2. Ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили

Тажриба-синов маълум маънода ўз олдига қўйган мақсадни ва ундан келиб чиқувчи вазифаларни уддалади. Буни қуйидаги жадвалларда аниқ кўриш мумкин.

Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги 33-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг ўзлаштириш даражалари

3.2.1-жадвал

Баҳолана- диган кўникма ва малакалар	Синф, синф тури (назорат ёки тажриба)	Ўқув- чилар сони	Ўқувчилар сони							
			“аъло” (5)		“яхши” (4)		“қониқарли” (3)		“қониқар- сиз” (2)	
			Т.б.	Т.я.	Т.б.	Т.я.	Т.б.	Т.я.	Т.б.	Т.я.
Бадий матнни ўқиб тушуниш	11-“А” синф, тажриба	28	4	5	10	10	10	10	4	3
	11-“Б” синф, назорат	27	4	4	9	9	9	10	5	4
Расмий услуга хос матнни ўқиб тушуниш	11-“А” синф, тажриба	28	3	5	10	13	9	8	6	2
	11-“Б” синф, назорат	27	3	2	9	9	10	11	5	5
Публицис- тик матнни ўқиб тушуниш (чизма, диаграмма ли матн)	11-“А” синф, Тажриба	28	2	5	7	10	11	9	8	4
	11-“Б” синф, назорат	27	1	1	7	8	12	12	7	6
Илмий- оммабоп матнни ўқиб тушуниш	11-“А” синф, тажриба	28	1	5	8	10	12	9	7	4
	11-“Б” синф, назорат	27	1	1	7	8	11	11	8	7

Умумий баҳо	11-“А” синф, тажриба	28	2	5	9	12	10	8	6	3
	11-“Б” синф, назорат	27	3	2	8	8	10	12	6	5
Ўртачаси	11-“А” синф, тажриба	28	2	5	9	12	10	8	6	3
	11-“Б” синф, назорат	27	3	2	8	8	10	12	6	5

Наманган вилояти Чуст шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг ўзлаштириш даражалари

3.2.2-жадвал

Баҳолана-диган кўникма ва малакалар	Синф, синф тури (назорат ёки тажриба)	Ўқувчилар сони	Ўқувчилар сони							
			“аъло” (5)		“яхши” (4)		“қониқарли” (3)		“қониқарсиз” (2)	
			Т.б.	Т.я.	Т.б.	Т.я.	Т.б.	Т.я.	Т.б.	Т.я.
Бадиий матнни ўқиб тушуниш	11-“А” синф, тажриба	33	6	7	12	12	11	12	4	2
	11-“Б” синф, назорат	28	5	5	10	9	10	11	3	3
Расмий услуга хос матнни ўқиб тушуниш	11-“А” синф, тажриба	33	5	6	11	12	12	13	5	2
	11-“Б” синф, назорат	28	4	3	10	11	9	10	5	6
Публицистик матнни ўқиб тушуниш (чизма, диаграмма ли матн)	11-“А” синф, тажриба	33	2	6	9	11	13	11	9	5
	11-“Б” синф, назорат	28	2	2	8	9	11	10	7	8
Илмий-оммабоп матнни ўқиб тушуниш	11-“А” синф, тажриба	33	2	5	10	14	13	9	8	5
	11-“Б” синф, назорат	28	2	1	10	11	9	10	7	6
Умумий баҳо	11-“А” синф, тажриба	33	3	6	9	13	12	11	7	3

	11-“Б” синф, назорат	28	3	3	9	10	10	10	5	5
Ўртачаси	11-“А” синф, тажриба	33	3	6	9	13	12	11	7	3
	11-“Б” синф, назорат	28	3	3	9	10	10	10	5	5

Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 21-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг ўзлаштириш даражалари

3.2.3-жадвал

Баҳолана- диган кўникма ва малакалар	Синф, синф тури (назорат ёки тажриба)	Ўқув- чилар сони	Ўқувчилар сони							
			“аъло” (5)		“яхши” (4)		“қониқарли” (3)		“қониқар- сиз” (2)	
			Т.б.	Т.я.	Т.б.	Т.я.	Т.б.	Т.я.	Т.б.	Т.я.
Бадий матнни ўқиб тушуниш	11-“А” синф, тажриба	16	3	4	5	6	6	5	3	1
	11-“Б” синф, назорат	15	2	2	5	5	5	6	3	2
Расмий услуга хос матнни ўқиб тушуниш	11-“А” синф, тажриба	16	2	4	5	7	6	3	3	2
	11-“Б” синф, назорат	15	2	2	5	6	5	5	3	2
Публицис- тик матнни ўқиб тушуниш (чизма, диаграмма ли матн)	11-“А” синф, тажриба	16	1	3	4	6	7	5	4	2
	11-“Б” синф, назорат	15	1	1	4	5	6	5	4	4
Илмий- оммабоп матнни ўқиб тушуниш	11-“А” синф, тажриба	16	1	4	4	7	5	3	6	2
	11-“Б” синф, назорат	15	1	1	5	5	5	6	4	3
Умумий баҳо	11-“А” синф, тажриба	16	2	4	4	7	6	3	4	2
	11-“Б” синф, назорат	15	1	2	5	5	5	5	4	3

Ўртачаси	11-“А” синф, тажриба	16	2	4	4	7	6	3	4	2
	11-“Б” синф, назорат	15	1	2	5	5	5	5	4	3

**Андижон вилояти Балиқчи туманидаги 25-умумтаълим мактаби
ўқувчиларининг ўзлаштириш даражалари**

3.2.4-жадвал

Баҳоланади ган кўникма ва малакалар	Синф, синф тури (назорат ёки тажриба)	Ўқув- чилар сони	Ўқувчилар сони							
			“аъло” (5)		“яхши” (4)		“қониқарли” (3)		“қониқар- сиз” (2)	
			Т.б.	Т.я.	Т.б.	Т.я.	Т.б.	Т.я.	Т.б.	Т.я.
Бадиий матнни ўқиб тушуниш	11-“А” синф, тажриба	18	3	4	8	9	6	4	1	1
	11-“Б” синф, назорат	19	3	3	7	8	7	6	2	2
Расмий услуга хос матнни ўқиб тушуниш	11-“А” синф, тажриба	18	1	4	6	7	7	5	4	2
	11-“Б” синф, назорат	19	1	2	7	8	8	7	3	2
Публицис- тик матнни ўқиб тушуниш (чизма, диаграммал и матн)	11-“А” синф, тажриба	18	1	3	5	8	6	5	6	2
	11-“Б” синф, назорат	19	1	1	6	7	7	6	5	5
Илмий- оммабоп матнни ўқиб тушуниш	11-“А” синф, тажриба	18	1	4	5	8	8	4	4	2
	11-“Б” синф, назорат	19	1	1	6	5	7	8	5	5
Умумий баҳо	11-“А” синф, тажриба	18	2	4	6	8	6	4	4	2
	11-“Б” синф, назорат	19	2	2	6	7	7	6	4	4
Жами	11-“А” синф, тажриба	72	6	12	24	32	27	21	15	7

	11-“Б” синф, назорат	76	6	7	26	28	29	27	15	14
Ўртачаси	11-“А” синф, тажриба	18	2	4	6	8	6	4	4	2
	11-“Б” синф, назорат	19	2	2	6	7	7	6	4	4

**Андижон вилояти Жалакудук туманидаги 48-умумтаълим
мактаби ўқувчиларининг ўзлаштириш даражалари**

3.2.5-жадвал

Баҳолана- диган кўникма ва малакалар	Синф, синф тури (назорат ёки тажриба)	Ўқув- чилар сони	Ўқувчилар сони							
			“аъло” (5)		“яхши” (4)		“қониқарли” (3)		“қониқар- сиз” (2)	
			Т.б.	Т.я.	Т.б.	Т.я.	Т.б.	Т.я.	Т.б.	Т.я.
Бадиий матнни ўқиб тушуниш	11-“А” синф, тажриба	25	4	6	9	11	10	7	2	1
	11-“Б” синф, назорат	17	3	2	5	4	5	6	4	5
Расмий услуга хос матнни ўқиб тушуниш	11-“А” синф, тажриба	25	3	6	8	12	11	5	3	2
	11-“Б” синф, назорат	17	2	2	4	5	7	6	4	4
Публицис- тик матнни ўқиб тушуниш (чизма, диаграмма ли матн)	11-“А” синф, тажриба	25	2	5	6	8	11	9	6	3
	11-“Б” синф, назорат	17	1	1	4	3	7	8	5	5
Илмий- оммабоп матнни ўқиб тушуниш	11-“А” синф, тажриба	25	1	3	7	11	10	8	7	3
	11-“Б” синф, назорат	17	1	1	4	5	6	5	6	6
Умумий баҳо	11-“А” синф, тажриба	25	3	5	8	11	10	7	6	2
	11-“Б” синф, назорат	17	2	2	4	4	6	6	5	5

Ўртачаси	11-“А” синф, тажриба	25	3	5	8	11	10	7	6	2
	11-“Б” синф, назорат	17	2	2	4	4	6	6	5	5

**Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 46-умумтаълим
мактаби ўқувчиларининг ўзлаштириш даражалари**

3.2.6-жадвал

Баҳолана- диган қўникма ва малакалар	Синф, синф тури (назорат ёки тажриба)	Ўқув- чилар сони	Ўқувчилар сони							
			“аъло” (5)		“яхши” (4)		“қониқарли” (3)		“қониқар- сиз” (2)	
			Т.б.	Т.я.	Т.б.	Т.я.	Т.б.	Т.я.	Т.б.	Т.я.
Бадиий матнни ўқиб тушуниш	11-“А” синф, тажриба	27	6	9	10	9	7	7	4	2
	11-“Б” синф, назорат	20	3	3	5	6	8	8	5	4
Расмий услуга хос матнни ўқиб тушуниш	11-“А” синф, тажриба	27	5	8	8	11	8	6	6	2
	11-“Б” синф, назорат	20	2	2	5	6	7	7	6	6
Публицис- тик матнни ўқиб тушуниш (чизма, диаграмма ли матн)	11-“А” синф, тажриба	27	2	8	7	10	10	6	8	3
	11-“Б” синф, назорат	20	2	2	5	6	8	7	6	6
Илмий- оммабоп матнни ўқиб тушуниш	11-“А” синф, тажриба	27	2	7	7	10	11	9	7	3
	11-“Б” синф, назорат	20	2	1	5	5	8	8	6	7
Умумий баҳо	11-“А” синф, тажриба	27	4	8	8	11	9	7	6	2
	11-“Б” синф, назорат	20	2	2	5	4	8	9	6	6
Ўртачаси	11-“А” синф, тажриба	27	4	8	8	11	9	7	6	2

11-“Б” синф, назорат	20	2	2	5	6	8	7	6	6
----------------------------	----	---	---	---	---	---	---	---	---

Битирувчи синф ўқувчиларида ўқиб тушуниш малакасининг шаклланганлик даражаси

3.2.7-жадвал

Мактаблар	Ўқувчилар сони	ТАЖРИБА-СИНОВ БОШИДА								ТАЖРИБА-СИНОВ ЯКУНИДА												
		“аъло” (5)		“яхши” (4)		“қоникарли” (3)		“қоникарсиз” (2)		“аъло” (5)		“яхши” (4)		“қоникарли” (3)		“қоникарсиз” (2)						
	Т	Н	Т	Н	Т	Н	Т	Н	Т	Н	Т	Н	Т	Н	Т	Н						
Фарғона шаҳридаги 33-мактаб	28 27	2	3	9	8	1	0	1	0	6	6	5	2	1	2	8	8	1	2	3	5	
Чуст шаҳридаги 1-мактаб	33 28	3	3	9	9	1	2	1	0	7	5	6	3	1	3	1	0	1	1	0	3	5
Гурлан туманидаги 21-мактаб	16 15	2	1	4	5	6	5	4	4	4	4	2	7	5	3	5	2	3				
Балиқчи туманидаги 25-мактаб	18 19	2	2	6	6	6	7	4	4	4	4	2	8	7	4	6	2	4				
Жалақудук туманидаги 48-мактаб	25 17	3	2	8	4	1	0	6	6	2	5	2	1	1	4	7	6	2	4			
Пайариқ туманидаги 46-мактаб	27 20	4	2	8	5	9	8	6	6	8	2	4	4	7	9	2	6					
Жами	147 127	16	14	44	38	55	43	43	33	22	23	9	24	16	34	40	47	14	47	14	27	
% да	147 127	10.9	11.2	30.0	29.5	37.3	33.5	29.2	25.2	14.9	18.1	15.7	16.2	23.8	27.6	32.3	36.6	9.5	36.2	9.1	21.2	

3.2.7-жадвал натижаларига асосланган ҳолда битирувчи синф ўқувчиларида ўқиб тушуниш малакасининг шаклланганлик даражасини аниқлаш юзасидан тажриба боши ва якунидаги натижаларни аниқлаш бўйича тажриба ҳамда назорат гуруҳларидаги ўзлаштиришлари математик-статистика методи ёрдамида таҳлил қилинди. Тажриба-синовда 300 нафарга яқин ўқувчи қатнашди. Ҳисоблаш қулай бўлиши учун репрезентатив равишда тажриба-синов ўтказган ҳар бир мактабдан биттадан синф олиб 274 нафар ўқувчи билан ўтказилган синов натижаларини кўриб чиқамиз. Шундан 147 нафар ўқувчи тажриба гуруҳида ва 127 нафар ўқувчи назорат гуруҳида қатнашишди.

Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган – бири ўқувчиларнинг тажрибагача билимининг ўртача баллари, иккинчиси эса ўқувчиларнинг тажриба охиридаги билимининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга. Бундай фараз ўринли, чунки меъёردаги тақсимотга яқинлашиш шартлари содда, улар бажарилади.

3.2.1-жадвал асосида тажриба ва назорат гуруҳи ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи H_1 гипотеза ва унга зид бўлган H_0 гипотезани танлаймиз.

Битирувчи синф ўқувчиларида ўқиб тушуниш малакасининг ўзлаштириш даражасининг тажриба бошидаги самарадорлик кўрсаткичлари

3.2.8-жадвал

	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражаси			
		“аъло” (5)	“яхши” (4)	“қониқар- ли” (3)	“қониқар- сиз” (2)
Тажриба гуруҳ	147	16	44	53	33
Назорат гуруҳи	127	15	38	45	29

Тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва ўқувчилар сонини мос равишда X_n, n_n лар ва шу каби назорат гуруҳидагини эса Y_n, n_n лар орқали белгилаб олиб, қуйидаги статистик гуруҳланган вариацион қаторларга эга бўламиз, шунингдек, “аъло” кўрсаткични 5 балл билан, “яхши” кўрсаткични 4 балл билан, “қониқарли” кўрсаткични 3 балл билан ва “қониқарсиз” кўрсаткични 2 балл билан белгилаймиз.


Тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари

$$\begin{cases} X_i & 5, & 4, & 3, & 2 \\ \{n_i & 16, & 44, & 53, & 33 \quad (n = 147) \end{cases}$$

Назорат гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари

$$\begin{cases} Y_j & 5, & 4, & 3, & 2 \\ \{m_j & 15, & 38, & 45, & 29 \quad (m = 127) \end{cases}$$

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидагича кўринишни олади:



3.1-расм.

Статистик таҳлилни ҳар икки гуруҳ бўйича ўртача ўзлаштиришларини ҳисоблаб, қиёслашдан бошлаймиз. Ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидаги натижаларни берди:

$$\bar{x} = \frac{1}{n} \cdot \sum_{i=1}^N n_i \cdot x_i \approx 3,295; \quad \bar{y} = \frac{1}{m} \cdot \sum_{j=1}^M m_j \cdot y_j \approx 3,294.$$

Нисбий ўзлаштириш коэффициенти $K = \frac{\bar{x}}{\bar{y}} = \frac{3,295}{3,294} \approx 1$ ҳамда ўртача айирма коэффициенти эса $L = \bar{x} - \bar{y} = 3,295 - 3,294 = 0,1$ қийматга тенг, ўртача ўзлаштиришлар бўйича фарқ сезилмайди. Бундан аниқки, тажриба бошида ўқувчиларнинг ўқиб тушиниш малакасининг ўртача даражаси тенг. Битирувчи синфларда она тилидаги матнни ўқиб тушуниш малакасини шакллантирганлигининг ўзлаштириш ва самарадорлик даражасини аниқлаш юзасидан тажриба бошида ўтказилган тажриба-синов ишларида ҳеч қандай самарадорликка эришилмагани кўриниб турибди. Яъни тажриба ва синов гуруҳи ўқувчиларини танлашда билим даражаси деярли тенг бўлган ўқувчилар танлаб олинган.

Энди тажриба якунидаги натижаларни статистик таҳлилни келтирамиз. Дастлаб Excel дастури орқали ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи, дисперция, ўртача квадратик четланишни топиб оламиз. Бунинг учун 3.2.9-жадвалдан тажриба якунидаги кўрсаткичларни тажриба ва назорат гуруҳларидаги натижалар асосида қуйидаги жадвалда акс эттирамиз:

Битирувчи синф ўқувчиларида ўқиб тушуниш малакасини шаклланганлик даражасининг тажриба якунидаги самарадорлик кўрсаткичлари

3.2.9-жадвал

	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражаси			
		“аъло” (5)	“яхши” (4)	“қониқарли” (3)	“қониқарсиз” (2)
Тажриба гуруҳ	147	32	62	40	14
Нazorat гуруҳи	127	14	39	47	27

Худди юқоридагидек белгилашлар киритиш натижасида қуйидагиларга эга бўламиз:


Тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари–

$$\begin{cases} X_i & 5, 4, 3, 2 \\ n_i & 32, 62, 40, 14 \end{cases} (n = 147)$$

Нazorat гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари–

$$\begin{cases} Y_j & 5, 4, 3, 2 \\ m_j & 14, 39, 47, 27 \end{cases} (m = 127)$$

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидагича кўринишни олади:



3.2-расм

$$\bar{x} = \frac{1}{n} \cdot \sum_{n=1}^N n_i \cdot x_i \approx 3,76; \quad \bar{y} = \frac{1}{m} \cdot \sum_{j=1}^M m_j \cdot y_j \approx 3,31.$$

Нисбий ўзлаштириш коэффициенти $K = \frac{\bar{x}}{\bar{y}} = \frac{3,76}{3,31} = 1,13$ ҳамда ўртача айирма коэффициенти эса $L = \bar{x} - \bar{y} = 3,76 - 3,31 = 0,45$ қийматга тенг, ўртача ўзлаштиришлар бўйича фарқ сезиларли. Бу эса тажриба гуруҳлари ўқувчиларининг ўзлаштириш кўрсаткичи 1,13 баробар юқори эканлигини кўрсатиб турибди. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари тарқоқлигини янада аниқроқ кўрсатиш учун вариацион коэффициентларни таққослаймиз.

$$V = \frac{\sigma_T}{\bar{x}} \cdot 100\%$$

Бу ерда, $\sigma_T = \sqrt{D_T}$ ўртача квадратик четланиш, D_T эса танланма дисперцияси. Тажриба ва назорат гуруҳлари учун D_x , D_y дисперцияларни ва σ_x , σ_y ўртача квадратик четланишларни ҳисоблаймиз:

$$D_x = \sum_{i=1}^4 \frac{n_i \cdot (x_i - \bar{x})^2}{n} \approx 0,81; \quad D_y = \sum_{i=1}^4 \frac{m_i \cdot (y_i - \bar{y})^2}{m} \approx 0,86;$$

Ўртача квадрат четланиш: $\sigma_x = \sqrt{0,81} = 0,9$; $\sigma_y = \sqrt{0,86} = 0,93$.

Тажриба ва назорат гуруҳлари учун вариация коэффициентларини ҳисоблаймиз:

$$V_x = \frac{0,81}{3,76} \cdot 100\% = 23,89\%, \quad V_y = \frac{0,86}{3,31} \cdot 100\% = 29\%.$$

Кўришиб турибдики, $V_x < V_y$ эканлигидан тажриба гуруҳларидаги ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари назорат гуруҳларидаги ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларига қараганда камроқ тарқоқликка эга. Демак, синов гуруҳларининг ўзлаштириш кўрсаткичи назорат гуруҳларининг ўзлаштириш кўрсаткичидан юқори эканлиги яна бир бор намоён бўлди.

Энди иккита бош тўпламнинг номаълум ўрта қийматларига ўхшашлигини ҳисобга олиб Стюдентнинг танланмали мезони асосида нолинчи гипотезани текшираамиз:

$$H_0 : \mu = \mu_y$$

Шунга асосан қуйидаги ҳисобланишни бажарамиз:

$$T_{x,y} = \frac{\bar{x} - \bar{y}}{\sqrt{\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}}} = \frac{3,76 - 3,31}{\sqrt{\frac{0,81}{148} + \frac{0,86}{127}}} \approx 4$$

Стюдент мезони асосида эркинлик даражасини қуйидаги формула орқали ҳисоблаймиз:

ушбу эҳтимоллик учун статистик аломатнинг қийматдорлик даражасини $\alpha = 0,05$ деб олсак, у ҳолда $p = 1 - \alpha = 0,95$ га ҳамда эркинлик даражаси $k = 148 + 127 - 2 = 273$ га тенг. Стюдент функцияси тақсимот жадвалидан икки томонлама мезоннинг критик нуқтаси: $t_{1 - \frac{(1-p)}{2}}(k) = t_{1 - \frac{(1-0,95)}{2}}(273) = t_{0,975}(273) = 1,96$

Бундан кўришиб турибдики, статистиканинг танланма қиймати критик нуқтадан катта экан:

$$T_{x,y} = 4 > 1,96$$

демак, бош ўртача қийматлар тенглиги ҳақидаги нолинчи гипотеза рад этилади.

Энди баҳолашнинг самарадорлик кўрсаткичини аниқлаш учун оралик интервалларини топамиз:

$$\Delta_x = t_\gamma \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} = 0,14;$$

га тенг, назорат гуруҳида эса:

$$\Delta_y = t_\gamma \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} = 0,16$$

га тенг. Топилган натижалардан тажриба гуруҳи учун ишончли интервални топсак:

$$\bar{X} - t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}}$$


$$3,76 - 0,14 \leq a_x \leq 3,76 + 0,14; 3,62 \leq a_x \leq 3,90$$

назорат гуруҳи учун ишончли интервал:

$$\bar{Y} - t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

$$3,31 - 0,16 \leq a_y \leq 3,31 + 0,16; 3,15 \leq a_y \leq 3,47.$$

Буни геометрик тасвирласак:



Бундан $\alpha=0,05$ қийматдорлик даражаси билан айтиш мумкинки, тажриба гуруҳидаги ўртача баҳо назорат гуруҳидаги ўртача баҳодан юқори ва оралиқ интерваллари устма-уст тушмаяпти. Демак, математик-статистик таҳлилга асосан яхши натижага эришилгани маълум бўлди.

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{X}=3,76$; $\bar{Y}=3,31$; $\Delta_x = 0,14$; $\Delta_y = 0,16$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{усб} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{3,76 - 0,14}{3,31 + 0,16} = \frac{3,62}{3,47} = 1,04 > 1;$$

$$K_{бдб} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (3,76 - 0,14) - (3,31 - 0,16) = 3,62 - 3,15 = 0,47 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан. Буни 95% ишончлилик билан айтиш мумкинки, тажриба-синов гуруҳларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳар доим назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларидан юқори бўлди ва улар ҳеч қачон устма-уст тушмайди.

Олинган натижаларни жадвал кўринишида ёзамиз.

Гуруҳлар / мезонлар	Тажриба гуруҳи (Н _T =148)	Назорат гуруҳи (Н _X =127)
Баҳоларнинг ўртача арифметик қиймати	$X_T^* = 3,76$	$X_H^* = 3,31$
Самарадорлик коэффиценти	$\eta = 1,13$	
Танланма дисперция	0,53	0,59
Ўрта қиймат стандарт хатоликлари	$C_T = 0,81$	$C_X = 0,86$
X^* нинг ишончлилик ораликлари	$3,62 < a_x < 3,90$	$3,15 < a_y < 3,47$
Вариация кўрсаткичлари	23,89%	29%
Стьюдент статистикаси	$T = 4$	
Статистика озодлик даражаси	$K = 273$	
Критерий хулосаси	$T = 4 > 1,96$ бўлди, X_1 қабул қилинди	

Энди тажриба-синов ва назорат гуруҳларидаги таълим услуги хилма-хил бўлган фаразимизга зид бўлган ҳолни кўрамиз.

$$K_0: \Phi_x = \Phi_y$$

Бунда иккита бош тўплам тақсимотини тақсимлаш бир-бирига тўғри келади.

Берилган α қийматдорлик даражасида H_1 : - бош тўплам нормал тақсимланган деган гипотезани текшириш учун аввал назарий частоталарни кейин эса Пирсоннинг мувофиқлик критерийси - $X_{\text{н-кв}}$ квадрат бўйича (1) ва (2) тизимлар асосида қуйидаги формула бўйича ҳисоблаймиз:

$$X_{n,m}^2 = \frac{1}{n \cdot m} \sum_{i=1}^4 \frac{(nm_i - mn_i)^2}{m_i + n_i} = \sum_{i=1}^4 \frac{(m_i - n_i)^2}{m_i + n_i}.$$

Формуласи асосида $X_{n,m}^2 \approx 15,45$ га тенг.

Ушбу мезон бўйича озодлик даражалари $\nu = 4 - 1 = 3$ га тенг, $X_{\text{н-кв}}$ квадрат тақсимотининг жадвали бўйича критик нуқтани топамиз. $p = 0,95$ учун ишончлилик эҳтимоли

$$T_{0,95}(3) = T_{0,95}(3) = 7,815 \text{ га тенг.}$$

Бир томонлама критерий нолинчи гипотезани икки томонлама критерийга қараганда “қатъият билан” рад этгани учун ўнг томонлама критик соҳа қурамиз. Ўнг томонлама критик соҳа қуйидагига тенг.

$$X_{n,m}^2 = 15,45 > 7,815 = T_{0,95}(3)$$

Бундан X_n -квадрат тақсимот критик нуқтадан катта бўлгани учун нолинчи гипотеза рад этилди.

Демак, битирувчи синф ўқувчиларида ўқиб тушуниш малакасини баҳоловчи топшириқлар асосида ўқиб тушуниш кўникмасини шакллантириш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор экан. Шунингдек, тажриба-синов натижалари асосида илмий фараз текшириб кўрилди ва муайян натижаларга эришилди:

– ўқувчилар она тилида ўқиб тушуниш кўникмаси билан боғлиқ муаммога дуч келишади;

– она тили таълимида ўқиб тушуниш малакасини баҳолашга эҳтиёж бор;

– матнларни ўқиб тушунишга унинг ифодаланиши таъсир қилади;

– матнни ўқиб тўғри тушунилишига унинг қайси услубда ёзилганлиги таъсир қилади;

– она тили таълимида ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш она тили таълимида ўқувчиларда нутқий компетенцияларни, хусусан, ўқиб тушуниш кўникмасини ривожлантиришга урғу берилади, ўқитиш янги босқичга кўтарилади;

– ўқувчининг ўқиб тушуниш малакасини ривожлантириш ва баҳолаш уларда матнни тўлиқ ўзлаштириш хусусиятини шакллантиради;

– ўқувчининг ўқиб тушуниш малакасини ривожлантириш ва баҳолаш уларда ҳаётий вазиятга тўғри баҳо бера олиш фазилатини шакллантиради;

– ўқувчининг ўқиб тушуниш малакасини ривожлантириш ва баҳолаш уларда “сабаб-оқибат”, “шакл ва мазмун мутаносиблиги”, “инкорни инкор қилиш”, “қиёслаш”, “изчиллик” каби фалсафий қонуниятларни ҳаётда қўллай олиш идрокини шакллантиради;

– ўқувчининг ўқиб тушуниш малакасини ривожлантириш ва баҳолаш уларда ижодий тафаккурни шакллантиради, ўзгалар фикрини нутқий вазиятдан келиб чиқиб идрок қилиш, ахборот майдонидаги турфа мавзудаги матнларни тўғри фаҳмлаш, холис баҳо бера олиш кўникмасини пайдо қилишга йўналтирилган ҳамда самарадорлик даражаси аниқланган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўтказилган тажриба-синовлар асосида ўқувчилар ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш учун фойдаланиладиган топшириқларни тузишда ҳисобга олиш керак бўлган қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди.

Битирувчи синфларнинг ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш

учун топшириқлар тузиладиган матнларни танлашда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш керак.

Битирувчи синфларнинг ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш учун топшириқлар тузиладиган матнларни танлашда шунга алоҳида эътибор бериш керакки, унда “сабаб-оқибат”, “шакл ва мазмун мутаносиблиги”, “инкорни инкор қилиш”, “қиёслаш”, “изчиллик” каби фалсафий қонуниятлар билан боғлиқ ҳолатлар акс этган бўлиши керак.

Битирувчи синфларнинг ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш учун фойдаланиладиган топшириқда ўқувчидан махсус билимни (математик амалларни, кимёвий реакцияларни, физик масалаларни ечиш кабиларни) талаб этмаслиги керак, матн қай даражада ўзлаштирилгани текширилади.

Ўқувчиларни ўқиб тушуниш малакасини баҳолашда илмий, бадий, расмий, публицистик услубларга оид турфа мавзулардаги матнлардан фойдаланиш лозим.

Ўқиб тушуниш малакасини баҳолашда фойдаланиладиган топшириқлар жамият ҳаётида фаол қатнашиш жараёнида ўқиган маълумотларидан ўз мақсадлари йўлида фойдалана олиш кўникмасини баҳолаши лозим.

Шунингдек, ўқув топшириқлар ўқувчиларда қуйидаги фазилатларни ривожлантиришга йўналтирган бўлиши лозим:

– ўқувчиларга ўз шахсий мулоҳазасини билдириш имконини берсин;

– ўқувчиларда матн билан ишлаш лаёқатини ривожлантирсин;

– ўқувчиларни бадий асар мазмун-моҳиятини, ундаги нафосатни ҳис этишга ўргатсин;

– ўқувчиларда креатив фикрлаш, ижодкорлик қобилиятининг шаклланиши ва ривожи учун имконият яратсин.

ХУЛОСА

1. Таълим тизими “олтин учбурчак”дан иборат. ДТС, ўқитиш жараёни ва баҳолаш. Шулардан баҳолаш таълимнинг мақсадга эришилганини белгиловчи педагогик ўлчовлардир. Агарда она тили таълимида ҳар бир нутқий малакаларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқилса, ўқитиш табиий тарзда шу мезонларга мослашади, ўқувчиларда мулоқот малакалари, тушуниш ва тушунтириш кўникмалари ўз-ўзидан ривожланаверади.

2. ДТС ва ўқув дастурларида битирувчиларнинг она тилидаги матнларни ўқиб тушуниш юзасидан белгиланадиган минимум талабларни ўзгартиришга эҳтиёж бор, чунки белгиланган меъёрлар етарли даражада эмас. Шунинг учун янги авлод ДТС ва ўқув дастурларида ўқувчининг она тилидаги матнларни ўқиб тушуниш малакасини ривожлантириш юзасидан аниқ меъёрлари ва мезонларини белгилаш шарт.

3. Она тилидаги матнларни ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш учун тузилган тест топшириқларини назарий экспертиза қилиш топшириқлар сифатининг ошишига хизмат қилади.

4. Битирувчи синф ўқувчиларининг она тили таълимида ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш мазмуни матнни тушуниш кўникмасини ривожлантириш қонуниятларига асосланади. Шу боис, она тилидаги матнни ўқиб тушуниш даражасини баҳолашда топшириқлар мазмунини қуйидагича белгилаш самарали бўлади:

асосан жумла ва матн даражасидаги маълумотларни тушунишни ҳамда англаш даражасини текширишга қаратилган топшириқлардан фойдаланиш, шунингдек, қисман сўз даражасидаги маълумотни тушунишга қаратилган топшириқлардан фойдаланиш керак.

5. Ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш мезонларини белгилашда топшириқлар қайси когнитив даражани текширишига қараб баҳоланиши лозим. Шунинг учун баҳолаш мезонларини қуйидагича тавсия этамиз:

Сўз даражасидаги маълумотни тушунишга қаратилган топшириқларни 1 балл билан; жумла ва матн даражасидаги маълумотни тушунишга қаратилган топшириқларни 2 балл билан; англаш даражасидаги топшириқларни 3 балл билан баҳоланиши керак.

6. Битирувчи синф ўқувчиларининг она тилидаги матнларни ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш жараёнида фойдаланиладиган топшириқларнинг мазмунига мос топшириқ методикасини танлаш ўқувчининг когнитив даражасини тўғри ташхислаш, баҳолаш

имкони беради.

7. Она тили таълимида ўқувчилар тил ўрганувчиси эмас, балки етказувчиси, тил соҳиби бўлганлиги боис топшириқ методикаси тўғри танланмаса, тескари натижа бериши – матнни ўқиб тушуниш зерикарли ва жуда оддий юмушга айланиши мумкин. Бу эса таълимга салбий таъсирини ўтказади.

8. Тажриба-синов натижалари асосида мамлакатимиз таълим тизимида катта таъсир кучига эга олий таълим муассасларига кириш синовларида ўқувчиларнинг ўқиб тушуниш малакасини баҳолашни жорий қилиш тавсия қилинади. Негаки бу ўқувчиларда тушуниш малакасини ривожланишига олиб келади.

9. Ўқувчининг она тилидаги матнларни ўқиб тушуниш малакасини баҳолашда, умумий ўрта таълимда ўқувчининг ўқиб тушуниш кўникмасини ривожлантиришда янгича методика асосида ишлаб чиқилган топшириқлардан самарали фойдаланиш уларда “сабаб-оқибат”, “шакл ва мазмун мутаносиблиги”, “инкорни инкор қилиш”, “қиёслаш”, “изчиллик” каби фалсафий қонуниятларни ҳаётда қўллай олиш лаёқатини, ҳаётини вазиятга тўғри баҳо бера олиш фазилатини шакллантиради ва ахборот майдонидаги турфа мавзудаги матнларни тўғри фаҳмлаш, ҳолис баҳо бера олиш кўникмасини ривожлантиради.

ТАВСИЯ ВА ТАКЛИФЛАР

Она тили таълимида битирувчи синфлар ўқувчиларининг ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш борасида олиб борган илмий изланишларимиз қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқиш учун асос бўлди:

1. Битирувчи синфларнинг ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш учун топшириқлар тузиладиган матнлар тузилиш жиҳатидан яхлит, яхлит бўлмаган ёки аралаш типдаги матнлар бўлиши керак.

2. Битирувчи синфларнинг ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш учун фойдаланиладиган топшириқда ўқувчидан махсус билимни (математик амалларни, кимёвий реакцияларни, физик масалаларни ечиш кабиларни) талаб этмаслик, балки тушуниш даражасини текшириш керак.

3. Ўқувчиларни ўқиб тушуниш малакасини баҳолашда илмий, бадий, расмий, публицистик услубларга оид турфа мавзулардаги матнлардан фойдаланиш лозим.

4. Она тилидаги матнни ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш конструктлари ва тест топшириқлар методикаси ўзаро қуйидагича бўлиши мақсадга мувофиқ.

Индикаторлар	Топшириқлари методикаси
<p>матнда аниқ ифодаланган маълумотни қидириб топа олиш ва тушуниш; матнда очиқ ифодаланган маълумотларни тушуниш.</p>	<p><i>қисқа жавобни талаб қиладиган очиқ тест топшириғи</i></p>
<p>матндаги тил бирликларнинг вазифаси ва маъносини тушуниш, идрок қилиш; матндаги мазмуний боғланишларни англаш; матндаги воқеалар ўртасидаги сабаб-оқибат, зиддият, қиёслаш қонуниятларини идрок қилиш.</p>	<p><i>битта ёки бир нечта тўғри жавобга эга муқобил жавобли тест топшириғи; очиқ қолдирилган ўринларни тўлдиришни талаб этадиган тест топшириғи</i></p>
<p>матнда яширин ифодаланган маълумотларни тушуниш; матндан олинган билим ва тушунчаларни амалда татбиқ қила олиш.</p>	<p><i>“бинар” тест топшириғи (ҳукми тўғри ёки нотўғри эканлигини тасдиқловчи жавоб вариантларидан иборат бўлади)</i></p>
<p>матндаги вербал ва визуал маълумотлар ўртасидаги боғлиқликларни тушуниш; матннинг ёки унинг қисмларининг умумий маъносини тушуниш; матнни мазмуний блокларга ажратиш.</p>	<p><i>мослаштиришни талаб қиладиган тест топшириғи битта ёки бир нечта тўғри жавобга эга муқобил жавобли тест топшириғи; чизмали тест топшириғи; хатони тўғрилаш тестлари</i></p>
<p>матнда муаллиф мақсадини аниқлаш; матн ғоясини англаш; матн мазмунини тушуниш ва талқин қила олиш; матндаги фикрлар ва муаллиф нуқтаи назарининг аниқлигини баҳолай олиш; матндан олинган билим ва тушунчаларни амалда татбиқ қила олиш.</p>	<p><i>кенгайтирилган жавобни талаб қиладиган очиқ тест топшириғи; расмли тест топшириғи</i></p>

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 77-б.

2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 19 майда қабул қилинган. Сенат томонидан 2020 йил 7 августда маъқулланган. ЎРҚ – 637. 23.09.2021. <https://lex.uz/ru/docs>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ – 5712-сон **Фармони**//lex.uz/docs/4312785

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПҚ – 4312 Қарори. <https://lex.uz/ru/docs>

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 4467-сонли Қарори// <https://lex.uz/docs/4532156>

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги ВМҚ -187 сон қарори. <https://lex.uz/ru/docs>

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 5850-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4561730>

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 20 октябрдаги ПФ – 6084-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5058351>

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги “2020-2025-йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида” ВМҚ – 781-сон қарори. <https://lex.uz/ru/docs/-5160827#-5162595>

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сонли Фармони // Халқ сўзи, 2016 йил 14 май, № 94 (6529).

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 14-сон. <https://lex.uz/docs/3153714>

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2018 йил, 8 декабрь. <https://lex.uz/docs/4097073>

14. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест марказининг 5–9- синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида. Таълим тараққиёти. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирилигининг Ахборотномаси. 2010-йил, 4-сон.72-бет

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 5-январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон қарори иловаси. Давлат таълими стандартлари тўғрисидаги низом. Таълим тараққиёти. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилиги Ахборотномаси. 1998-йил 1-сон. 33-39-бетлар.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 16-августдаги “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини тасдиқлаш тоғрисида”ги 390-сон қарори. <https://lex.uz/docs/-1205976>

17. Умумий ўрта таълимнинг таълим стандартларини ўқув тарбия жараёнига жорий этиш мониторингини ўтказиш дастури. Таълим тараққиёти. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилиги Ахборотномаси. 2000-йил 2-сон. 5-65-бетлар.

18. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартлари. –Тошкент. 2000.

19. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.104.

20. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – Б. 56.

21. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 48.

22. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – Б. 393.

23. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни (1989 йил 21 октябрь; янги таҳрири – 1995 йил 21 декабрь).

24.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

25. Abdullajonova R., Ne'matov M., O'quvchilarning bilish darajasini aniqlash. // Xalq ta'limi axborotnomasi. – Toshkent, 1995. № 1-2. – В. 12-14.

26. Abduraimova M., Ona tili ta'limi takomili. “Ta'lim taraqqiyoti”. O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi axborotnomasi. – Toshkent, 2001. № 3-4. – В. 66-69.

27. Arziqulov A., Didaktik testlar – o'lchash vositasi. // Xalq ta'limi axborotnomasi. – Toshkent, 2000. № 6. – В. 113-118.

28. Arziqulov A., O'qitish va bilimlarni o'lchashda sikllardan foydalanish. // Xalq ta'limi axborotnomasi. – Toshkent, 2000. № 3. – В. 108-109.

29. Atamuradov X., Bilimlarni tekshirish jarayonida o'quvchilarni faollashtirish. // Xalq ta'limi axborotnomasi. – Toshkent, 1996. № 4. – В. 73-74.

30. Ataniyozova M., Birinchi darsliklar muallifi. // Til va adabiyot ta'limi. – Toshkent, 2009. № 8. – В. 74-80.

31. Azimova I. O'zbek tilidagi gazeta matnlarining mazmuniy persepsiyasining psixolingvistik tadqiqi: monografiya. – Toshkent, 2019. – В. 158.

32. Azimova I. Ona tili ta'limida lisoniy malakani rivojlantirishning psixolingvistik asosi. // Global ta'lim va milliy metodika taraqqiyoti. Respublika III an'anaviy ilmiy-anjuman materiallari. – Toshkent, 2019. –

B. 215–224.

33. Bahromov A., Maktab darsliklarining yangi avlodini yaratish mezonlari. “Ta’lim taraqqiyoti”. O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi axborotnomasi. – Toshkent, 2001. № 3-4. – B. 63-66.

34. Brown Colin M., Hagoort P., Kutas M. Postlexical Integration Processes in Language Comprehension: Evidence from Brain- Imaging research // The New Cognitive Neurosciences. Ed. Michael S. Gazzaniga. Massachusetts Institute of Technology, 2000.–P.881.

35. Chris Zook. Formative vs. Summative Assessments: What's the Difference? // <https://www.aeseducation.com/blog/formative-vs.-summative-assessments-what-do-they-mean>.

36. Do‘stmurodova O., Ona tili o‘qitishga doir yondashuv va tamoyillar. // Til va adabiyot ta’limi. – Toshkent, 2009. № 3. – B. 3-10.

37. Dylan Viliam. Assessment: The Bridge between Teaching and Learning. // National Council of Teachers of English. Volume 21 Number 2, December 2013. Page 15-20.

38. J.Charles Alderson. Assessing Reading. Cambridge University Press 2000.

39. J.Hasanov va boshqalar. Pedagogika. –Toshkent. 2011. – B. 488.

40. Jan H. Hulstijn. Language Proficiency in Native and Non-native Speakers Theory and research. https://www.researchgate.net/publication/290476678_Language_Proficiency_in_Native_and_Nonnative_Speakers_Theory_and_Research_Jan_H_Hulstijn_John_Benamins_Amsterdam_2015_xi_195_pp

41. K.Mavlonova, N.Hakimova. Ona tili darolarida o‘qish savodxonligini egallash imkoniyatlari. // O‘zbek tilshunosligini rivojlantirishning dolzarb muammolari. Res.ilm.amal.konf. mater. – Toshkent: O‘zkitobsavdo nashriyoti, 2020. 340 b. –B. 217–224.

42. Kumaravadivelu, B. Beyond Methods: Macrostrategies for Language Teaching. Yale University Press. 2003.

43. L.F. Bachman. Fundamental considerations in language testing. Oxford University Press, 1995. 398 p.

44. Larry R. Price. Psychometric methods. Teoty into praktike. The Guild Press New york 2017. P. 7

45. Mandatory Testing and News in the Schools: Implications for Civic Education. A Report from the Carnegie-Knight Task Force on the Future of Journalism Education. https://shorensteincenter.org/wp-content/uploads/2012/03/mandatory_testing_and_news_in_schools_2007.pdf

46. Mavlonov O., O'quvchilar bilimini baholashning ochiq test uslubi. // Xalq ta'limi. 1995-yil, 3-4-son, 114-118-betlar.
47. Mengliyev B., Suvonova X. "Ona tili"ni emas, "Ona tili"dan o'rgatish kerak. O'zbekiston: til va madaniyat. // Til va adabiyot ta'limi. 2017-yil 6-son. 56-61-betlar.
48. Nosirova M., O'quvchilar bilimini modulli baholash texnologiyasi. // Xalq ta'limi. – Toshkent, 2000. № 4. – B. 112-115.
49. Qurbonova X., Til ta'limida kompetensiyaviy o'qitish. // Til va adabiyot ta'limi. – Toshkent, 2001. № 7. – B. 22-23.
50. Rasulov B., Test va testga yaqin uslubiyatdan foydalanish. // Xalq ta'limi. – Toshkent, 1995. № 1-2. – B. 19-20.
51. Ro'zimurodov J., O'quvchilarning bilimini baholashda test sinovlaridan foydalanish. // Xalq ta'limi. – Toshkent, 1995. № 3-4. – B. 88-90.
52. Saidov S., Sharopov O., Pedagogik testshunoslikning tipologik masalalari. // Xalq ta'limi. – Toshkent, 2000. № 2. – B. 36-40.
53. Sattorova M., Darsliklardagi matnlar – PISA asosi. // Til va adabiyot ta'limi. – Toshkent, 2020. № 6. – B. 9-10.
54. Sharipova F., Ona tili darslarida matnni o'qib tushunish malakasi. // Til va adabiyot ta'limi. – Toshkent, 2020. № 6. – B. 22-23.
55. Sharopov O., Ahmadjonov M., Test topshiriqlarini tiplashtirish. // Xalq ta'limi. – Toshkent, 2000. № 6. – B. 48-52.
56. Sharopov O., Didaktik testlar mazmuniy validligini oshirish. // Xalq ta'limi. – Toshkent, 1996. № 5. – B. 42-49.
57. Sharopov O., Didaktik testshunoslik va standartlashtirish metodologiyasi. // Xalq ta'limi. – Toshkent, 1996. № 4. – B. 111-117.
58. Sharopova F. Umumiy o'rta ta'limda o'qib tushunish malakasini shakllantirish usullari. Monografiya. – Toshkent: «SAHHOF» MChJ, 2021. – 112- b.
59. Shihab Jimaa. The impact of assessment on students learning. //Procedia - Social and Behavioral Sciences 28 (2011) 718 – 721.
60. Tojiyev M., Baho mezoni modeli. // Xalq ta'limi. – Toshkent, 1996. № 4. – B. 118-120.
61. Tojiyev M., Bilimlarni o'zlashtirish bosqichlari. // Xalq ta'limi. – Toshkent, 2001. № 9-12. – B. 95-103.
62. Turdaliyev S., Geometriyani o'qitishda test savollari. // Xalq ta'limi. – Toshkent, 1995. № 1-2. – B. 22-26.
63. Vahobov M., O'qitish sifati ko'rsatkichlari tizimi. // Til va adabiyot ta'limi. – Toshkent, 2016. № 10. – B. 10-12.

64. Vahobov M., Ta'lim sifati monitoringi konseptual modeli. // Til va adabiyot ta'limi. – Toshkent, 2016. № 9. – B. 10-11.

65. Xolmatov Q., Turdaliyev S., Test savollaridagi noto'g'ri javoblarga ilmiy yondashish. // Xalq ta'limi. – Toshkent, 1996. № 2. – B. 76-80.

66. Алавутдинова Н.Ф. Она тили дарсларида ижодий фикрлаш кўникмасини шакллантириш методикаси (5-синф мисолида): Пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 156 б.

67. Аполлонская Т.А., Глейбман Е.В., Маноли И.З. Порождающие и распознающие механизмы функциональной грамматики. – Кишинёв, 1987. – С.42-47

68. Асилова Г.А. Умумий ўрта таълимда танлаш усулидаги тестлардан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари: пед.фан. номз. ... дис. – Тошкент, 1998. – 137 б.

69. Асқарова М. Ж. 7-9-синф алгебра курси бўйича тест топшириқлари тузиш принципларини такомиллаштириш: пед.фан. номз. ... дис. – Фарғона, 1998. – 141 б.

70. Бобомуродова А.Я. Она тили таълими жараёнида ўйин-топшириқлардан фойдаланиш: пед.фан. номз. ... дис. – Бухоро, 1995. – 135 б.

71. Гулбоев А.Т. Педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш: пед. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2010. – 130 б.

72. Зиёдова Т.У. Она тили таълим жараёнида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш: Пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 1995. – 141 б.

73. Инамов Д.Д. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг битирув-малакавий ишини кваламетирик баҳолаш методикасини такомиллаштириш: пед.фан.б. фал. док. ... дис. – Тошкент, 2018. – 173 б.

74. Каримов Р.Қ. Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари мониторингини таъминлашнинг педагогик асослари: пед.фан.номз. ... дис. – Тошкент, 2006. – 181 б.

75. Қосимова Н.А. Она тили таълими жараёнида ўқувчилар нутқини сўз маънодошлари билан бойитиш: пед.фан. номз. ... дис. – Тошкент, 1998. – 145 б.

76. Мавлонова К.М. Она тили фанини адабиёт фани билан бадий матн орқали интеграциялаб ўқитиш методикасини такомиллаштириш: пед.фан.б. фал. док. ... дис. – Тошкент, 2019. – 142 б

77. Матякубова З.Н. Ўқувчилар билимини баҳолашда кўп танлов жавобли тест тошириқларидан фойдаланиш методи (умумий биология мисолида): пед.фан.номз. ... дис. – Тошкент, 2000. – 132 б.

78. Мирмахсудова М. Ўқувчилар нутқини такомиллаштиришда грамматик терминлардан фойдаланишнинг лингвометодик асослари (5-7-синф она тили дарслари мисолида): Пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 160 б.

79. Нисанбаева А.Қ. Ўзбек тили дарсларида матн воситасида ўқувчилар нутқини ўстиришнинг методик асослари (Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида): пед. фан. номз. ... дис. –Тошкент, 1995. – 160 б.

80. Пермяков О.Е., Максимова О.А. Формализация экспертного оценивания качества тестовых материалов с позиций системного подхода. // Вестник педагогических инноваций. № 3 (7). – Новосибирск, 2006. – 157 – 178 с.

81. Саидов М. Ўзбек мактабларининг 5-синфларида она тили таълими жараёнида тафаккурни ривожлантирувчи ўқув топшириқлари ва улардан фойдаланиш методикаси: пед.фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2000. – 119 б.

82. Саттарова Н.Х. Ўқувчиларнинг иншо ёзиш малакаларини такомиллаштириш (5-синф она тили ўқитиш жараёнида): пед.фан. номз. ... дис. – Т.: 1998. – 141 б.

83. Сафарова Р.Ғ. Миллий тикланиш шароитида Ўзбекистон мактабларида Она тили таълими назарияси ва амалиёти. пед. фан. док. ... дис. –Тошкент, 1998. – 236 б

84. Таълим бўғинларида она тили ўқитиш мазмунини янгилаш асослари. ЎТДА 2-йиғини тезислари. – Қарши, 1993. – 172 б.

85. Тихомиров О.К. Психология: Учебник / Под ред. О.В.Гордеевой. – М.: Высшее образование, 2006. – 538 с.

86. Умарова Н.З. Талабаларнинг ўзбекча ёзма нутқини ўстиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш методикаси(техника олий ўқув юртларининг русийзабон гуруҳларида): пед.фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2007. – 135 б.

87. Ҳазраткулов М.Р. Адабий таълимда иншонинг ўрни ва уни ташкил этишнинг илмий методик асослари: пед.фан.б. фал. док. ... дис. – Тошкент, 2018. – 154 б.

88. Ҳамдамова М.З. 1, 2-синф ўқувчиларининг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш тизими: пед.фан. номз. ... дис. – Тошкент, 1998. – 160 б.

89. Ҳамроев Ғ.Ҳ. Умумий ўрта таълим тизимида фонетикага доир ўқув материалларининг методик таъминотини такомиллаштириш: пед.фан.б. фал. док. ... дис. – Самарқанд, 2019. – 124 б

90. Ҳасанова Г.Қ. Бошланғич синф ўқувчиларида ўз фаолиятини баҳолаш ва ташхислаш кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик асослари: пед.фан.номз. ... дис. – Тошкент, 2009. – 136 б.

91. Ҳасанова Г.Қ. Бошланғич синф ўқувчиларида ўз фаолиятини баҳолаш ва ташхислаш кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик асослари: пед.фан.номз. ... дис. – Тошкент, 2009. – 136 б.

92. Цыбулько И.П., идр. Методические рекомендации по оцениванию выполнения заданий итогового собеседования по русскому языку. Федеральный институт педагогических измерений, 2018.

93. Юлдашева Ш.Ш. Давлат тили таълимида ўқувчилар нутқий малакаларини ўстиришнинг илмий-методик асослари. (Таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган академик лицейлар мисолида): пед.фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2008.– 133 б.

94. Юсупова Ш.Ж. Она тили таълими самарадорлигини оширишда илғор педагогик технологияларни жорий этиш (ноанъанавий усуллар ва компьютердан фойдаланиш): пед. фан. номз. дисс. – Тошкент, 1998. – 110 б.

95. Юсупова Ш.Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида ўқувчилар тафаккурини ўстиришнинг илмий-методик асослари (академик лицейлар мисолида): пед. фан. док.... дисс. – Тошкент, 2005. – 250 б.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

96. Baratov A., *Pedagogik o'Ichovlar nazariyasi asoslari*. – Toshkent, 2018. 40 b.

97. Ibragimov X., Abdullayeva Sh., *Pedagogika nazariyasi (darslik)*. – Toshkent, «Fan va texnologiya», 2008, 288 bet. 252

98. Jalilov K. *Baholash nazariyasi asoslari*. –Toshkent, Akademnashr, 2020, 252 bet.

99. Mahmudov N. va b. *Ona tili. 10-sin uchun darslik*. –Toshkent: “O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2017. –112 b.

100. Mahmudov N. va b. *Ona tili. 11-sin uchun darslik*. –Toshkent: “O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2018. –112

b.

101.Mahmudov N. va b. Ona tili. 5-sinf uchun darslik. –Toshkent: „Tasvir“ nashriyoti, 2020. – 194 b.

102.Mahmudov N. va b. Ona tili. 6-sinf uchun darslik. –Toshkent: “Tasvir” nashriyot uyi, 2017. – 208 b.

103.Mahmudov N. va b. Ona tili. 7-sinf uchun darslik. –Toshkent: “Ma’naviyat” nashriyoti, 2017. –160 b.

104.Mahmudov N. va b. Ona tili. 9-sinf uchun darslik. –Toshkent: “Tasvir” nashriyoti, 2019. – 130 b.

105.Mengliyev B. va b. Ona tili. 10-sin uchun darslik. –Toshkent: “O‘qituvchi” nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2020. – 96 b.

106.Mengliyev B. va b. Ona tili. 11-sin uchun darslik. –Toshkent: “O‘qituvchi” nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2020. – 96 b.

107.Pedagigika ensiklopediyasi. I jild. – Toshkent, “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti. 2015. 318 b.

108.Pedagigika ensiklopediyasi. III jild. – Toshkent, “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti. 2015. 424 b.

109.Qodirov M. va b. Ona tili. 8-sinf uchun darslik. –Toshkent: “Cho‘lpon” nashriyoti, 2019. –144 b.

110.Sodiqov B. V.b., . Yosh fiziologiya va gigiyena darslik. – Toshkent, Yangi asr avlodi – 2009. 154-b.

111.Xalqaro tadqiqotlarda o‘quvchilarning o‘qish savodxonligini baholash (Ona tili va adabiyot fani o‘qituvchilari, metodistlar va soha mutaxassislari uchun metodik qo‘llanma). Ta’lim inspeksiyasi huzuridagi Ta’lim sifatini baholash bo‘yicha xalqaro tadqiqotlarni amalga oshirish milliy markazi. –Toshkent, 2019-yil. 92 bet.

112.Z.Z.Mirvaliyev. Pedagogik o‘lchovlarda test topshiriq turlari. Uslubiy qo‘llanma. Toshkent, 2016. 40 bet.

113.Zakirova M.Sh., Ermatova N.N. Test tuzish metodikasi va ekspertizasi. – Toshkent, 2018. – 41 b

114.Zakirova M.Sh., Ermatova N.N., Test tuzish metodikasi va ekspertizasi. Uslubiy qo‘llanma. – Toshkent, 2016, 42-bet.

115.Ғуломов А., Неъматов Ҳ. Она тили таълими мазмуни. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. –Тошкент, Ўқитувчи. 1996. 9-б.

116.Давлат тест маркази. Ахборотнома журнали. 2018-2021-йил сонлари.

117.Йўлдошев Р.А, Рихсиева М.М. Иншолардаги матний хатолар, уларни тузатиш методикаси. –Тошкент, 2018.

118.Мадаев О., Собиров А., Холманова З., Тошмирзаева Ш.,

Зиёдуллаева Г., Шамсиева М., Ёзма иш турлари: иншо, баён, диктант. – Тошкент, Турон замин зиё, 2017.

119.Маҳмудов Н. М., Ўқитувчи нутқ маданияти. Дарслик. – Тошкент, Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007.

120.Михайлычев Е. А. Дидактическая тестология. – М.: Народное образование, 2001. – 432 с.

121.Охунжонова О., Ёзма ишларни ўтказиш методикаси. – Тошкент, 2014.

122.Розиқов О.в.б., Она тили дидактикаси. –Тошкент, Янги аср авлоди нашриёти, 2005.

123.С.А.Семеновская, Основы тестологии. Учебное пособие. – Саратов: Саратовский государственный университета, 2015. – 58 с.

124.Сафарова Р. Она тили таълимнинг янгиланган мазмуни ва унинг дидактик асослари. – Тошкент: Фан, 1995. – 108 б.

125.Тестология бўйича изоҳли терминологик луғат-минимум. Б. М. Исмаилов таҳрири остида. – Тошкент, 2005. 135 б.

126. Ўзбек педагогикаси антологияси. –Тошкент, Ўқитувчи, 1995.

ИЛОБАЛАР

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI
UNIVERSITETI**

Shohrux ABDURAHIM



**ONA TILINI BILISH DARAJASI BO‘YICHA TEST TIZIMI
1-variant**

SAVOLLAR KITOB

I. O‘QIB TUSHUNISH (30 ta topshiriq)

Toshkent – 2021

O‘QIB TUSHUNISH

TUSHUNTIRISH. *Ushbu bo‘limda 30 ta topshiriq berilgan, ularni bajarish uchun 45 daqiqa ajratilgan. Mazkur test topshiriqlari bitiruvchilarning o‘qilgan matnni tushunishi, idrok qilishi, anglashi, hayotiy vaziyatda qo‘llay olishi, unga baho bera olishi kabi ko‘nikmlari tekshiriladi.*

I QISM

Quyida keltirilgan matnni o‘qing va u asosida berilgan 1– 8-topshiriqlarni bajaring.

“O‘ZBEKNING SODDASI”

O‘shanda sakkiz yoshlarda edim. Ikkinchi sinfda o‘qiyotgan bo‘lsam ham zehnim o‘tkir ekanmi, savodim chiqib qolgan, ya’ni otam aytib tursa, men fakturasini yozib borardim. Otam rayon matlubot jamiyatida magazinchimi, bir nima bo‘lib ishlar edi. U kishi shunday katta ishda tursalar ham, jussalari mendaqaning o‘ntasiga teng kelsa ham, savoddari haligidaqa edi. Lekin otamni mahalla ahli hurmat qilar, u kishi bilan «Polvon bobo» deb so‘rashishar...

Biz yoz oqshomlari alla-pallagacha gurunglashib o‘tirardik. Otamning oshnalari kelganda, **muk tushib**, doston o‘qishar, navbat bilan do‘mbira chertishar, momom ham qozon boshidan jilmasdi. Esimda: biznikilar ayniqsa, «Alpomish» dostonini sevishar edi. Yusuf degan bir tanishimiz bo‘lardi, uyga keldimi, lo‘labolishni o‘mroviga tortib, shu dostonni o‘qishga boshlar edi. Men jiddiy quloq solib o‘tirar, keyin uxlab qolganimni bilmas edim, ertalab supa pastidagi yog‘och karavotda ko‘rardim o‘zimni.

O‘sha kecha uyimizda mehmon ham yo‘q edi. Otam ham qayoqqadir ketib, kelavermadi...

Men zerikib, karavotimga chiqib yotdim. Bir mahal uyqu aralash payqab qoldim: supada g‘o‘dir-g‘o‘dir gap bo‘lyapti. Ayniqsa, enamning ovozi baland-baland chiqardi. Otam bosiq, lekin u ham ba‘zan «E! E!» deb qo‘yardi, men shunda beixtiyor hushyor bo‘lib ketdim. Otamning odatlari qiziq-da: meni hech vaqt «To‘raboy, ke!» deb chaqirmaydi, shunchaki, «To‘raboy!» deb qo‘ya qoladi, demak, bu – beri ke, deganlari ham bo‘ladi. «Ulim!» deb qo‘yardilar, vassalom, men yugurib borishim kerak. Otam singillarimni ham «ulim» deb chaqirardi... U kishining «E!» deganini ko‘p eshitganman. Dashtda bir sigirimizni cho‘pon o‘ziniki qilib, «bo‘ri edi»ga chiqargan ekan. Shunda enam cho‘pondan sigirimizni undirish haqida ko‘p

gapirgan. Otam: «E! E!» deb turib, qo‘l siltagan edi. Shundan keyin enam otamga gap kor qilmasligini bilib, cho‘ponni qarg‘ay-qarg‘ay tinchigan edi.

– E! – dedi otam birdan baqirib. – Shu pul bilan biri ikki bo‘larmidi, kampir?

– Siz shunday deysiz-da, hoy! – dedi enam. – Dashtdagi mol ham sanoqli qolgan, biz uni qaytib to‘laymiz! O‘ylaysizmi?

– Mol sizlarga, – deb to‘ng‘illadi otam. – Men endi manglayda borini ko‘raman, kampir! E, gapirma! – otam qizishib ketdi: – Nima qilay? Selpo raisi o‘g‘irlik qildi, savodim yo‘q, meni go‘l bilib, shuncha pulga tushirdi, yordam qilinglar, deb arzga boraymi? – E, men bu ishti qilolmayman! Insofi bo‘lsa, o‘ylab ko‘radi, kampir! Olti bolam bor, ko‘rib turibdi o‘zi. Nokaslik qilmas.

– **O, sho‘r boshim, sho‘rgina boshim!** – dedi enam kuyinib va idishlar taraqlab ketdi: – Siz arz qilmasangiz, men qilaman! Ertalab milisaga boraman, tekshirib ko‘ringlar, bu odam selpodan hech mahal muncha pul olgani yo‘q, fakturayam tuzgani yo‘q. Tuzgan bo‘lsa, kopiyasi o‘zida bo‘lardi-da!.. Bu odamni o‘sal qilib, o‘zlari padlo‘k dakumit tuzgan, shuncha pulni buning bo‘yniga urgan! Tekshirib ko‘ringlar. Buning pakturalarini o‘g‘lim yozib berardi, uniyam keltirib so‘roq qilinglar, deyman!

Otam jimidi. Men bu gaplarning ma‘nosiga tushunmas edim. Biroq kimdir otamni aldagani, uning boshida xavf borligini sezdim. Biz bolalar tayyorga ayyor bo‘lib o‘sar edik: oilada paydo bo‘ladigan qiyinchilik, kamchilikni ota-onamiz tuzatar, to‘ldirar edi. Bizga o‘yin bo‘lsa, yonboshlab yotib doston eshitish bo‘lsa yoki pistaga pul bo‘lsa bo‘ldi edi.

Men otamga faktura yozib berganlarimni eslab, ichimda xursand bo‘lib, ko‘rpga o‘raldim. ...

Otamning oxirgi so‘zi shu bo‘ldi:

– E, kampir, boshimni qotirma. Men aytdim aytgichimni unga. Nomard ekansan, uka. Mayli, shu **o‘tirik** puldi deb ket, lekin biring ikki bo‘lmasin. Bir kuni seni bolalaring ham ota deb qolsin, dedim. Bo‘ldi shu gap, kampir. Yurakti bo‘shatdim. Agar hayvon emas, odam naslidan bo‘lsa, keladi u – ukkig‘ar!

O‘rtoqlarim bilan so‘kishib yurganlarimni esladim, otam: «O‘zbekning gapi bir bo‘ladi», degich edi. Men yana, hamma vaqt bir so‘zli bo‘lishni o‘yladim. So‘ng nima uchundir shu tobda otamning tutgan yo‘lini to‘g‘ri deb bildim va keyin uxlab qoldim.

Yopiray! Juda notinch bo‘ldi-da, bu kecha!

Yana uyg‘onib ketdim: supada g‘o‘dir-g‘o‘dir gap-so‘zlar qulog‘imga

etmasidan qozonda jiz-biz bo'layotgan go'shtning hidi dimog'imga etdi. Hayron bo'lib, boshimni ko'tardim. Dashtdan otamning oshnalari kepti deb o'ylagan edim. Yo'q, lampa yoritib turgan dasturxonning bir tomonida matlubot jamiyatining raisi cho'kka tushib o'tirar, u otam bilan kulishar edi. Enam o'choq boshida.

Men bu odamni yaxshi tanir edim, qachon otamga ergashib uning omboriga borsam, shu kishini ham ko'rardim, u burchak-burchakda uyilib yotgan yong'oq, olmaqoqi va olchaqoqilardan hovuchlab olib hidlar, so'ng sochib tashlab, kaftlarini bir-biriga urib qoqar, keta turib, menga qoshini uchirib qo'yar edi. Lekin uyimizga hech kelmagan edi.

Qovurdoqning hididan uning hali etilib pishmaganini sezdim. Uyda mehmon borida dasturxondan chetda tur, hadeb o'rtaga qo'l uzataverma, bir ishora qil, o'zim beraman, xohlagan narsangni, der edi enam. Men o'zimning uyg'oq ekanimni enamga qanday bildirsam deb o'ylab turgan edim, ular yana kulib yuborishdi. Shunda otamning oqshomgi kayfiyatini eslab, ishi o'ngidan kelgani – tutgan yo'li to'g'ri chiqqaniga ishondim va xursand bo'lib ketdim. Enamga tikilaman, harakatlaridan u kishining ham kayfi chog' ekani bilinib turibdi.

Lekin baribir turishga jur'at etolmadim.

– Ha, Polvon aka, menga yomon ta'sir qildi gapingiz, – dedi rais. – Men shuncha yoshga kirib, bunday gapni eshitmagan edim. Yashirmayman, mard odamsiz, tushunasiz... Bunday ishlar avval ham bo'lgan. Lekin birovi ham o'zimga havola qilib ketmagan edi. Odamga ta'sir qilar ekan, men ham odam bolasiman... Ana, faktura, dela! Yangamga bering, yoqib yuborsinlar. O'tgan ishga salovat, Polvon aka.

Men karavotdan sekin tushib, o'choq boshiga chopdim.

– Suv ichaman, suv – dedim enamga.

– Go'sht-chi, emaysanmi, bolam? – dedi enam.

Men tirjayib, cho'nqaydim. Shunda rais meni chaqirib, qoshini chimirdi. Men o'rnimdan turib salom berdim.

– Berman ke, ulim, berman ke! – dedi otam. Bunday vaqtda borishim kerak. Enam ham elkamga qoqdi. Otam yoniga o'tqazib:

– Sher ulim! – dedi. – Uxlamadingmi?.. Endi go'shtdan eysiz-u kirib uxlaysiz. Xavotir olma, bolam! Mard odamning sadag'asi ketsang arziydi. Mana, amaking ham mard chiqib qoldilar...

Ular kulishdi. Shunday qilib, bu notinch kecha o'tdi.

Hozir men o'sha kecha, o'sha suhbatlardan yigirma besh yil beridaman. Ularni tushdagidek eslayman. ... (866 ta so'z)

Shukur Xolmirzayev, 1972

Quyidagi savollarga matn asosida javob bering.
Javoblaringizni javoblar varaqasiga ko'chiring.

1. Ajratib ko'rsatilgan *“muk tushib”* iborasining matndagi ma'nosini aniqlang.

- A. o'tirib
- B. qunt bilan, diqqat bilan
- D. bir joyga to'planishib
- E. baland ovozda

2. Hikoyada Polvon tog'aning ayoli nutqida keltirilgan *“O, sho'r boshim, sho'rgina boshim!”* jumalari asosida uni qanday ayol deyish mumkin?

- A. nohaqlikka chiday olmaydigan kuyunchak ayol
- B. qanoatli, har narsaga rozi bo'luvchi, itoatkor ayol
- D. boriga qanoat qilmaydigan, noshukr ayol
- E. gapga chechan, ko'p gapiradigan ayol

3. Matnda ajratib ko'rsatilgan *“o'tirik”* so'zining ma'nosini aniqlang.

- A. qalbaki
- B. bir martalik
- D. mehnat qilib topilgan
- E. yolg'on, aldov bilan topilgan

4. Rais nima uchun kechki payt Polvon tog'anikiga kelib qilgan ishidan pushaymonligini bildirdi?

- A. Palvon tog'a bilan orasi yomonlashib ketishini xohlamagani uchun.
- B. O'zining kirdikorlari ochilib qolishidan qo'rqqani sababli.
- D. Palvon tog'a og'irlik qilmaganiga ishongani uchun.
- E. Haqiqiy aybdorlar, o'g'rilar aniqlanganligi sababli.

5–6. Berilgan obrazlar va unga aloqador tavsiflarni o'zaro moslashtiring.

ESLATMA! Javob variantlaridani ortiqchasi bor.

Ularga berilgan tavsiflar	Obrazlar
5. Yomonlikni o'ylamaydigan, hammaga Ollohdan insof tilaydigan, doim yaxshilikni ko'zlaydigan bir so'zli	A. Cho'pon B. Rais

inson. _____

6. *O'zgalalar mol-mulkini o'ziki qilib o'zlashtirib olgan, harom-xarishdan ham qaytmaydigan inson. _____*

D. *Palvon tog'a*

7. Quyidagi qaysi hukm matn mazmuniga MOS EMAS?

A. *Bola o'z otasining tutumi, xarakterini, tanlovini har doim to'g'ri deb bilgan.*

B. *Ba'zi insonlarning boylik orttirish uchun har narsadan toymasligi keltirilgan.*

D. *Bola tarbiyasining o'zbeklargagina xos bo'lgan xususiyatlar ham aks ettirilgan.*

E. *Polvon tog'aning mardligi muammolarining hal bo'lishiga sabab bo'ldi.*

8. Muallif hikoyada "O'zbekning soddasi" deb kimni nazarda tutyapti? Bu soddalikmi?

ESLATMA. *Fikrlaringizni lo'nda, ixcham ifodalang, 20 ta so'zdan oshib ketmasin.*

Javob: _____

II QISM

Quyidagi matnni o‘qing va u asosida berilgan 9–15- topshiriqlarni bajaring.

11-bob. Voyaga etmagan bolalarning shaxsiy nomulkiy huquqlari

65-modda. Bolaning oilada yashash va tarbiyalanish huquqi

Har bir bola oilada yashash va tarbiyalanish, o‘z ota-onasini bilish, ularning g‘amxo‘rligidan foydalanish, ular bilan birga yashash huquqiga ega, bola manfaatlariga zid bo‘lgan holatlar bundan **mustasnodir**.

Bola o‘z ota-onasi tomonidan tarbiyalanishi, o‘z manfaatlari ta‘minlanishi, har taraflama kamol topishi, insoniy qadr-qimmatlari hurmat qilinishi huquqiga ega.

Bolaning ota-onasi bo‘lmaganda yoki ular ota-onalik huquqidan mahrum qilinganda va bola ota-ona qaramog‘idan mahrum bo‘lgan boshqa hollarda uning oilada tarbiyalanish huquqi vasiylik va homiylik organi tomonidan ta‘minlanadi.

66-modda. Bolaning ota-onasi va boshqa qarindoshlari bilan ko‘rishish huquqi

Bola otasi, onasi, bobosi, buvisi, aka-ukalari, opa-singillari va boshqa qarindoshlari bilan ko‘rishish huquqiga ega. Ota-onasining nikohdan ajralishi, nikohning haqiqiy emas deb topilishi yoki ota-onaning boshqa-boshqa yashashi bolaning huquqlariga ta‘sir qilmaydi.

Ota va ona alohida yashagan holda bola ularning har biri bilan ko‘rishish huquqiga ega. Ota-ona turli davlatlarda yashagani taqdirda ham bola ular bilan ko‘rishish huquqiga ega.

Favqulodda vaziyatlarga tushib qolgan bola (ushlab turish, qamoqqa olish, hibsga olish, davolash muassasasida bo‘lish va boshqa hollarda) o‘z ota-onasi va boshqa qarindoshlari bilan qonunda belgilangan tartibda ko‘rishish huquqiga ega.

67-modda. Bolaning himoyaga bo‘lgan huquqi

Bola o‘z huquqi va qonuniy manfaatlarini himoya qilish huquqiga ega.

Bolaning huquqi va qonuniy manfaatlarini himoya qilish uning ota-onasi (ularning o‘rnini bosuvchi shaxslar), ushbu kodeksda nazarda tutilgan hollarda esa vasiylik va homiylik organi, prokuror va sud tomonidan amalga oshiriladi.

Voyaga etmagan bola qonunga muvofiq to‘la muomala layoqatiga ega deb e‘tirof etilsa, u o‘z huquq va majburiyatlarini, shu jumladan, himoya huquqini mustaqil amalga oshirishga haqlidir.

Bola ota-ona (ularning o‘rnini bosuvchi shaxslar) tomonidan

qilinadigan suiiste'molliklardan himoyalaniş huquqiga ega.

Bolaning huquq va qonuniy manfaatlari buzilganda, shu jumladan, ota-ona (ulardan biri) bolani tarbiyalash va ta'lim berish bo'yicha o'z majburiyatlarini bajarmagan yoki lozim darajada bajarmaganda yoxud ota-onalik huquqlarini suiiste'mol qilganda bola o'z huquq va qonuniy manfaatlari himoya qilinishini so'rab, vasiylik va homiylik organiga, o'n to'rt yoshga to'lgandan keyin esa, mustaqil ravishda sudga murojaat qilish huquqiga ega.

Bolaning hayoti yoki sog'lig'iga xavf tug'ilganligidan, uning huquq va qonuniy manfaatlari buzilganligidan xabardor bo'lgan shaxslar bu haqda bola ayni paytda yashab turgan joydagi vasiylik va homiylik organiga ma'lum qilishi shart. Shunday ma'lumotlarni olgach, vasiylik va homiylik organi bolaning huquq va qonuniy manfaatlari himoya qilish yuzasidan zarur choralar ko'rishi shart.

68-modda. Bolaning o'z fikrini ifoda etish huquqi

Oilada bolaning manfaatlariga taalluqli har qanday masala hal qilinayotganda bola o'z fikrini ifoda qilishga, **shuningdek**, har qanday sud muhokamasi yoki ma'muriy muhokama davrida so'zlashga haqlidir. Bunda qaror qabul qilishga vakolatli bo'lgan organlar va mansabdor shaxslar bolaning manfaatlariga taalluqli masalalarni hal qilishda bolaning fikrini, uning yoshidan qat'i nazar, ko'rib chiqishi hamda bolaning eng ustun manfaatlaridan kelib chiqqan holda qarorlar qabul qilishi kerak.

69-modda. Bolaning ism, ota ismi va familiya olish huquqi

Bola ism, ota ismi va familiya olish huquqiga ega.

Bolaga ism ota-onaning kelishuviga binoan, ota ismi — otasining ismiga ko'ra beriladi.

Bolaning familiyasi ota-onaning familiyasiga qarab belgilanadi. Ota-ona turli familiyalarda bo'lganda ota-onaning kelishuviga binoan bolaga otasining yoki onasining familiyasi beriladi. Ota-onaning xohishiga ko'ra, bolaga ota yoki ona tomonidan milliy an'analarga ko'ra boboning ismi bo'yicha familiya berilishi mumkin. Ota-ona o'rtasida bolaning ismi va (yoki) familiyasi bo'yicha kelishuv bo'lmaganda, kelib chiqqan nizo vasiylik va homiylik organi tomonidan hal etiladi.

70-modda. Bolaning ismi va familiyasini o'zgartirish

Fuqarolik holati dalolatnomalarini qayd etish organi ota-onaning birgalikdagi arizasiga binoan bola o'n olti yoshga to'lguncha bola manfaatlarini e'tiborga olib, uning ismini o'zgartirishga, shuningdek unga berilgan familiyani ham otasi yoki onasining familiyasiga qarab o'zgartirishga haqlidir.

Agar ota-ona alohida yashasa va bola bilan birga yashovchi ota (ona) bolaga o‘z familiyasini berishni xohlasa, vasiylik va homiylik organi bu masalani bolaning manfaatlarini va ona (ota)ning fikrini hisobga olgan holda hal qiladi. Ota yoki onaning turgan joyini aniqlash mumkin bo‘lmaganda, ular ota-onalik huquqidan mahrum qilinganda, muomalaga layoqatsiz deb topilganda, shuningdek, ota yoki ona bolaga ta‘minot berish va uni tarbiyalash majburiyatlarini bajarishdan uzrsiz sabablarga ko‘ra bo‘yin tovlagan hollarda ota yoki onaning fikrini hisobga olish shart emas.

Agar bola o‘zaro nikohda bo‘lmagan shaxslardan tug‘ilgan va otalik qonuniy tartibda belgilanmagan bo‘lsa, vasiylik va homiylik organi bolaning manfaatlarini e‘tiborga olib, uning familiyasini onaning murojaat qilgan davridagi familiyasiga almashtirish uchun ruxsat berishga haqli.

O‘n yoshga to‘lgan bolaning ismi yoki familiyasini o‘zgartirishga faqat uning roziligi bilan yo‘l qo‘yiladi.

(Oila kodeksidan olindi, 681 ta so‘zdan iborat)

Quyidagi savollarga matn asosida javob bering.

Javoblaringizni javoblar varaqasiga ko‘chiring.

9. Ajratib ko‘rsatilgan “mustasno” so‘zining matndagi mazmunini aniqlang.

- A. *Umuman kirmaydigan*
- B. *Umumiy tartiblardan tashqarida*
- D. *Umuman uchramaydigan*
- E. *Umuman begona, o‘zga*

10. Ajratib ko‘rsatilgan “shuningdek” birligi matnda qanday mazmunni ifodalayapti?

- A. *Oldingi fikr kiyingi fikrni xulosasi ekanligini ifodalayapti.*
- B. *Keyingi fikr oldingi fikrning dalillayotganli ifodalayapti.*
- D. *Oldingi fikr kiyingi fikrni tasdig‘i ekanligini ifodalayapti.*
- E. *Keyingi fikr oldingi fikrning davomi ekanligini ifodalayapti.*

11–12. Berilgan ma‘lumotlar va unga aloqador tushunchalarni o‘zaro moslashtiring.

ESLATMA! Javob variantlaridan ortiqchasi bor.

<p>11. O‘n besh yoshli bolaning huquqlari ota-onasi tomonidan toptaldi. Uning manfaatlarini</p>	<p>A. Qo‘shnisi</p>
---	---------------------

himoya qilish uchun kim sudga murojaat qilishi mumkin? _____

12. Muomala layoqatiga ega bo'lmagan o'n etti yoshli bola yaqinlari tomonidan jismoniy azob berib kelingani aniqlanganda, ota-onasi sudga murojat qilmadi. Shunday paytda uning huquqlarini himoya qilish uchun kim sudga murojaat qilishi mumkin? _____

B. Bolaning o'zi

D. Vasiylik kengashi va boshqalar

13–15. Quyidagi hukmlarni matn mazmunidan kelib chiqib to'g'ri yoki noto'g'ri ekanligini aniqlang.

13. Sanjarning ota-onasi onasining axloqi yomonligi sababli ajrashib ketishgan. U otasi bilan yashaydi, ammo onasini ham sog'inadi. Kunlardan bir kuni onasi Sanjarni ko'rgani keldi. Otasini ularni ko'rishtirmadi. Shu to'g'rimi?

A. To'g'ri B. Noto'g'ri

14. Sanjar dunyoga keldi. Otasi Soatov, onasi esa Temurov. Unga ota-onaning kelishuviga binoan onasining familiyasi Temurov familiyasi berildi. Shu to'g'rimi?

A. To'g'ri B. Noto'g'ri

15. Bola dunyoga keldi. Ota-onasi kelishib unga Yusuf deb ism qo'yishdi. Bu ism unga yoqar edi. U o'n ikki yosharda edi, ular yashaydigan mahallada Yusuf degan giyohvand, aqli noqis, bezori yigit paydo bo'ldi. Shunda ota-ona undan so'ramasdan bolaning ismini o'zgartirib kelishdi. Shu to'g'rimi?

A. To'g'ri B. Noto'g'ri

III QISM


Quyidagi matnni o'qing va u asosida berilgan 16–22- topshiriqlarni bajaring.

O'ZBEKISTON AHOLISINING KO'PAYISHI

Aholi sonining ko'payishi davlatning rivojlanishi va taraqqiyotiga ta'sir etuvchi omillardan biri. Birlashgan Millatlar Tashkilotining aholishunoslik jamg'armasi ma'lumotlariga ko'ra (2018-y.) O'zbekiston aholi soni bo'yicha jahonda 44-o'rinda turadi va aholi soni o'sib bormoqda. Darhaqiqat, keyingi yillarda O'zbekistonda tug'ilish soni o'lim soniga nisbatan ortganligi hisobiga aholi soni ko'payib bormoqda. Aholining ko'payish ko'lami diagrammada ko'rsatilgan(1-rasm).



1-rasm. O'zbekiston aholisining ko'payishi (mln kishi hisobida).




2-rasm. Aholining ko'payishi (2018-yil, ming kishi hisobida).

Mustaqillik yillarida mamlakatimizda aholining tug'ilish va o'lim ko'rsatkichlarida ham o'zgarishlar kuzatildi. 1991-yilda respublikada 723,4 ming nafar bola tug'ilgan bo'lsa, keyingi yillarda tug'ilish soni kamayib, 2001-yilda tug'ilish 513 ming nafarni tashkil etdi. Keyinchalik aholining turmush farovonligi ko'tarilishi bilan tug'ilish soni ham ko'paydi. 2017-yilga kelib 716 mingdan ortiq chaqaloq tug'ilgan bo'lsa, 2018-yilda 768 mingdan ortiq bola dunyoga kelgan. 2019 yil esa 815,9 ming bola tug'ilishi ro'yxatga olingan bo'lib, 1000 aholiga tug'ilish darajasi 24,3 promilleni tashkil etdi va 2018 yilning shu davriga nisbatan 1 promillega ko'paydi. Umuman olganda O'zbekistonning doimiy aholisi soni 2020 yil 1 yanvar holatiga ko'ra 33905,8 ming kishini tashkil etmoqda.

Mehnatga yaroqli yoshdan kichiklar aholining 30,5 foizini, mehnatga layoqatli yoshdagilar 58,9 foizni va mehnatga layoqatli yoshdan kattalar 10,6 foizni tashkil etdi.

Aholi sonining oshishiga ta'sir qiluvchi muhim omillardan yana biri umr davomiyligi ko'rsatkichidir. Mamlakatimizda umr davomiyligi ko'rsatkichida ham so'nggi yillarda o'sish kuzatilgan, jumladan, 1991-yilda ushbu ko'rsatkich 66,4 yoshni tashkil etgan bo'lsa, 2000-yilda 70,8 yoshni,

2010-yilda 73,0 yoshni tashkil etdi. 2016-yilga kelib esa 73,8 yoshni tashkil etgan (3-rasm).



3-rasm. O‘zbekiston aholisining umr davomiyligi ko‘rsatkichi (yosh)

Shuningdek, tibbiyot sohasida amalga oshirilayotgan islohotlar natijasida respublikada o‘lim darajasi, jumladan, bolalar va onalar o‘limi ko‘rsatkichlari pasaydi va bu esa respublika aholisi o‘rtasida umr davomiyligi ko‘rsatkichining o‘shishiga o‘z ta’sirini ko‘rsatdi.

Xulosa qilib aytganda, turmush darajasining ko‘tarilganligi, hayotning farovonlashgani hisobiga O‘zbekiston aholisi yiliga yarim mlndan ortiq kishiga ko‘payib bormoqda. Ya’ni ko‘plab mehnat kuchi, ko‘p sonli iste’molchi vujudga kelayotganini bildiradi. Bu esa respublika rivojiga ijobiy ta’sirini ko‘rsatadi.

(Internet manbalari asosida tayyorlandi, 310 ta so‘zdan iborat)

**Quyidagi savollarga matn asosida javob bering.
Javoblaringizni javoblar varaqasiga ko‘chiring.**

16. 2018-yilgi ma’lumotlarga ko‘ra, O‘zbekiston aholi soni bo‘yicha dunyoda nechanchi o‘rinda turadi?

Javob: _____

17–18. Quyidagi hukmlarni matn mazmunidan kelib chiqib to‘g‘ri yoki noto‘g‘ri ekanligini aniqlang.

17. 1991-yilda tug‘ilish ko‘satgichi hozirgi ko‘rsatgichdan ancha yuqori bo‘lgan.

- A. To‘g‘ri
- B. Noto‘g‘ri

18. Mustaqillikdan keyin 2000-yillargacha tug‘ilish soni pasayishi kuzatilgan.

- A. To‘g‘ri
- B. Noto‘g‘ri

19–20. Berilgan ma'lumotlar va unga aloqador vizual ma'lumotlarni o'zaro moslashtiring.

ESLATMA! Javob variantlaridan ortiqchasi bor.

Verbal ma'lumotlar	Vizual ma'lumotlar
19. 2000-yilda erkaklarning o'rtacha umr davomiyligi_____	A. 73.2 yosh B. 70.8 yosh
20. 2000-yilda ayollarning o'rtacha umr davomiyligi_____	D. 68.4 yosh

21. Matn mazmuniga mos ma'lumotni aniqlang.

A. O'zbekistonda erkaklarning o'rtacha umr davomiyligi ayollarnikiga nisbatan yuqori.

B. O'zbekistonda o'tgan asrning 50-yillarida aholisi soni o'sishdan to'xtagan.

D. O'zbekiston aholisining qariyb 70 foizi mehnatga layoqatli hisoblanadi.

E. Ma'lumotlarga ko'ra O'zbekistonda 2018-yilda qariyb 160 ming o'lim kuzatilgan.

22. O'zbekiston aholisining o'sishiga ta'sir qilgan omillarni aniqlang.

1. Xorijdan ko'plab aholining O'zbekistonga ko'chib kelishi. 2. Turmush darajasining ko'tarilishi. 3. Umr davomiyligining pasayishi. 4. Tibbiyot sohasidagi islohotlar.

A. 1, 2, 3, 4

B. 1, 2, 4

D. 1, 3, 4

E. 2, 4

IV QISM

Quyidagi matnni o‘qib, u asosida berilgan 23–30- topshiriqlarni bajaring.

BOSH MIYA



Inson miyasi tabiatning qanday mo‘jizasi ekani bilan tanishamiz. Umuman nerv sistemasi inson organizmini boshqaruvchi sistema bo‘lib, uning tafakkurini belgilab beradi. Ya’ni inson miyasi uning aqliy faoliyati, dunyoqarashi, fikrlashi va ongning fiziologik asosi hisoblanadi. Bir so‘z bilan aytganda, organizmning tashqi muhit bilan aloqasini ta’minlaydi. Bosh miya kalla suyagining ichida joylashgan bo‘lib, inson o‘sib borgan sari u ham rivojlanib boradi. Insonning bosh miya o‘rtacha 100 mlrd neyrondan tashkil topgan bo‘lib, u jigarda ishlab chiqarilib qonga quyilgan glukozaning 50% ini “iste’mol” qiladi. Bosh miyani tashkil etayotgan neyronlar o‘zaro nerv impulslarini 270 km/soat tezlikda uzatadi. Neyronlarning soni ko‘paymasligi haqida barchamiz o‘qiganmiz, lekin neyronlar inson hayoti davomida o‘sib turadi. Bitta neyron istalgan ensiklopediyadagi ma’lumotlardan ko‘ra besh barobar ko‘p ma’lumotni eslab qola oladi. Miya hujayralari oksibiont hujayralar qatoriga kirib, ular qon aylanish tizimiga tushgan kislorodning 20% ini ishlatadi. Shu bilan birga, miyaning 80% ini suv tashkil etadi, shu boisdan ham odam doimiy ravishda etarli miqdorda suv ichib turishga ehtiyoj sezadi.

Bosh miya odam tana massasining o‘rtacha 2% ini tashkil etadi. U o‘rtacha 1000 – 2000 gramm oralig‘ida bo‘lishi mumkin. Ba’zan bu ko‘rsatkich kam yoki ortiq bo‘lishi mumkin.

Shunisi hayratlanarliki, insoning aqliy faoliyati uning o‘lchamiga bog‘liq emas. Misol uchun, buyuk kimyogar olim Dmitriy Ivanovich Mendeleev bosh miyaning og‘irligi 1571 gramm, Ivan Sergeevich Turgenyevning bosh miyasining og‘irligi esa 2012 gramm bo‘lgan. Demak, insonning aqliy faoliyati bosh miyaning massasiga emas, uning po‘stloq qismidagi nerv hujayralarining xususiyatiga bog‘liq.

Bosh miya ikki qismdan tashkil topgan: miyaning stvol, ya’ni ust qismi va bosh miyani o‘rab turuvchi bosh miya katta yarimsharlari. Miyaning ustun qismi uzunchoq miya, miya ko‘prigi, o‘rtamiya, oraliq miya va miyacha kabi qismlardan iborat.


Uzunchoq miya bosh miyaning eng pastgi qismi bo‘lib, yuqori

tomondan miya ko'prigiga tutashadi. Uzunligi 3-3,5 cm bo'lib, og'irligi 7 gramm. Uzunchoq miya nafas olish, ovqat hazm qilish va qon aylanish kabi sistemalar ishini boshqarib, uning shikastlanishi nafas olish va yurak ishining to'xtab qolishiga sabab bo'ladi.

Miya ko'prigi uzunchoq miyaning ustki qismida joylashgan bo'lib, yuqoridan o'rta miyaga va yon tomondan miyachaga tutashib turadi. Miya ko'prigiga ko'z soqqasining harakati va yuzdagi mimika muskullarini harakatlantiruvchi nerv markazlari joylashgan.

O'rta miya miya ko'prigining yuqori tomonida joylashgan. Unda to'rtta tepalik bo'lib, oldingi ikkitasida po'stloqosti ko'rish, orqadagi ikkita teplikda esa po'stloqosti eshitish markazlari joylashgan. Bosh miyaning mana shu sohasida ovqatni chaynash va yutish reflekslari, ko'rish, eshitish, qo'l barmoqlarining nozik harakatlari va muskullar tarangligini ta'minlovchi nerv markazlari joylashgan.

Oraliq miya o'rta miyaning yuqori qismida joylashgan bo'lib, yuqori tomondan bosh miya katta yarim sharlari bilan qoplanib turadi. Oraliq miya ko'rish do'mbog'i va do'mboqosti sohalaridan iborat.



Miyacha inson tanasidagi turli harakatlarning asosi bo'lib, bosh miya katta yarimsharlarning ostki qismida joylashgan. Og'irligi 150 gramm. Agar miyacha zararlansa, tana muskullari bo'shashadi va odam tik turish, yurish, sakrash, yugurish mashqlarini bajarishi qiyinlashib, mast odamga o'xshab gandraklab harakatlanadi.

Miyaning ikkinchi qismi bo'lgan bosh miya katta yarimsharlari bosh miyaning yuqori tomonidan qoplab, uni himoya qilib turadi. U o'ng va chap yarimsharlardan iborat bo'lib, qadoqsimon tana yordamida bir-biridan ajralib turadi. U kulrang moddadan tashkil topgan tashqi qavat va oq moddadan iborat ichki qavatdan tuzilgan. Uning qalinligi 2,5-3 mm. Po'stloq qavati tekis bo'lmasdan, xuddi yong'oq kabi juda ko'p burmalardan iborat. Miya po'stlog'ining bunday tuzilishi unda juda ko'p sonli nerv hujayralarining joylashuviga imkon beradi. Binobarin, miyaning po'stloq qismida 14-16 milliard atrofida nerv hujayralari mavjud. Qizig'i shundaki, miya po'stlog'i pushtalarining soni deyarli barcha odamlarda bir xil bo'lib, lekin ularning tuzilishi xuddi inson kaft chiziqlari singari xilma-xil bo'ladi. Agar miya sharining bunday pushta va egatlari yozib chiqilsa, umumiy sathi 1468-1670 cm² ni tashkil etadi. Bosh miya katta

yarimsharlarining hujayralari bajaradigan funksiyaga ko‘ra po‘stloq sathi uchta zonaga bo‘linadi. Birinchisi ko‘rish zonasidagi hujayralar barcha sezgi organlarining asosiy markazi bo‘lib, teri, ko‘rish, eshitish, hid va ta‘m bilish kabi sezgi organlari retseptorlaridan qabul qiladi. Harakat zonasidagi hujayralar odam organizmidagi barcha muskul, suyak, pay va bo‘g‘imlarning oliy markazi hisoblanadi. Assotsiativ zona hujayralari esa miya po‘stlog‘ining turli qismlaridagi nerv markazlarini bir-biri bilan bog‘laydi. Bu zona hujayralari sezish va harakat zonasidan kelgan impulslarni analiz va sintez qiladi. Bosh miya organizmdagi hamma a‘zolarining kelishib ishlashini ta‘minlaydi. Shuningdek, u zararlansa jiddiy oqibatlariga olib kelishi mumkin.



Tibbiyot sohasida “bosh miya chayqalishi” termini ostida bosh miyaning engil chayqalishi va qisqa muddat ichida hushdan ketish tushuniladi. Bosh miya chayqalishining ikki xil darajadagi ko‘rinishi farqlanadi:

Yengil bosh chayqalishi – markaziy nerv tizimi tomonidan jiddiy o‘zgarishlar bo‘lmaydi, hatto bemorni chuqur tekshiruvlar o‘tkazganda ham. Bunda simptomlar uzog‘i bilan 14 kunda yo‘qoladi (ko‘pincha undan ham oldinroq).

Kuchli bosh chayqalishi – ba‘zi bir qon tomirlarning yorilishi bilan namoyon bo‘ladi. A‘zolarida gematomalar paydo bo‘ladi, simptomlar biroz muddatdan keyin yo‘qoladi.

Bosh miya zarba egandan keyin – inson hushini yo‘qotishi mumkin va bu qisqa muddatli yoki uzoq davom etuvchi bo‘lishi mumkin. Lekin ko‘pincha inson hushida bo‘ladi va quyidagilarga shikoyat qilishi mumkin:

-quloqda shovqinlar;

-bosh aylanishi;

-umumiy holsizlik.

Jarohat olgandan so‘ng boshning ensa sohasida lo‘qillovchi og‘riq, ko‘ngil aynishi ham kuzatiladi, tana harorati normal ko‘rsatkichlarda bo‘lib, inson es-hushini yo‘qotmaydi.

Agar bosh miya jarohatlangan bo‘lsa zudlik bilan tez tibbiy yordamga murojaat qilish kerak. Ular kelgunga qadar quyidagi chora tadbirlar bajarilishi kerak:

-bemorni gorizontol holatda, boshi ostiga baland bo‘lmagan yostiq qo‘yib yotqizish kerak;

-bemorga umuman ovqat va suv ichirish kerak emas;

-bemorga toza havo kelishini ta‘minlash kerak;

-bemor tinch holatda bo'lishi kerak, u televizor ko'rishi, telefoniga qarashi, kitob o'qishi mumkin emas.

Agar bemor hushini yo'qotgan bo'lsa, uni harakatlantirish, joyidan ko'chirish mumkin emas. Uni o'ng yonbosh sohaga yotqiziladi, chap oyoq va chap qo'l bukiladi, boshni o'ng tomonga burib, iyakni ko'krak qafasi tomonga biroz egib qo'yish kerak. Shunday holatda bemorga havo kelishi oson bo'ladi.

(Internet manbalari asosida tayyorlandi. U 889 ta so'zdan iborat)

Quyidagi savollarga matn asosida javob bering.

Javoblaringizni javoblar varaqasiga ko'chiring.

23. Jigarda ishlab chiqilgan glukoza ning qancha qismi bosh miya faoliyati uchun sarflanadi?

Javob: _____

24–25. Quyidagi hukmlarni matn mazmunidan kelib chiqib to'g'ri yoki noto'g'ri ekanligini aniqlang.

24. Odamning dunyoqarashi, aqliy faoliyati yuqori darajada bo'lishi bosh miyasining hajmiga bog'liq.

A. To'g'ri B. Noto'g'ri

25. Bosh miya hujayralari qondagi kislorodning asosiy qismini ishlatadi. Shuning uchun inson tez-tez suvsaydi.

A. To'g'ri B. Noto'g'ri

26–28. Berilgan ma'lumotlar va unga aloqador tushunchalarni o'zaro moslashtiring.

ESLATMA! Javob variantlarida ortiqcha bor.

Ma'lumotlar	Tushunchalar
26. Bosh miyaning bu qismi jarohat olsa, o'pka va yurak faoliyat to'xtaydi. Inson nobud bo'ladi. _____	A. Oraliq miya B. O'rta miya D. Miya ko'prigi
27. Bosh miyaning bu qismi jarohat olsa, Inson ko'rish va tinglab tushunish va yoza olish qobiliyatlarini yo'qotadi. _____	E. Uzunchoq miya F. Miyacha

<p>28. <i>Bosh miyaning bu qismi jarohat olsa, inson mushaklari faoliyatida buzilish paydo bo'ladi va tik tura olmay yiqilib tushadi.</i></p>	
---	--

29. Matn mazmuniga MOS KELMAYDIGAN ma'lumotni toping.

A. *Miya po'stlog'i pushtalarning tuzilishi odamlarda bir-biridan farq qiladi.*

B. *Bosh miyaning assotsiativ zonasi hujayralari sezish va harakat qismidan kelgan impuls signallarni tahlil qiladi.*

D. *Bosh miya katta yarimsharlarining tashqi va ichki qavati o'zaro bir xil rangda bo'ladi.*

E. *Bosh miya katta yarimsharlari sathi hujayralarining amalga oshiradigan vazifasiga ko'ra uchta katta qismga bo'linadi.*

30. Bir yigit boshi bilan qattiq yiqilib tushdi va birozdan keyin hushini yo'qotdi. Unga qanday birinchi yordamni ko'rsatish kerak?

ESLATMA. bir nechta to'g'ri javob bo'lishi mumkin.

A. Hushiga keltirtirib, suyuqlik ichirish kerak.

B. Tezda soya-salqin joyga olib o'tish kerak.

D. Uni o'ng elkasi bilan yonbosh qilib yotqizish kerak.

E. Boshiga yostiq qo'yib to'g'ri holatda yotqizish kerak.

F. Yotqizgach, chap oyoq-qo'lini bukish kerak.

JAVOBLAR VARAQASI

F.I.O. _____

SINF. _____

MAKTAB. _____

VILOYAT. _____

YOPIQ TEST JAVOBLARI					
TEST T/R	KALIT	TEST T/R	KALIT	TEST T/R	KALIT
1		11		21	
2		12		22	
3		13		23	<i>ochiq test</i>
4		14		24	
5		15		25	
6		16	<i>ochiq test</i>	26	
7		17		27	
8	<i>ochiq test</i>	18		28	
9		19		29	
10		20		30	
OCHIQ TEST JAVOBLARI					
8-SAVOL JAVOBI: _____ _____ _____ _____					
16-SAVOL JAVOBI: _____					
23- SAVOL JAVOBI: _____					

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎҚИБ ТУШУНИШ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	7
1.1. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш педагогик-методик муаммо сифатида.....	7
1.2. Ўқиб тушуниш малакасини баҳолашнинг психофизиологик асослари.....	14
1.3. Она тили таълимида ўқувчиларнинг ўқиб тушуниш малакасини баҳолашнинг мавжуд ҳолати	18
II БОБ. ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎҚИБ ТУШУНИШ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ	33
2.1. Ўқиб тушуниш малакасини баҳолашнинг мазмуни.....	33
2.2. Ўқиб тушуниш малакасини баҳолашда қўлланиладиган топшириқлар методикаси	47
2.3. Ўқиб тушуниш малакасини баҳолашда фойдаланиладиган тест топшириқларини экспертиза қилиш	69
III БОБ. ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎҚИБ ТУШУНИШ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ САМАРАДОРЛИГИ	72
3.1. Ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш бўйича тажриба-синов ишлари мазмуни	72
3.2. Ўқиб тушуниш малакасини баҳолаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили	79
Хулоса	95
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	98
Иловалар	108

Шохрух АБДУРАҲИМ

**ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ЎҚИБ
ТУШУНИШ МАЛАКАСИНИ
БАҲОЛАШ**

монография

“Nodirabegim” нашриёти

Нашриёт лицензияси АИ № 313. 24.11.2017 й.

Босишга рухсат этилди: 29.12.2021.

“Times New Roman” гарнитураси. Қоғоз бичими: 60x84 ¹/₁₆

Нашриёт босма табағи 8. Адади 100 нусха.

100129, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,

Навоий кўчаси, 30-уй.

ООО “АКТИВ PRINT” босмахонасида чоп этилди.

Тошкент, Чилонзор 25, Лутфий 1А.